



О.Собирова

СУЗИШ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ОЛӢИ БИЛИМГОҲЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИ ӮЧУН ҲҚҰД АДАВИЕТИ

О.Собирова
СУЗИШ

Ўзбекистон Республикаси Физкультура ва
спорт бўйича Ҷавлат қўмитаси Жисмоний тар-
бия олий билимгоҳи талабаларига, билим юрт-
лашнинг жисмоний тарбия ўқитувчиларига
дарсанк сифатида рухсат этган

Тошкент
Иби Сиво номидаги
нашиёт-матбаа бирлашумаси. ۱۹۹۳
1993 | Ҳ.Г. Ўзбек
Уз. Гос.

75.717.5
УДК 42.4

Тақризчи — Узбекистон Давлат Жисмоний тарбия олий билимгоҳининг катта ўқитувчisi Ф. Т. Йқромов

Собирова О.

С 74 Сузиш: Жисмоний тарбия олий билимгоҳи талабаларига ва билим юрт. жисмоний тарбия ўқитувчиларида дарслар. — Т.: Ибн Сино иомидаги пашр.— матбаа бирлашмаси, 1993.— 120 б.

Сабирова С. Плавание.

Ушбу дарсларик Жисмоний тарбия олийгоҳининг «Сузиш» курси бўйича таъсис қилинган программасига мувофиқ ёзижсан бўлдиб, унда сузишнинг тарихига доир маълумотлар, сувнинг ўзига хос хусусинтлари, сузишга ўргатишининг усуслари, сувишдан ГТО нормативларини топшириш бўйича назарий ҳамда амалий билимлар берилган; сундада учрайдиган баҳтсиз ҳодисаларниң олдинги олишдаги чора-тадбирлар атрофлича баён қилинган.

Дарсларик Жисмоний тарбия олийгоҳи талабаларига, шунингдек, мактаб, билим юртлари, техникумларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига на бошقا сузиш билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Дарсларидан семинар ва методик машгулотларда ҳам фойдаланиш мумкин.

ББК 75.717.5 я73

**С 4204000000—044
М 354(04)—93 68—93**

ISBN 5-638-00786-5

© О. Сабирова, 1993 й.

СҮЗ БОШИ

Жумҳуриятимизда жамиятнинг барча соҳалариниң янгилаш, ривожлантириш, илдамлантириш жараёнига фаол киришилмоқда. Бу йўлда жисмоний тарбия ва спорт илмига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бежиз эмаски, ҳукуматимизнинг қарорларида жисмоний тарбия ва спортини аҳолининг кенг қатламлари ўртасида янада кенг ёйиш умумдавлат иши, барча хўжалик ва жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларининг бурчи эканлиги таъкидланган. Кийинларда соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи янгидан-япги аниқ вазифалар белгилаб берилган. Ҳозирда айниқса, болаларни гўдакликдан бошлиб илпинсига ва мустақил жисмоний машгуулотларга кенг жалб қилиш, чиниқтириш, хусусал, соғлом, бақувват, чидамли, чаққон бўлиб ўсишларига жиддий эътибор бериш жуда зарур. Сузиш билан шугулланиш, жисмоний машқларининг энг фойдали турларидан бири ҳисобланади. Ушбу қўлланмада сузиш тарихи, сузишининг аҳамияти, сузишга ўргатишининг усувлари, сузиш турлари баён этилган. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича жумҳуриятимизда миллӣ мутахассислар, ўқитувчилар, методистлар етишмай турган бир пайтда бу хилдаги қўлланмалар анча ёрдам бериши мумкин. Иш бор жойда хато бўлади, деганларидек, ушбу рисолада ҳам маълум бир камчиликлар бўлиши табиий. Шулар ҳақида қимматлии вақтларини аямай, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, маслаҳат берган китобхонларга муаллиф ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Муаллиф

СУЗИШНИНГ СӨГЛИҚ УЧУН АҲАМИЯТИ

3) Матълумки, сузиш жисмоний тарбияциинг бир туридир. Бас, шундай экан, бадавин жисмониа чиниқтиришда, организмни янада соғломлаштиришда унинг фойдаси бекітіледір. Чунки боланинг ҳам, катта кишининг ҳам сувда сузагаңда бир неча әмас, балки барта мушаклар системасы ҳаракатта тушади, бинобарин, одам гавдаси бир бутун ҳолда мутаносиб ривожланади. Бежиз әмаски, сузиш билди мунтазам шуғулланиб келаётған боланинг бүтінлары ҳаракатчаш, мустаҳжам, бир меңерда ҳаракатлаудың, пайлари, мушаклары яхши тараққияттады. Айниқса, одам гавдасининг сұндағоронтал ҳолда ҳаракатланиши, унинг тик туриб бажарған ҳаракатларидан маълум даражада фарқ қиласади. Бинобарин, боланинг тик туриб, юриб, юғурған бажарған майнылары унинг пай, мушак ва бүтінларига бир томондаған таъсир күрсатса, сувда сузиб бажарған машқлары үнга иккиси томондал таъсир күрсатади. Гавданпнг расо ва адл бўлиб ривожланишида, айниқса, умуртқа ногонаси қийшайиб қолишининг (сколиозининг) олдини олишда сузишинг аҳамияти жуда каттадир. Шу сабаб ҳам сузиш умуртқа ногонаси касалликларини даволашда кенг тавсия қилилади.

Сувда сузиш организмни чиниқтириш маңбаи ҳамдир. Буни албатта, дастлаб сув муолажаларидан кейин бөнлаш керак. Чунки сув ўзининг физик хоссалары, яъни иссиқликкни ўта ўтказувчалиги, катта иссиқлик сиримига эга эканлиги ва терига механик таъсир күрсатилиши билан, сувга ўрганимаган организмни шамоллатиб қўйиши мумкин.

Сув муолажаларини, хусусаш, уларнинг турларини мунтазам равишда ҳар куни, муайян шарт-шароитда, боланинг ёшига, соғлигига қараб бажариш керак. Сув муолажаларига сув вандаларц, душ, бадавин ҳўл сочиқ билан артиш, бошдан сув қўйини, ҳўл чойшабга ўралниш кабилалар киради. Баданини ҳўл сочиқ билан артганда сув үнга енгил-елли таъсир кўроатади, тетик, бардам

қплади, қон айлапишипи, моддалар алмашинувинн оширади. Бунинг учун ҳарорати 30° атрофидаги сувга сочиқни ҳўллаб, сўнг яхшилаб сиқиб, дастлаб қўл-оёқ, сўнг бадан артилади, кейин қуруқ сочиқ билан бола териси қизаргунча ишқаб артилади. Бир неча кун шундай қилгандан сўнг, сув ҳароратини 25—30°C гача тушириш мумкин. Бу муолажада энг фойдали омил — бу сув ҳарорати-ю, терини қизартириб артишдир. Бошдан сув қушиш, бу — бола сувга анча ўргаиганидан кейиш, сувдан қўрқмай қолгандан сўнг бажарилади. Сув ҳарорати 38—37° бўлиши лозим. Бунинг учун болани ванинда турғазиб қўйиб, сув идишга солинади-да, «мана ҳозир устишдан озгини сув қуяман...» деб огоҳлантириб турниб, сўнг қунилаётганди боланинг эти жупжикса, ёки у қўрқиб кетса, бунда муолажани давом эттиришга шоцилмаслик керак. Борди-ю, болага сув ёқса, унда яна иккни-уч марта қушиш мумкин, сўнг бунда ҳам албатта, то бола иси гунча (терисини қизартириб) қуруқ сочиқ билан артиш, ўраш зарур. Шу тариқа секин-аста сув ҳарорати насалитириб борилади. Ҳўл сочиқ билан артиниш муолажалари каттароқ ёшдаги болаларгагина лозим ва бу аксарият даволаш-профилактика мақсадларида бажарилади. Чунки баданга тана ҳароратидан паст ҳарорат тегиб тургач, терилаги майда канъалир томирлар тораида, џатижада иссиқлик йўқолиши камалди, қон оқимига бўлган қаршилик ошади, қон босими бир қадар кўтарилади ва оқибатда юракка зўр келади, унинг урушини тезлаштиради. Булар ва яна нерв системасиниң таъсирланиши, мушаклар тонусиниң ошиши, қон оқими ниң тезлашиши — ҳаммаси бир бўлиб моддалар алмашинувин яхшилайди. Бутун бадан қизиб, бола енгил тортади, хушчақчақ бўлади, тетиклашади. Албатта, бунга бола баданини уқалаш, артиниш муолажалариниң қўшиб олиб борилса, кутилган натижка ҳам самарати бўлади.

Сузишга ўргатишини одатда 4—5 ёшдан бошлиши мумкин, ҳозир эса, айрим маҳсус спорт уюшмаларида ҳатто чақалоқликдан бошлаб ҳам ўргатилмоқда. Тиббиётчиларниң фикрича, бу бола организмига яча ҳам фойдали таъсир қиласар экан. Агар боланинг пайлари, мушаклари қайшишкоқ, бўгимлари мослашувчай, гавдалари эгитивчанинги ҳисобга очсан, кам деганда уни сузишга 7—8 ёшдан, спорт машқларини эса 9—11 ёшдан бошлаган маъқул. Шунда бола соглом ва бақувват бўлиб ўсади, турмушда, ҳаётда, жисмоний ишларда пацд емайди.

Кўпчиликка маълумки, спорт, жисмоний тарбия, шу

жумладан сузиш кўп дори-дармонлардан кўра фойдалироқдир. Чунки совуқ сувга ўрганган, чиниққан бола организми совуқ шамолдан, елвизакдан, об-ҳавонинг дамба-дам совиб-исиб туришидан, намлидан қўрқмайди, уларга тезда мослашиб олади ва бундай совуқ омиллар ҳам уни безовта қилолмайди.

Баъзи ота-оналар — болам чўкиб кетиши мумкин, деб фарзандларини сузишга қизиқтирумайдилар. Лекин сузишни билмаслик кўп ҳолларда фожнага сабаб бўлади. Сузишни болалиқдан ўрганган яхши. Бироқ уни катта бўлганда ҳам ўрганиш мумкин. Сузишнинг фойдаси фақат юқорида айтиб ўтилганлардагина эмас, балки, масалан, болалардаги яссиоёқликнинг олдини олишда ҳам аҳамиятга эга. Чунки бола сувда сувганида айниқса, оёқлар тинимсиз ҳаракат қиласи, куч билан сувни ҳар хил шаклда, ҳар хил йўсинда тепади, демак, болдири мушаклари билан бирга оёқ панжа мушаклари, пайларига зўр келади, бинобарин, улар ҳам муттасил ҳаракатланади, иш бажаради. Натижада, оёқ панжалари, бўғимлари мустаҳкамланиб боради, ҳар хил қийшайишларга ўрин қолмайди.

Сузишнинг нафасга таъсирини айтмайсизми: одам сувда сузаётганда беихтиёр нафасга зўр келади. Агар сузаётган киши ҳавони ўпкасига тез олиб, узоқ-узоқ чиқарса, унинг нафас мароми тўғри бажарилади ва ўпканинг ҳаётий сифими борган сари ортиб бораверади, бу эса ўз навбатида ҳар хил ўпка касалликларидан, ҳаллослаб қолишлардан сақлайди. Яна энг кераги — бола организми кислород танқислигига қўнишиб боради, ўрганади.

Сузаётган кишининг гавдаси одатда, горизонтал ҳолатда бўлади, бинобарин, унинг ички аъзолари ҳам, ҳусусан, юрак ҳам шу ҳолатни олади. Бу эса унинг ишини енгиллаштиради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, одам тик туриб, машқлар бажаргандагига қараганда сувда сувгандаги юракка нисбатан камроқ зўр қелади. Шу сабабли сувдан чарчаб чиққан одам қуруқликда, яъни тик ҳолатда ўзида яна ҳам толикиш сезади. Юраги ҳали чиниқмаган, спортчилар юрагига тенглашмаган кишилар (болалар) буни эсдан чиқармасликлари керак. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам сузишнинг юрак-томир системасига ва одам асабига ижобий таъсири бекиёсdir. Оддий мисол: сузиш билан мунтазам шуғулланиб юрган одамнинг томир уриши сувга тушмай юрган кишинига қараганда 10—15 марта кам уради. Аксарият воқеаларда «кам» дегани салбий маънога эга бўлса ҳам,

юрак-томир уришида, нафас олиш сонида «кам», «кўп» дейишдан кўра анча ижобий аҳамиятга, фойдага моликдир.

Кези қелганда, шунни ҳам айтиб ўтиш керакки, сувга тушгандга тик турмай, ҳаракатланиш лозим. Бола организмига сувдаги тинч ҳолат эмас, ҳаракат ҳолати зарур. У қанча кўп ҳаракат қилса, шунча кўп фойдали бўлади. Сузишнинг бошиқа сув муолажаларидан фарқи ва соғломлаштириш омили унинг ҳаракатидадир. Шунда сувнинг организмига совуқ таъсири ҳам деярли сезилмайди. Акс ҳолда, масалан, касалликдан турган болаларни сувда чиниқтиришга ўргатиладиган пайтларда, яъни бирор сабабга кўра, бола чўмилаётганда сузмаса, тез ҳаракатларни бажармаса, у ҳолда сувнинг ҳарорати 2—4° ортиқ, сувда бўлиш муддати 30—40 дақиқа кам бўлиши лозим. Бипобарин, чўмилиш, сузил учун тайёргарлик кўрганда сувнинг ҳароратини, сувда бўлиш муддатини олдишга қўйилган мақсаддан келиб чиқиб танланш зарур.

Сузишнинг спорт турларидан бири бўлиб, жаҳонга тарқалишида дастлаб, унинг организми соғломлаштирувчи таъсири турткни бўлган. Энди, вақти келиб, сузиш спортиниң энг оммалашган кўриниши сифатида ўзининг маълум босқичларига эга бўлди.

СУЗИШ ВА УНИНГ ТАРИХИ

Сузиш — дарс сифатида жисмоний тарбия олий ўқув юртларининг ўқув дастурига ва жадвалига киритилган. Урта мактаб олий ва ўрта маҳсус билим юртларининг жисмоний тарбия бўйича ўқув программаларида мажбурий факультатив курс сифатида ўрин олган. Мактабларда шароитга қараб жисмоний тарбия дарсларида сузишга ўргатиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Ўз мактабида шароит бўлмаса, яқин атрофдаги бассейнлар ижарага олинимоқда ёки ёз ойларида очиқ сув ҳавзаларида ва пионер лагерларида сузиш машғулотлари ўтказилмоқда. Бу ишларниң ҳаммаси давлат программасига мувофиқ тасдиқланган режалар асосида олиб борилади. Чунки бизнинг жисмоний тарбия системамида сузиш асосий ўринни эгаллайди. Шу сабаб бошиқа жисмоний машғулотлар қатори сузиш ҳам «Мехнатга ва Ватан мудофаасига бўл тайёр!» жумҳурият жисмоний тарбия комплексига киритилган. Иккичи сабаб сузишдаги тарбиявий ишлар бутун машғулот жараёнида олиб борилиб, болаларнинг колективизм руҳида, онгли, ин-

тизомли, ташаббускор, сабот-матонатли, жасур, дадил ва иродали бўлиб ўсишига кatta таъсир кўрсатиши биз утун ҳуда муҳим аҳамиятга моликдир.

Сузиш, одатда, анатомия, биология, физиология, педагогика, психология, биомеханика, биохимия, тиббиёт ва бошқа фанлар билан узвий борлиқ бўлиб, бу билан биз қўйида курс дастурини баёни қилиш давомида тацишиб борамиз.

Сузиши дарснинг вазифаси — инсон учун ҳаётий зарур бўлган малакани — сузишни ўргатиш ва юқорида айтиб ўтганимиздек, одам организмини чициқтириши ва соглигини мустаҳкамлашни ўз ичига олади.

География... ботаника ва зоология курсларидан маълумки, бундан тахминан иккича-уч милиннадр йил илгари ер куррасен юзасининг кўп қисми сув билап қоплаиган, ҳозир эса, ер куррасининг 70,8 фойизини сув ташкил этади.

Геология фанидан маълумки, табиатда сув жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. У тог жинсларини парчалаб, эритиб, эригац тог жинсларини ва бошқа моддаларни оқизиб келиб, тупроқ қатламини ҳосил қилган. Дастлабки энг содда организмлар ҳам худди ана шу сув бағрида пайдо бўлган ва йиллар ўтиши билан астасекин қуруғликда қолиб, ҳаёт вужудга келган. Ботаника ва зоология илми ҳам буни тасдиқлайди.

Археологик қазилмалардаги суратлар, қадимги кишилар дафи этилган жойлардан топилган ашёлар шундап далолат берадики, ибтидоий жамоа даврида эркаклар овқат топиш учун сув ҳавзаларига бориб, сув ҳайвонларини ов қилгандар, балиқ тутганлар, қабила-қабила бўлиб, сув остидан кемаларга ҳужум қилгандар ва буниш учун албатта, сувнини билганлар. Улар табиийки, астасекин сув ости бойликларидан фойдаланишини, масалан, сув остидан чиганоқ ва дур каби эйиат буюмлари, кенинчалик эса қимматбаҳо минераллар олиб чиқишни ўрганишгандар. Кўришиб турибдики, инсон ҳаёти қадимдан сув муҳити билан чамбарчас борлиқ бўлган. Айниқса, ер куррасининг жанубий мамлакатларида яшовчи қабилалар учун болаларни сунда сузишга ўргатиш ҳаётий зарурият саналган. Илмий маълумотларга қараганда, Юнонистонда бизнинг орамидан 3000—4000 йиллар илгари ҳам, одамлар сузишни билганлар ва улар сувда чўмилиши гигиеник жиҳатдан юқори баҳолашган.

Ф. Энгельснинг ёзишича, ўрта аср саркардалари ўз аскарларини кийимсиз қандай сувсалар, қурол-аслача билан ҳам шундай сузишга мажбур этганилар. Сузиш улар учун биринчи нафбатда жисмоний тайёргарлик кўриш

хисобланған. Дүнёнинг таңиқи алломалари: Буқрот, Архимед ва ёзувчи мутафаккирлари: Франсуа Рабле, Томас Мор, Жан-Жак Руссо ва бошқалар ўз асарларида сузишнинг соғломлаштирувчи таъсирини тарғиб этишгандар. Вақтлар ўтиб, замонлар ўзгариб, сузиш аста-секин спорт тусини касб этган. Даврлар, йиллар давомида спортча сузашынг техникаси ўзгариб, сузиш күрсаткышлари ҳам ошиб борган.

XVIII асринг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларидан Греция, Франция, АҚШ, Австралия, Австрия, Германия, Бельгия, Англия, Венгрия, Голландия, Дания, Италия, Швеция, Финляндия, Япония, Корея каби мамлакатларда сузишни ўргатувчи мактаблар ташкил этилди, сунъий бассейнлар құрып шыга туширилди.

Шарқ мамлакатларында, хусусан, Үрта Осиёда ҳам сувда сузишга интилиш, ўрганиш күчли бўлғап. Айниқса, Амударё билан Сирдарё ва Орол соҳилларида яшовчи халқлар бир томондан тирикчилик учун бўлса, иккичи томондан, ҳарбий машгулот сифатида, учинчи томондан эса, зарур пят тақозоси юзасидан сузишни ўрганишган, билишган. Машҳур «Қобуснома» асарининг б-бобидаги ҳикоятда сузишни билишнинг аҳамияти нақадар катта эканлиги жоили мисолларда образли қилиб жуда таъсирчан баён қилинган. Шу асарнинг «Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида» деган бобида ҳам сувда сузишга оид ибратли фикрлар ифодаланган: «Бу ўргатган ҳунарларингизни зарур вақтида ўғлимниң ўрнига бошиқа киши қиласа ҳам булади, аммо зарур вақтида ўғлимниң ўзи қиладиган, унинг учун бошқалар қила олмайдиган ҳунарни ўргатмабсизлар», — дейди амир ўғлиниң устозларига. Улар бир оғиздан: «У қайси ҳунар?» деб сўрайдилар. Ота: «Сувда сузмоқдирки, буни бошқа киши ўғлим учун қила олмайди», — дейди. Шундан кейин шаҳзодани сузишга ўргатадилар. Орадан йиллар ўтади. Кунлардан бир кун шаҳзода ўз яқинлари билан денгиз сафарига отланади. Улар денгиздан ўтаётганиларида хавфли гирдобга дуч келишади. Кемачи кемани бошқара олмай қолади ва йигирма етти чөглик киши бирдан сувга гарқ бўлади. Фақат сузишини яхши билган шаҳзода ва унинг қулигина омои қоладилар.¹

Кўриниб турибдики, сузиш аввало кишини ҳалокатдан қутқаради, қолаверса, саломатликни мустаҳкамлайди — буни қадимдан ота-боболаримиз, тибиёт аҳли яхши билганлар: «Минг афсуски, сузишга доир маълумотлар

¹ Қобуснома. «Ўқитувчи», Тошкент, 1968, 72-бет.

бизгача етиб келмаган, етиб келғанлари ҳам ҳали, тадқиқ этилгани йўқ.

Мамлакатимизда сузиш спортивинг² тараққий этишида Москва билап Ленинграддаги сузиш мактаблари-пинг роли жуда катта бўлган.

1931-йили ГТО, 1934-йили БГТО ташкил қилинди ва улар нормативларига сузиш мажбурий модда қилиб киритилди. 1935 йилдан бошлаб сузиш спорт тариқасида оммавий тарзда тан олинди ва унинг қонун-қондалари, машгулот программалари, ўқитув курслари ишлаб чиқилиди. 60 йилларга көнгашда К. Инисовский болаларга сузишни ўргатиш бўйича олти босқичли қоидани тузиб берди. Бу қоидага кўра, бола ёщига қараб сузишни муайян қоида ва ҳаракатларини ўрганиши керак. Масалан, бола 5—6 ёш бўлганда сув билан танишиши, сув юзида турла олиши ва оддий ҳаракатларни қила билини; 7—8 ёшда болага спортча сузишнинг ҳамма қонун-қондаларини, яъни бутун техникасини ўргатиш; 9—10 ёшда саломатлигиши мустаҳкамлаш, сузиш техникасини такомиллаштириш; 11—12 ёшда ҳаракатларни тез ва ҳар хил машқулар билан бажариш; 13—14 ёшда турли хил машқуларни такомиллаштириш; 15—16 ёшдан бошлаб эса боланинг ўзига хос қобилиятини аниқлаб, уни такомилига етказиш ва ҳақиқий сузувчи спортчи қилиб етпинтириш зарур шарқ қилиб белгиланган.

Сузиш спортини ривожлантиришда бу билан қаноатланиб қолинмади. Сузиш методикалари, техникаси, қоидалари борган сари бойиб, турли элементларни қамраб ола бошлади. Натижада болаларга сузишни ўргатишлинг беш босқичи таклиф қилинди. Бу методикага кўра, 11—12 ёшли бола 65-машгулотда сузишнинг ҳар қандай усули билан 25—50 м масофани, 9—10 ёшли бола шунча масофани 85-машгулотда босиб ўта оладиган бўлиши керак. Сузишни ўргатишлинг бу усули кўп жиҳатдан ўзини оқлади.

УЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИДА СУЗИШ СПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистон жумҳурияти ўзининг анҳорлари, тўллари, дарё ва сунъий сув ҳавзаларига эга бўлган серқуёш диёрdir. Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чирчик, Ангрен дарёлари, Оқдарё, Қорадарё каби дарёлар соҳилларида яшовчи аҳоли қадимдан бу табиий бойлпклар-

² Спорт — дастлаб «ўйин, овунчоқ» деган маъноин англатган.

ни инсонлар манфаати учун бўйсундириш билан қурашиб келгаилар. Талайгина каналлар (Фарғона каналила бошқалар), сув омборлари («Туямўйин», Чорвоқ сув омбори ва б.), бир қатор сув ҳавзалари («Роҳат» қўли, «Тошкент денгизи») бунёдга келтирилди. Улар аҳоли учун балиқ овлаш, экин сугориш, рўзгорда фойдаланиши ва шу билан бирга ҳаётий зарурат бўлган сузишга ўрганиш ва сузиш спортининг ривожланиши учун манба сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Сузиш спортининг бошлангич даври Ўзбекистонда 1924—1925 йилларга тўғри келди. Гарчи бу йилларда маҳсус бассейнлар қурилмаган бўлса ҳам, биринчи марта гидростанциялар бунёд этилди. Масалан, Тошкентда Бўзсув тўғон билан тўсилиб, сунъий сув омбори ҳосил қилинди. Бу эса ўз навбатида аҳолининг, ёшларнинг севимли дам олиш ва чўмилиш маскани бўлиб қолди. Сал кейинроқ эса иккита сув станцияси қурилиб, шу тариқа сузиш бассейни ва баландликдан сувга сакраш миноралари баён этилди. 1927 йилнинг ёзига желиб жумҳуриятимизда биринчи марта шу сув станциясида Тошкент билан Самара шаҳарлари ўртасида сузиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Бу ўз навбатида 1928 йилдаги Бутуниттифоқ спартакиадасига қатнашувчи Ўзбекистон терма командаси аъзоларини саралаб олишга ёрдам берди. Ниҳоят, терма командага қўйидагилар: Надежда Нак, Нина Лобава, Петр Іравченко ва бошқалар аъзо бўлдилар. Аммо спартакиадада Ўзбекистон терма командасининг сузувлчилари жуда бўш иштирок этиб, Туркменистон командасидагина юқори—16-йринни олдилар. Шунга қарамай, бу Бутуниттифоқ спартакиадаси Ўзбекистон жумҳуриятининг Бухоро, Андижон, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарларида ҳам сузиш спортининг ривожланиши учун туртки бўлди. Масалан, Тошкентдаги «Комсомол қўли»да, Андижоннинг шаҳар истироҳат боғидаги сунъий сув ҳавзасида, Бухородаги истироҳат боғи ичидаги энг катта Лабиҳовузда сузувлчилар сузиш спорти бўйича ҳар хил машгулотлар ўтказдиган бўлдилар.

1930 йили «Меҳнат ва СССР мудофаасига бўл тайёр» (ГТО) комплекси Низоми тасдиқланган, Тошкентда янги турдаги бассейнлар барпо этилди. Қад кўтарган йирик жорхоналар қосинда замонавий бассейнлар қурила бошлиди. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинати қозида узунлиги 50 м келадиган суви иситиладиган очик бассейн қуриб, ишга туширилди. 1935 йили Андижоннинг сунъий сув ҳавзасида биринчи марта жумҳурият

бўйича сув спорти байрами ўтказилди. Бунда сузиш бўйича жумҳурият биринчилиги учун мусобақа ўтказилди. Андижон, Қўқон, Тошкент, Фарғона шаҳарларининг энг моҳир сузувчилари ўзаро беллашдилар. Бунда тошкентликлардан Александр Важнин 100 ва 200 м га ёнибосхлаб сузиш бўйича биринчи ўринни эгаллади; Николай Зокиров 200 м масофага эркин сузишда чемпион бўлди. Валентин Михайлов 100 ва 200 м га брасс усулида сузишда голиб чиқди. 100 м га эркин сузишда эса андижонлик Николай Довиденко жумҳурият чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.

30- йиллардан бошлаб давлат ташкилотларининг табаб ва ташаббуси билан жумҳуриятда сузиш спортини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкентдаги темирйўлчилар истироҳат бодига узунлиги 25 м ли очиқ бассейни қурилди ва шу ерда сузлиш бўйича болаларининг спорт мактаби (ДСШ) ташкил этилди. 1939 йили эса Тошкентда майдони 8 гектар келадиган кўл бунёд этилди. Йўлда асосий база ҳисоблашган «Дипамо» ва «Спартак» сузувчилар стансияси ташкил этилди. Бу базада кейинчалик жумҳуриятимизнинг дастлабки тренерлари етишиб чиқди. А. К. Смирнов (ҳозир Узбекистонда хизмат кўреатган тренер), В. Т. Бондаренко (собиқ СССРда хизмат кўреатган тренер), И. Т. Шульженко, В. И. Михайлов ва бошқалар шулар жумласидан эди. Улар кўплаб ёшларга устозлик қилиб, моҳир сузувчи спортчиларни етишиб бердилар.

1939 йилга келиб Узбекистонда сузиш бўйича жумҳурият федерацияси тузилди. А. К. Смирнов унга рапс этишиб тайинланди. 1948 йили Қозогистон ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари сузувчиларининг командалари ўртасида сузиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Бунда бизнинг жумҳуриятимиз терма командаси биринчи ўринни олди. Жумҳуриятимизда: Анатолий Герасимов, Георгий Пижавков, Рашид Хамзин каби спорт усталари етишиб чиқди.

Жумҳуриятимиз ҳуқумати сузиш учун спорт базалари қурилишига катта маблаг ажратди. Чунончи, 1949—1955 йиллар мобайнида Андижон, Наманган ва Қўқон шаҳарларида 25 м ли очиқ бассейнлар қуриб ишга туширилди ва улар қошида сузиш бўйича болалар ва ўсмирлар мактаби (БЎСМ) очилди. Алла Михайлова, Тамара Потапова (Лягина), Александр Архипов, Юрий Фролов, Р. Ваҳобов кабилар билан сузувчи спортчилар сафи кенгайди. Булар орасида Юрий Фролов 1954 йили 200 м га баттерфляй усулида (2.32,6) сузилб, СССР чемпиони ва рекордчиси деган унвонга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг сузиш федерацияси келажакда сузиш спорти турларини янада ривожлантириш, ёшлар орасида сузиш спортини кенг оммалаштириш ва сузиш учун базалар сонини янада кўпайтириш тўғрисида ўз режа ва вазифаларини ишлаб чиқди. Вилоятлар марказида бир неча янги бассейнлар қурилди. Республикада Олий спорт маҳорати мактаби очилди ва унга энг кучли сузувлар қабул қилинди. Мазкур мактабдаги машгулотларга жумҳуриятимиздаги кўзга кўрининг тренерлар: А. К. Смирнов, В. Т. Бондаренко, В. И. Лютий, А. Е. Шполянский қабилар раҳбарлик қилдилар.

1960 йили Тошкентда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти қошида суви иситиладиган 25×12 м ли очиқ бассейн, 1962 йили «Меҳнат резервлари» клубига қарашли кўнгилли спорт жамияти (ДСО) қошида 25×12 м ли ёпиқ бассейн, 1964 йили «Меҳнат» жамиятига қарашли 50×21 м ли ёпиқ бассейн, 1969 йили Армия спорт клубига қарашли суви иситиладиган 50×21 м ли очиқ бассейн, 1963 йили Навоий шаҳрида 50×21 м ли очиқ бассейнларнинг барпо этилиши жумҳуриятимиздаги сузиш спорти тарихида катта воқеа бўлди. Натижада бизнишг сузувлар қарашли спортиларимиз ўз маҳоратларини ошира бориб, янги мэрралар сари интила бордилар. Масалан, жумҳуриятимиз сузувлари 1956 ва 1959 йиллардаги СССР халқлари I ва II спартакиадаларида қатнашиб, тўққизинчи ўринни олган бўлсалар, 1967 йилги IV спартакиадада 5-ўринни олдилар. 1969 йилда бўлиб ўтган СССР халқлари III спартакиадасида эса яна саккизинчи ўринга тушиб қолдилар. Эркин усулда 4×100 м га эстафета сузишда қызларимиз: Светлана Бабанина, Наталья Устинова, Раиса Мавинича ва Рита Павловалар олтин медалга сазовор бўлдилар (1967 й.).

Собиқ СССР халқлари спартакиадаларида 18 та команда орасида Республикамизнишг қўлга киритган жамиютуқлари жадвал кўрпинишида қуйидагича ифодаланади:

I Спартакиада, Москва, 1956	II Спартакиада Москва, 1959	III Спартакиада, Москва, 1963	IV Спартакиада Москва, 1967	V Спартакиада, Москва, Кіев, 1971	VI Спартакиада, Москва, 1975
9-ўрин 17.937 очко	9-ўрин 15.819 очко	8-ўрин 20.313 очко	5-ўрин 38.930 очко	9-ўрин 25 очко	10-ўрин 100 очко

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1967 йили IV Спар-такиадада Ўзбекистон сузиш спорти турлари бўйича бир қадар муваффақият қозонган, аммо кейинги йиллардаги ўйинларда у яна паст кўрсаткичларга эга бўлиб қолгас

1964—1965 йилларда С. В. Бабанинга 100 м га брасс усулида сузиб, икки марта жаҳон рекордини қўйди. Токиода ўтказилган олимпиадада у 200 м га брасс усулида (2.28,6), 4×100 м га комбинацияли эстафетада сузиб иккита бронза медалига сазовор бўлди. Мазкур олимпиадада тошкентлиқ Наталья Устинова 4×100 м га комбинацияли усулда сузиб, бронза медалини қўлга киритди. У ўз маҳоратини ошира бориб 1966 йили Европа чемпиони ва рекордчиси, 16 марта Мамлакат чемпиони бўлган. Ўзбекистонда А. А. Шварцман тренерлигидаги етишиб чиққан Сергей Павлович Конов 1968 йилги XIX Олимпиадада ўйинларидаги ўзини кўрсатган бўлса, 1969 йили 200 м га баттерфляй усулида сузиш бўйича СССР чемпионлигига номзод бўлади.

Шу тариқа Ўзбекистонда сузиш спорти юксала борди.

1988 йили 3—5 июня жумҳуриягимиз пойттахи Тошкентда сузиш спорти бўйича халқаро йирик мусобақа бўлиб ўтди. Бу аслида яқинлашиб келаётган XXV Олимпиадага қай даражада тайёрлигимизни, кимдан ва нишадан умидвор эканлигимизни ҳам кўрсатиб берди. Барча турлар бўйича жаҳоннинг энг моҳир сузувлчилари қаторида 26 совет спортчиси ҳам қатнашди. Бу хилдаги турнир бундан 5 йил аввал ҳам жумҳуриятимизда бўлиб ўтган эди. Бунинг сабаби, Ўзбекистоннинг иқлим шаронти Сеулнинг иқлим шаронтига ўхшашигидадир. Болгария, Польша, Руминия, Чехословакия, Швеция, Югославия, собиқ Совет Иттилоқиниң моҳир сузувлчилари қаторида Ўзбекистон сузувлчилари ҳам ўз қобилият ва кучларини сипаб кўрдилар. Гарчи бизнекилар бу мусобақаларда имкониятни бой берган бўлсалар-да, бу воқеаларининг ўзи спорт тарихимидаи ўзига муносиб ўрин олди.

Вақт ўтгач сайди жумҳуриятимиз шон-шүҳратини ҳимоя қилувчи спортчиларимиз тобора кўньяя борди. Жисмоний тарбия ва спорт турлари янада ривоижланди. Сузиш спорти ҳам тараққийлаша борди. Махсус замонавий бассейнлар сочи кўпайди, эскилари таъмирланди. Ёшлар ўртасида сузишга бўлган қизиқиш ортди. Натижада, номлари юқорида тилга олиб ўтилган рекордчилар, чемпионлар: совиндорлар қаторига янгидан-янги номлар кўшилиб борди. Мамлакат рекордчиси, Халқаро классдаги

спорт мастери, Дўстлик-84 турнирининг ғолиби Лариса Белаконъ, хизмат кўрсатган спорт мастери, чалқанча сузиш бўйича жаҳоннинг собиқ рекордчиси, XXIV Олимпиаданинг совриндори Сергей Заболотников, собиқ СССР чемпионлари: Евгения Вавилова, Мария Панина, Елена Овчар, Жанна Болотова, Евгений Бендер, Владимир Хонякин, Андрей Румянцев, Павел Пак, Александр Толпейкин, Дмитрий Паньков, Ренат Шагиев, Дишод Эгамбердиев, жумҳурият турнирларида совриндор бўлган андижонлик сузувлчи Наргиза Мадумарова, Бахтиёр Мадумаров, Узбекистон Давлат жисмоний тарбий институтининг миллий сузиш бўйича моҳир сузувлчилари: Йўлдошхўжа Сайдмуҳамедов, Қаҳрамон Ваҳобов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу тариқа жумҳуриятимизда сузиш санъати такомиллашиб, совриндорлар сафи кенгайди ва кенгаймоқда. Сузиш спортиниң бир қатор турлари майдонга келди. Агар жумҳуриятимиздаги (умуман ҳам) сузиш спорти турларини таснифи бўйича чизма тарзида ифодалайдиган бўлсан, қўйидагича манзара ҳосил бўлади. (16-бетта қар.).

ОЛИМПИАДА¹ ЎЙИНЛАРИ

Спорт тарихида олимпиада ўйинлари ўзига хос аҳамият қасб этади.


Сузиш спорти олимпиада ўйинларига биринчи марта 1896 йили киритилди. Бу эса сузишниң янада ривожланishiга, сузувлчилар маҳоратининг мукаммалашишига ва спорт кўрсаткичлариниң янада ўсишига олиб келди.

Ушбу олимпиада ўйинларида сузиш бўйича спортчиларниң иштироки, уларниң ютуқлари барча китобхоналарни қизиқтирса керак. Шунга кўра, биз ана шу бўлиб ўтган мусобақалар мазмуни билан сизларни таништиришни лозим топдик.

I ОЛИМПИАДА. 1896 й. 11 АПРЕЛЬ, АФИНА (ГРЕЦИЯ).

Афинада ўша пайтларда бассейнлар бўлмаганлиги сабабли, бу мусобақа очиқ сув ҳавазаларида ўтказилиган. Бунда асосан грек сузувлчилари, б та чет эл мамлакатларидан 10 та спортчи, жами 40 та спортчи иштирок этган. Ҳаво совуқ бўлган (+13°), шунга қарамай сузувлчилар зўр иштиёқ билан мусобақалашган. 40 минг томошабзи иштирок этган.

¹ Олимпиада — грекча Olympias (Olympiados) сўзидан олингани. Олимп (грекча Olympos) — топ номи.



ECONOMIA

Жадбий Б.П. Никитский: ба В.С. Васильевиричнинг
пояснение" (1975) номли Кимтободдан таржими: ҳизматиди.

Афинадаги бу олимпиада ўйинида 12 та медалдан 7 тасини грециялик сузувчилар олишди. Венгриялик сузувчилар 4 та олтин медалдан 2 тасига сазовор бўлишиди.

Натижалар

- | | |
|-----------------------------------|--|
| 100 м га э/ус ¹ бўйича | I. А. Хайоп (Венгрия) 1.22,2
II. Э. Хорафас (Греция) — 1.23,0
III. О. Гершманн (Австрия) — |
| 500 м га э/ус бўйича: | I. П. Нейманн (Австрия) — 8.12,6
II. А. Непанос (Греция) |
| 1200 м э/ус бўйича: | I. Хайоп (Венгрия) — 18.22,2 III.
Э. Хорафас (Греция)
II. Ж. Андреу (Греция) — 21.03,4
III. Э. Хорафас (Греция) |

100 м га матрослар кийимида сузиш натижалари:

I ўринни И. Малокинис (Греция) — 2,20,4;

II ўринни С. Хазапис (Греция);

III ўринни Д. Дривас (Греция) эгаллашди.

Бу усулда сузишда олтин медалларнинг кўпи венгриялик спортчиларга, қолган медаллар эса грекларга тегди.

II ОЛИМПИАДА. 1900 Й. 20—27 ИЮЛЬ. ПАРИЖ (ФРАНЦИЯ)

Бу олимпиадада Австралия, Австрія, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Голландия, Дания, Италия ва АҚШ сузувчилари иштирок этишиб, эркин усулда, биринчи марта чалқанча кроль усулида сузиш, тезликка шўнгиш, 5x40 м учун сузиш ва сув тўпи бўйича мусобақалашдилар. Бу мусобақада англиялик сузувчи Д. Ярвис З та олтин медални қўлга киритди. Австралиялик Ф. Лайн ҳам 2 марта Париж олимпиадасининг голиблигини қўлга киритган. Немис сузувчиси Э. Хоппенберг эса чалқанча сузиш усулида голиб чиқди. 60 м тезликда шўнгиш бўйича ва брасс усулида сузишда француз Морис де Вандевиль ғалаба қозонди. Шундай қилиб, олтин медалларни қўлга киритиш ва умумий соверинли ўринлар бўйича 1-ўринни инглиз сузувчилари, 2-ўринни венгриялик, 3-ўринни австриялик, 4-ўринни эса франциялик спортчилар эгаллашди.

¹ э/ус — эркин усул.

III ОЛИМПИАДА. 1904. 10—19 АВГУСТ. СЕНТ-ЛУИС (АҚШ)

Масофанинг узоқлиги ва Сент-Луиста бериладиган йўллаиманинг анча мушкуллиги туфайли, унда фақат Австрия, Венгрия, Германия ва асосан америкалик сувучилар иштирок этишган. Сузиш программаларига 50 ярд¹ (45,72 метр)га, 100 ярд (91,44 метр)га, 220 ярд (201,16 метр)га, 440 ярд (402,32 метр)га, 880 ярд (804,5 метр)га, 1 миль (1609 метр) га ва 4 x50 ярд га эркин усулда сузиш, 100 ярд га чалқанча усулда, 440 ярд га брасс усулида ва старт сакрашидан сўнг шўнгиз (спринчиши) киритилди. Шундай қилиб, 9 та номерда суувучилар мусобақалашгандар. Бу олимпиадада венгриялик З. Халман ва америкалик Ч. Даниельс чемпион бўлишди.

- I — ўринин германиялик суувучилар;
- II — ўринин америкалик — «—»;
- III — ўринин венгриялик — «— эгаллашди.

IV ОЛИМПИАДА. 1908 й. 15—26 ИЮЛЬ. ЛОНДОН (БҮЮК БРИТАНИЯ)

Лондоңда биринчи марта ФИНА раҳбарлигидага жуда яхши ташкил этилган 100 метрли ёзги бассейнда мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда 14 та мамлакатдан 50 та сузвучи спортчилар қатнашди. Бу мусобақада сузиш усуллари техникаси мукаммаллаштирилиб, мусобақа қоидаси келиб чиқди. Америкалик Ч. Даниельс 100 метрга эркин усулда сузишда 1.05,6 вақт сарф қилиб, жаҳон рекордини ўринатди. Шу мусобақада бошлаб ярд ўлчовини аниқ метрлар — 100, 200, 400 метр бирлинк билан ўлчашга қарор қилинди.

Программага 100 м га э/ус бўйича, 400 м га э/ус бўйича, 1500 м га э/ус бўйича, 4x200 м га э/ус бўйича, 200 м га брасс бўйича, 100 м га чалқанча усуллар бўйича мусобақалар киритилди.

- I ўринин Англия;
- II ўринин АҚШ;
- III ўринин Венгрия;
- IV ўринин Австралия;
- V ўринин Германия;
- VI ўринин Канада;
- VII ўринин Швеция эгаллади.

¹ Ярд — инглизча сўз бўлиб, Англиядаги ўлчов бирлиги сифатида ишлатилади — 91,44 см га тенг.

V ОЛИМПИАДА. 1912 й. 9—18 ИЮЛЬ. СТОКГОЛЬМ (ШВЕЦИЯ).

Стокгольм олимпиадаси 100 метрли ёзги бассейнда ўтказилди. Үнда 16 мамлакатдан 100 га яқин сузувлар пантироқ этди. Бу олимпиадага биринчи марта Россия, Финляндия ва Норвегия мамлакатлари ўз сузувларини юборишиди. Энг қизиқарли воқеа шу бўлдики, бу олимпиадада биринчи марта аёллар сузиш супачаларига чиқишиди. 100 метрча эркин усулда сузишда австралиялик Ф. Дюреқ 1.19,8 натижка билан аёллар орасида Олимпий чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Бу Олимпиадада кўкракда кроль усулида сузиш техникаси ривожланишига катта ҳисса қўшган гаваялик (Гавая ороллари) Д. Каханамок (АҚШ командасида қатнашиб) жаҳоннинг энг тезкор сузувлари деб тан олини ва у олимпиаданинг жаҳон рекордчиси бўлди. Медаллар Германия, Австралия ва Буюкбритания, АҚШ ва Канада билан бўлишиб олинди. Рус сузувлари биронта финалга ҳам етиб бора олмадилар.

VII ОЛИМПИАДА. 1920 й. 19—26 АВГУСТ. АНТВЕРПЕН (БЕЛЬГИЯ)

Бу олимпиадада узоқ чўэспидган уруш туфайли ҳайратомуз натижалар, қизғин олишувлар бўлмади. Фақат Д. Каханамок ўз жаҳон рекордини янада яхшилашга эришиди, яъни 100 мга кўкракда кроль усулида сузишда — 1.00,4 вақт ичидан сузуб ўтди. Америкалик сузувчи Н. Росс ўрта ва узоқ масофаларга сузиш бўйича Олимпиада чемпиони бўлди. Умуман американклар сузиш техникасини мукаммал эгаллаганликлари туфайли юқори натижаларга эришилар

I ўринни АҚШ	IV ўринни Бельгия
II ўринни Швеция	V ўринни Канада;
III ўринни Финляндия;	VI ўринни Австралия;
VII ўринни Буюк Британия	эгаллади.

VIII ОЛИМПИАДА. 1924 й. 10—19 ИЮЛЬ, ПАРИЖ (ФРАНЦИЯ)

Франция Олимпиадасида сузиш спорти маҳсус қўрилган 50 метрли «Турель» бассейнининг 8 та йўлагида, амфитеатрли трибунада, 5 мингдан ортиқ томошабинлар олқишида ўтказилди. Шу олимпиада кейинги олимпиадалар учун стандарт бўлади, деб тан олинган узунлиги 50 метрли 8 та йўлакчали бассейн қопуний қилиб белгилаб олинди. Мельбурн, Токио, Мехико ва Мюнхенда му-

собақалар усти ёниң бассейнларда, қолғанларда әса очиқ бассейнларда ўткашишга рухсат берилди. Бу олимпиадада 22 та мамлакатдан 200 га яқын сузувлар қатнашды. Жаҳоннинг энг кучли сузувлари — американлик Д. Вейсмюллер, швед А. Борг, австралийлик Э. Чарлтон, аёллар командасида әса америкалик Эдерле, М. Уайсла ва Э. Лаки, английлик Л. Мартон ва Г. Карсонлар иштирок этишиб, юқори кўрсаткичларга эришиллар. Д. Вейсмюллер, Э. Лаки ва Г. Эдерлеларининг иомми бутуни жаҳонга тарқалди.

Натижалар

Эркаклар бўйича

100 м га а/ус бўйича	I ўринни Д. Вейсмюller (АҚШ) — 59,0;
	II ўринни Д. Каҳанамоку (АҚШ) — 1.01,4;
	III ўринни Д. Каҳанамоку (АҚШ) — 1.01,8 эгаллади.
400 м га ә/ус бўйича	I ўринни Д. Вейсмюller (АҚШ) 5.04,2;
	II ўринни А. Борг (Швеция) — 5.05,6;
	III ўринни Э. Парлтон (Австралия) — 5.06,6 — эгаллади.
200 м га брасс/ус бўйича	I ўринни Р. Скелтон (АҚШ) — 2,56,6;
	II ўринни Ж. Комб (Бельгия) — 2,59,2;
	III ўринни В. Киршбаум (АҚШ) — 3.01,0 — эгаллади.

Аёллар бўйича

100 м га ә/ус бўйича	I ўринни Э. Лаки (АҚШ) — 1,12,4
	II ўринни М. Вейзелау (АҚШ) — 1.12,8;
	III ўринни Г. Эдерле (АҚШ) — 1.14,2 — эгаллади.
400 м га ә/ус бўйича	I ўринни М. Норелус (АҚШ) — 6.02,2;
	II ўринни Е. Уанрайт (АҚШ) — 6.03,8;

200 м га брасс/ус
бүйича

III ўринин Г. Эдерле (АҚШ) —
— 6.04,8 эгаллади.
I ўринин Л. Мортон (Буюк Британия) — 3.33,2;
II ўринин А. Герети (АҚШ) —
3.34,0.
III ўринин Г. Карсон (Буюк
Британия) — 3.35,4 — эгаллади.

**IX ОЛИМПИАДА. 1928 й. 5—11 август. АМСТЕРДАМ
(ГОЛЛАНДИЯ)**

Голландияда ўтган бу олимпиадада ер куррасидаги 29 та мамлакатнинг 200 дан ортиқ сузувларни иштирок этишиди. АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Венгрия, Япония, Ницер, Аргентина, Филиппин ва бошқа мамлакатларнинг таниқли сузувларни ўртасида мусобақа жуда қизған борди.

Масалан, 100 метрга әркапп үсулда америкалик Д. Вейсмюллер голиб чиқди. Иккинчи бўлиб масофага венгриялик сузувчи И. Барапи етиб келди. У шу билан Европанинг янги рекордини (59,8) қўлга киритди. Япониялик К. Такаиси биринчи марта олимпиада совриндори (бронза медалининг совриндори) бўлди.

Бу Олимпиадада сўнг Д. Вейсмюllerни жилемонап чиниқсан, кучли, забардастлигидан фойдаланмоқчи бўлганлар, катта нуллар эвазига уни кино саҳнасига таклиф қилишиди. У бутун жаҳонга танилган «Тарзанинг саргузаштлари» фильмиде Тарзан ролини ўйнаб, яна ҳам машҳур бўлиб кетди.

Бу олимпиадада ўринлар ва медаллар қўйидагича тақсимланди:

I ўрин АҚШ;	IV ўринни Венгрия;
II ўринни Австралия;	V ўринни Бельгия;
III ўринни Буюк Британия;	VI ўринни Швеция эгаллади.

12 та мамлакат сузувларни: АҚШ, Япония, Австралия, Венгрия, Швеция, Германия, Аргентина, Филиппин, Канада, Буюк Британия, Голландия ва Жанубий Африка иттифоқи совриндор ўринларни олдилар.

X ОЛИМПИАДА: 1932 й. 5—13 АВГУСТ. ЛОС-АНЖЕЛЕС (АҚШ)

Бу Олимпиадада 18 та мамлакатнинг 100 га яқин сузувларни иштирок этишиди. Аммо Япониянинг зўр бе-

риб тайёргарлик күрганлиги яққол намоёп бўлди. 15—16 ёшли ипон сузувлари ҳамма масофаларда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Америкаликларнинг эркаклар командастай бу сафар додга қолишиди. Лекин аёллар командасида америкалик сузувлар устун келишиди.

Натижалар

Эркаклар бўйича

100 м га э/ус бўйича	I ўринни И. Миасаки (Япония) — 58,2;
	II ўринни Т. Каванси (Япония) — 58,6;
	III ўринни А. Швартц (АҚШ) — — 58,8 — эгаллади.
400 м га э/ус бўйича	I ўринни К. Граббе (АҚШ) — 44,8,4;
	II ўринни Ж. Таря (Франция) — 44,8,5;
	III ўринни Т. Ойокота (Япония) — 4,52,3 — эгаллади.
1500 м га э/ус бўйича:	I ўринни К. Китамура (Япония) — 19.12,4;
	II ўринни Ш. Макино (Япония) — 19.14,4;
	III ўринни Д. Кристи (АҚШ) — 19.39,5 — эгаллади.
4 x 200 м га э/ус йича	I ўринни Япония — 8.58,4 ЖР, II ўринни АҚШ — 9.10,5 III ўринни Венгрия — 9.31,4 — эгаллади.
100 м га чал/ус ¹ бўйича:	I ўринни М. Кийокава (Япония) — 1.08,6;
	II ўринни Т. Ири (Япония) — — 1.09,8;
	III ўринни К. Квавтсу (Япония) 1.10,0 — эгаллади.
200 м га брасс/ус бўйича:	I ўринни И. Тсурута (Япония) — 2.45,4;
	II ўринни Р. Коике (Япония) — 2.46,4;
	III ўринни Т. Ильдефонсо (Филиппини) — 2.47,4 — эгаллади.

¹ Чал/ус — чалқанча усул

А ё л л а р б ё й и ч а

100 м га ә/ус бўйи- ча:	I ўринни Е. Медисон (АҚШ) — 1,06,8; II ўринни В. Оуден (Голландия) — 1,07,8; III ўринни Э. Геретти (АҚШ) — 1,08,2 — эгаллади.
400 м га ә/ус бўйи- ча:	I ўринни Е. Медисон (АҚШ) — 5,28,5; II ўринни Э. Кигт (АҚШ) — 5,28,6; III ўринни Д. Маккен (ЮАС) — 5,47,3 эгаллади.
200 м га брасс/ус. бўйича:	I ўринни К. Денинс (Австралия) 3,06,3 II ўринни Х. Х. Маехата (Япо- ния) — 3,06,4; III ўринни Э. Якобсон (Дания) — 3,07,1 — эгаллади.

XI ОЛИМПИАДА. 1936 Й. 3—12 АВГУСТ. БЕРЛИН (ГЕРМАНИЯ)

Бу Олимпиадага 32 мамлакатдан 300 га яқин сузувлар келиб жуда қизғин кураш олиб боришиди. Бунда чалқанча кроль усулида сузиш бўйича А. Киферни рекорд қўйиб, ҳаммани қойил қолдирди. У бурилишида сальто бурилишининг техникасини биринчи бўлиб кўллаб ютуққа эришди. Сузиш спортиниң ўсиб бориши шу олимпиадада яққол кўзга ташлана бошлади. 33 та медалдан 11 тасини Япония, 8 тасини АҚШ, 5 тасини Голландия, 4 тасини Германия, 2 тадан Венгрия ва Дания, 1 тасини Аргентина олди. Биринчи марта Австралия, Буюк Британия ва Швеция биронта ҳам ютуққа эриша олмади.

XIV ОЛИМПИАДА. 1948 Й. 31 ИЮЛЬ — 7 АВГУСТ. ЛОНДОН (БОЮК БРИТАНИЯ)¹

Лондон Олимпиадасига 37 мамлакат: Европа, Хин-
дистон, Покистон, Австралия, Янги Зеландия, Канада,
АҚШ, Аргентина, Мексика, Бразилия, Колумбия ва Ло-

¹ XII ва XIII Олимпиада ўйинлари 1940 ва 1944 йилларга мўлжалланган эди, жаҳон уруши бошлавиб кетиб, улар қолди-
рилган.

ти Америкаси мамлакатлари, Арабистон ва Суриядан сузици, сұнға сақраш ва сув түпи ўйинлари бўйича жамп 528 та спортчи қатнашди.

12 йиллик олимпиадани кўздан кечирсангиз, бу спорт туришинг тобора ривожланиб борганини кўрасиз. Масалан, Д. Вердер 200 м га брасс усулида (баттерфляйга ўхшаган) сузиг жаҳон рекордини ўрнатди. Аёллар ўртасида эса Америка, Данія ва Голландия сузуучилари пешқадамликни қўлдан бой беришмади. 400 м га э/ус бўйича 4x100 м эстафетада америкалик Э. Кертис юқори натикага эришиб, АҚШ командасини олдинги сафга одиб чиқди. Бунинг учун унга АҚШ атлетлари миляй иттифоқи кубогини тақдим этишди. Э. Кертис бундан ташқари, аёллар ўртасида биринчи бўлиб шу иттифоқнинг собиқ президенти Д. Салливэнга медалига эришди. Аммо у ҳам бойлик ортириш мақсадида спортини ташлаб, актёрлик касбини ташлади.

**XV ОЛИМПИАДА. 1952 Й. 25 ИЮЛЬ – 2 АВГУСТ,
ХЕЛЬСИИНКИ (ФИНЛЯНДИЯ)**

Хельсинки бассейнида ўтказилган мусобақага Совет Иттифоқи сузуучилари биринчи марта қатнашдилар. Бу Олимпиадага 49 мамлакатдан 917 сузуучи, сувга сакровчи ва сув түпи ўйинчилари қатнашдилар. Улар орасида Буюк Британия, Венгрия, Голландия, АҚШ, Совет Иттифоқи, Франция, Швеция ва биринчи марта қатнашдиган Венесуэла, Вьетнам, Гватемала, Индонезия, Испания, Польша, Руминия, Сингапур ва Саар давлатларининг спортчидари бор эди. Эркаклар орасида бу гал ҳам американлик спортчилар голиб келишди. Япония ва Франция сузуучилари ҳам ихши натижаларга эришдилар. Аёллар ўртасида венгриялик сузуучилар пешқадамликни бой бермай, Америка, Голландия ва Данія сузуучиларига биронта ҳам олтин медаль олдирмай, доғуда қолдиришди. Голландияликлар иккинчи ўринни, американликлар учинчи ўринни эгаллашди. Собиқ СССР командасини биронта ҳам медалга сазовор бўла олмади. Фақат Мария Гавриш бутуни совет спортчилари орасида олимпиаданинг зачет очкосини олишга мулаффақ бўлди.

Олимпиада мусобақалари ўтиш жараёнида ФИНА ништ павбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Бу конгрессда баттерфляй усули брассе усулидан ажратилиб, 1953 йил 1 январдан бошлаб 100 м ва 200 м масофаларга жаҳон рекордлари учун кураинишга рухсат берилди. Шу йидаи

бошлаб эски 500 м, 300 м, 200 ярд га брасс, 150 ярд га чалқанча сузиш, 3x100 ярд га аралаш эстафеталар бекор қилинди. Конгресс президенти Марио Негри (Аргентина) ва бюро аъзолари ўзгартирилди.

XVI ОЛИМПИАДА 1956 Й. 29 НОЯБРЬ — 7 ДЕКАБРЬ. МЕЛЬБУРН (АВСТРАЛИЯ)

Олимпиада мусобақалари Мельбурндағы 50 метрли усти ёниң бассейнде үтказилди. Бунда 242 спортчи сузишиң 13 та номери бүйича кураш олиб бордилар. 34 та мамлакатдан фақат АҚШ билән Австралиягина түлкі команда (48—50 та сузуучи) олиб келинди. Қолғандары эса Австралияга келиш ийүлиң қийишилгыш рүкакч қилиб (16—18) сузуучиларнанда юбориши. Бу Олимпиадада австралийлар катта муваффакият қозониб, америкалик сузуучиларни маглубиятга учратдилар.

Совет Иттифоқи сузуучилари ҳам мөвий сув ийүлакларда биринчи марта олимпиада ютуқларига эришдилар. Улар 200 м га брасс'есулида сузишда бронза медали сокриидори бүлишган бұлса, 4x200 м лик эрқаклар эстафетасыда учинчи ўринни әгаллаши. Шундай қилиб, Бу Олимпиадада биз жами 2 та бронза медалига сазовор бўлиб, Канада, Франция, Данія, Швеция, Жанубий Африка иттифоқлари ва бошқа мамлакатлардан олдинга ўтиб олиб, 7-ўринни әгалладик.

Бу олимпиадада яна ФИНА конгресси чықарилиб, ёниң овоз билан бюро аъзолари сайданди. ФИНА конгрессининг президенти қилиб голландиялик Ж. де Вриз сайданди. Сузиш бүйича биринчи марта СССР даи ФИНА га З. Ф. Фирсов, В. Китаев ва сув түни бүйича А. Кистяковский бюро аъзолари қилиб сайдандилар. Биринчи марта мустақил Синхрон сузиш бүйича Халқаро комитет тузилди.

Натижалар

Эрқаклар бүйича (СССР)

100 м га э/ус бүйича	XII ўринни В. Сорокин — 58,2;
	XXI ўринни Л. Галандин — 59,6 әгаллади
400 м га э/ус бүйича.	XVI ўринни Е. Никитин — 4.42,8 әгаллади.

1500 м га ә/ус бүйнча:	XVI ўринни Г. Андросов — 19.22,6 — эгаллади.
4x200 м га ә/ус бүйнча:	III ўринни В. Сорокин — 2.07,5 — эгаллади.
200 м га брасс/ус бүйнча:	III ўринни Х. Юничев — 2.36.8 — эгаллади.
	V ўринни И. Заседа — 2.39,0 — эгаллади.
	X ўринни Ф. Досаев — 2.43,9 — эгаллади.

Аёллар бүйнча

100 м га о/ус ¹ бүйнча	XIV ўринни А. Клипова — 1.16,1 — эгаллади.
-----------------------------------	--

XVII ОЛИМПИАДА. 1960 Ы. 8 АВГУСТ — 4 СЕНТЯБРЬ. РИМ (ИТАЛИЯ)

Рим Олимпиадасыга Совет Иттифоқидан 13 та эркак ва 10 та аёл юборилди. Улар биронта ҳам медални қўлга кирита олмай, муваффакиятсиз қайтишди. Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Голландия спортчилари эса медалларин ўзаро бўлиб олишиди. Дания, Канада, Франция ва Швеция командалари ҳам бу тал ўз чиқишлигини негадир сусайтириб юбордилар.

XVIII ОЛИМПИАДА. 1964 Ы. 10—19 ОКТАБРЬ. ТОКИО (ЯПОНИЯ)

Токиога 41 мамлакатдан 422 та сузуви юборилди, шундан 21 та сузуви (13 та эркак ва 8 та аёл) Совет Иттифоқи командасидан бўлди. Программа 17 номердан иборат эди. Бу Олимпиадада сузувларимизнинг чиқиши кўнрок кўзга ташлапди. Айниска, брасс усулида сузишда тошкентлик 20 ёшли Светлана Викторовна Бабашпа 200 м ликка олишувда олимпиада рекордига эришиди. Финалда 16 ёшли севастополлик Г. Прозумепышкова голиб чиқди ва чемпион уйвонига саговор бўлди. Бу биенинг команда учун жуда катта ютуқ эди. Эркаклар командасидан 200 м га брасс усулида сузишда Г. Прокопенко иккичи ўринни олди. Шундай килиб, XVII Олимпиададаги 11-ўриндан 4-ўринга чиқиб олдик. XVI Олимпиадагидан эса апча илгарилаб кетилди. АҚШ, Австралия, Германиянинг бирлашган командасидан сўнгги

¹ о/ус — орқа усули билан сузиш усули.

ўринни олган бўлсак ҳам, Япония, Канада, Буюк Британия, Франция ва Голландия каби давлатларни ортда қолдирдик.

Натижалар

Эркаклар бўйича (СССР)

100 м га э/ус бўйича:	XVII ўринни В. Шувалов — 55,8 эгаллади ¹ .
400 м га э/ус бўйича:	VIII ўринни С. Берлиц — Гейман — 4.21,4 — эгаллади.
4x100 м га с/ус бўйича:	VI ўринни СССР — 3,42,1 — эгаллади..
4x200 м га э/ус бўйича:	VII ўринни СССР — 8.15,1 — эгаллади.
200 м га о/ус бўйича:	VI ўринни В. Мазанов — 2.15,9 — эгаллади.
200 м га брасс/ус бўйича:	II ўринни Г. Прокопенко — 2.28,2 — эгаллади.
200 м га баттерфляй /ус бўйича	V ўринни В. Кузьмин — 2.11,3 — эгаллади.

Лёллар бўйича (СССР)

100 м га э/ус бўйича:	XIX ўринни Н. Бистрова — 1.04,0 эгаллади.
400 м га э/ус бўйича:	XVIII ўринни Н. Бистрова — 5.05,0 — эгаллади.
100 м га о/ус бўйича	XV ўринни Л. Савельева — 1.11,8 — эгаллади.
200 м га брасс/ус бўйича:	I ўринни Г. Прозуменъшикова — 2.46,4 — эгаллади.
4—100 м га колмб/ус. бўйича:	III ўринни СССР — 4.39,2 — эгаллади.

XIX ОЛИМПИАДА. 1968 Й. 17—24 ОКТЯБРЬ. МЕХИКО (МЕКСИКА)

Бу олимпиада ўйинлари ўтадиган шаҳар — Мехико — дengиз сатҳидан 2200 м баландликда жойлашган бўлиб, ҳамма спортчилар утун мос келавермас эди. Гунинг усти-

¹ Бундан кейин СССР командаси аъзолари орасида энг юкори натижага эришган спортчанинггина фамилияси ва кўрсаткичи берилади.

га бу ерга учиб келиш шароитц анча қийин эди. Шунга қарамай 52 мамлакатдан 478 та сузуучи (269 әркак ва 209 аёл) қатиашди. Энг күп спортчи АҚШ командасидан көзди — 32 та. СССР даи эса — 32 та. Бизнинг сузуучилар олимпиадагача тайёргарликий ва саралаш мусобақалариин Цахкадрозда (Мехико спигари баландликда жойлашган) ўтказишгани учун олимпиадада катта муваффақиятга эришдилар. Бу олимпиада ўйинида ҳам бизга таниқли ўзбекистонлик Светлана Викторовна Бабкина қатиашди. Команда таркибида яна бир нечта ўзбекистонлик сузуучилар: Н. Устинова, С. Конов иштирок этишиди. Бу олимпиадада СССР сузуучилари умумий ҳисобда АҚШ ва Австралия командасидан кейин — учиничи ўринни қўяга киритишиди.

Бу олимпиадада 100 м га брасс усулида сузчи бўйича В. Коеникай (1.08,0), иккичи ўринни, Н. Панкин (1.08,0) учиничи ўринни, 200 м га брасс усулида сузни бўйича В. Коеникай (2.29,2) иккичи ўринни, Н. Панкин (2.30,3) тўртиччи ўринни олди. Лёллар орасданда 100 м га брасс усулида сузни бўйича Г. Прозуменъшко-ва (0.15,9) иккичи ўринни, 200 м га брасс усулида сузни бўйича яна Г. Прозуменъшко-ва (2.47,0), аммо бу сафар у тўртиччи ўринни олди.

XX ОЛИМПИАДА, 1972 Й. 28 АВГУСТ — 4 СЕНТЯБРЬ. МЮНХЕН (ГФР)

Мюнхен Олимпиадаси техник жиҳатдан жуда ихши жиҳозланғанлиги учун судьялар сони илгаригига қараганда аинча қисқарди. 51 мамлакатдан 551 та сузуучи қатишиди. Совет Иттифоқидан 26 қиши (14 та әркак ва 12 та аёл) иштирок этди. Олимпиада иштирокчиларининг ўртacha ёши 17,5 19,9 тача эди. Спортчиларимиз сузни техникаси ва назарий тайёргарлиги пухта бўлиб чиқмади. Натижада 5 тагина кумуш медалга совришдор бўла олдик. АҚШ, Австралия ва ГДР аинагина медаллар эгаси бўлишиди. Франция, Дания, Югославия, Испания, Австрия, Аргентина ва бошқа давлатлар совринсиз қолишиди. Шудай қилиб, мазкур олимпиада кескин кураш майдони бўлиш билан бирга яхшигина техник-тактик тайёргарлик кўриш кераклиги жиҳатидан, близнилг спорчиларга ушутилмас сабоқ бўлди.

Натижалар

Эркаклар бүйінча (СССР)

100 м га э/ус бүйінча III юринни В. Буре — 51,77 (ЕР¹) — әгаллади.

Аёллар бүйінча (СССР)

100 м га брасс/ус бүйінча: II юринни Г. Степанова — 1.14,99 — әгаллади.

200 м га брасс/ус бүйінча III юринни Г. Степанова — 2.42,36 — әгаллади.

XXI ОЛИМПИАДА. 1976 ІІ. 18—25 ИЮЛЬ. МОНРЕАЛ (КАНАДА)

Олимпиада юринни тарихида Монреал бассейни биринчи марта әнг күп томошабын (9 минг) түпласпап жой бүлді. Асосий кураш АҚШ билан ГДР сузувлары ўртасида бўлиши сезилиб турар эди. 26 номерли программа асосида кураш борди. СССР терма командасининг қизлари Марина Кошевая, Марина Юрченя, Любовь Русанова 200 ва 100 м га брасс усулида сушишда ҳамма ютуқларга сазовор бўлишди. Эркакларимиз ҳам тўртта медаль совриидори бўлишди. Шундай қилиб, биз жами ютуқлар бүйінча АҚШ ва ГДРдан сўнг учинчи юринни әгалладик. Канада тўртиничи юринни олди. Бу асосий тўртлик жами 96 та олтип медалга эга бўлди.

XXII ОЛИМПИАДА. 1980 ІІ. 19—30 АВГУСТ. МОСКВА

Биринчи марта социалистик мамлакатлардан бўлмиш бу ўлкан спорт анжуманинда 81 мамлакатдан 6 мингга яқин спортчи иштирок этди. Унда АҚШ, Канада ва ГФР терма командаси қатнашмади. ССРдан 14 та иттилоғдош-жумҳуриятларнинг шаҳар ва иоҳияларидан 492 спортчи қатнашди.

- | | |
|---|------------------------|
| 1. РСФСР дан — 252 киши
(Москвадан — 104,
Ленинграддан — 40) | 5. Грузия ССР — 16 |
| 2. Украина ССР — 92 | 6. Литва ССР — 15 |
| 3. Белоруссия ССР — 38 | 7. Ўзбекистон ССР — 14 |
| 4. Қозогистон ССР — 19 | 8. Латвия ССР — 13 |
| | 9. Арманистан ССР — 9 |
| | 10. Эстония ССР — 8 |

¹ ЕР — Европа рекорди.

11. Қыргызистон ССР — 6 13. Молдавия ССР — 3
 12. Осарбайжон ССР — 5 14. Тожикистон ССР — 2

Ушбу Олимпиадада Совет Иттифоқи спортчилари биринчи ўринни эгаллашиб, Олимпиаданинг 74 та, жаҳоннинг 36 та рекорди янгиланди. 80 та олтин, 69 та кумуш ва 46 та бронза медалини қўлга киритди.

ГДР, Болгария, Польша, Венгрия, Руминия, Куба ва Чехословакия давлатлари кучли ўнликдан ўрин олишиди.

XXIII ОЛИМПИАДА. 1984 Й. 29 ИЮЛЬ — 12 АВГУСТ. ЛОС-АНЖЕЛЕС (АҚШ)

Бу Олимпиадада Совет Иттифоқи спортчилари иштирок этмади.

**XXIV ОЛИМПИАДА. 1988 Й. 17 СЕНТЯБРЬ — 2 ОКТЯБРЬ.
 СЕУЛ (ЖАНУБИЙ КОРЕЯ)**

Сеул олимпиадасида 31 номерли программа асосида кураш олиб борилди. Мазкур программа бўйича энг кўп ютуқни Совет Иттифоқи спортчилари қўлга киритдилар. Масалан, 220 та атлетимиз ўйин соврингдори бўлган бўлса, 120 таси чемпионлик улонинг сазовор бўлди. Медаллар сони, СССР, ГДР ва АҚШ командалари ўртасида қўйидагича тақсимланди:

	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
СССР	56	31	46	132
ГДР	37	35	30	102
АҚШ	36	31	27	94

Сузиш спорти¹ бўйича ҳам катта муваффақиятга эришилди. Бироқ мамлакатлар орасида СССР учинчи ўринни шигол қилди. Умуман оладиган бўлсанк, сузиши спорти бўйича программанинг 31 турида медаллар командалар ўртасида қўйидагича тақсимланди: ГДР — 24 та, АҚШ — 17 та, СССР — 9 та, Венгрия — 6 та, Хитой — 4 та ва ҳоказо.

200 м га чалқанча сузиши бўйича Игорь Полянский жаҳон рекордини қўйди ва XXIV Олимпиада чемпиони бўлди. В. Сальников бутун томошибини ҳайратда қолдприб, кутилмаганди ғалабани қўлга киритди. Тошкентлик Сергей Заболотиов дастлаб иккинчи ўринда кела

бошлади, кейин Фрінк Балтрушни (ГДР) олдинга ўтказиб юборди ва учинчи ўринда келаёттиб сўнгги 50 м да чекка йўлдан келаётган Пол Кингсменнинг (Янги Зеландия) шиддат билан келаётганини сезмай қолиб, уни ҳам олдинга ўтказиб юборди ва охирги патижада тўртинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

СУЗУВЧИ СПОРТЧИЛАРНИНГ АНАТОМИК ВА ФИЗИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

‘ Одам организмни бир бутун ҳолда ҳаракатчан, ўзгарувчан, эгилувчан, қайишқоқ биологик комплекс бўлиб, уни ташки мухит билан муттасил боғлаб турадиган нарса — бу нерв системасидир. Нерв системасига унинг олий бўлимлари, яъни бош мия ирим шарлари пўстлоғи ва пўстлоқ ости тузылмалари, орқа мия ва периферик нервлар киради. Ҳар қандай одам аъзолари функциялари мана шу нерв системаси орқали бошқариб турилади. Ўз даврида И. М. Сеченов, И. П. Павлов каби олимлар бу ҳақда батафсил таълимот қолдирганлар. ’

Ҳаёт давом этишининг зарурий шартларидан бирин — моддалар алмашиниб туришидир ва, аксинча, моддалар алмашиниб турган организм, демак, тирик, яшаети. Шундай экан, у ҳамиша нерв системаси воситачилигига таъсиранади ва қўзгалади: таъсирангданда ташки мухитнинг иссиқ-совуғини, қоронги-ёруғлигини, пам-қуруқлигини, тегаётган босимнинг енгил-огирлигини, ишнинг оддий-мураккаблигини ва ҳоказо — сезади, пайқайди, ҳис қиласи, қўзгалганда эса мана шу сезиш, пайқаш, ҳис қилиш таҳлили оқибатида жавоб бериш реакцияст юзага келади, бинобарин, одам озми-кўими, фаолият кўрсатади. Бу фаолият ўз ҳажмига кўра, бирор аъзоининг, бутун бир аъзолар системасининг ёки яхлит организмнинг бажарган ҳаракати, иши бўлиши мумкин.

Аммо бундай ҳаракатлар, турли-туман ишлар, фаолиятлар ҳамиша, ҳамма одамларда бир маромда, муайян кўламда, белгиланган ҳажмда бўлавермайди. Чунки одамнинг таъсиранлиши билан қўзғолиши бир хил бўлмайди, бу — шунинг учун ҳамки, инсон бош миясига хос бўлган руҳият, организмнинг ички мухитга алоқадор ҳисобланган: қон, лимфа, тўқима ва церебростинал суюқлик ҳаммада бир хил бўлмайди, шунга кўра, улар таркибидаги моддалар ва уларнинг концентрацияси ҳам бир хил эмас; яна бу ерда ана шу моддаларнинг физик-химёвий, биологик хоссалари нисбатан доимий бўлиш

ва бўлмаслиги ҳам аҳамиятга эга. Масалан, шулардан биргина қопни мисол қилиб оладиган бўлсақ, унинг реакция фаоллиги, ундаги қанд миқдори, озик ўладитган моддаларнинг оз-кўплиги, осмотик ва артериал босими, ҳарорати, қолаверса, юрак уриш сони, қонни ҳайдаш миқдори, ҳажми, кучи, мароми ва бошқалар хилма-хилдири.

Анатомия фанидан яна шу нарса маълумки, одам гандасини ташкил этувчи сүяклар, тогайлар, пайларнинг тузилишида, умуман бир хиллик бўлса ҳам, баъзи хусусиятлари, хосгалари, масалан, катта-кичикларни жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласди. Агар бу фарқланишларга ишоннинг руҳинтидаги, атроф-муҳитга муносабатидаги, табиат ва жамиятга бўлган таъсиридаги фарқларни қўйшсақ, масалан, яна ҳам ойдиплашади. Айниқса, спортчилардаги жисмоний чишиқсанлик, бақувватлилик, кучлилик уларни қариниларидан ъўрқмаслик, тўсиқларни енгиб ўтишлик, тушкунликка тушмаслик, қолаверса, чидам ва матонат сарп олга интилишлик каби хислатларга эга қиласди. Агар уларнинг турмиш таранини, ҳаёт фаолиятини кузатадиган бўлсақ, уларнинг идрок билан иш юртишини, ҳамиша тартиб-интизомга риоя этишларини, вақтни тўғри тақсимлай олишларни, яъни: эрталаб маълум пайтда ўриндан туриб, маълум пайтда овқатланшини, машгулотларга боришини, дам олишини ва муайян вақтда ётиб үхлашини пайқаш мумкин. Бир сўз билан айтганда, спортчилар кун тартибига қатъий риоя қиласан ҳолда яшайди, ҳаёт кечпради ва ишлайди.

Маълумки, спортчилар мушаклари ҳажми, кучи, таранглиги, зичлиги, қайишқоқлиги ва чидами билан оддий кинжаларникидан фарқ қилиб туради, чунки спортчиларнинг мушаклари доимий юкланишида, зўриқишида бўлади.

Физиологлар — мушаклар ўз табиатига кўра доимий жисмоний юкланишида бўлмоғи лозим, деб бескорга айтмагилар. Бунинг устига, муттасил ҳаракатда бўлган мушаклар қон юришига кўмаклашиб, юракни узлуксиз тўла қон билан таъминлашда иштироқ этади. Қолаверса, фаол ҳаракат қилган мушак ўз навбатида ихши озиқлапади ҳам.¹

Камҳаракат одамлар эса мушакларини талаб даражасида ишга туширмасликлари (айни вақтда мушакларнинг етарли даражада озиқланмаслиги) туфайли, мушакларини ишдан чиқарадилар, оқибат натижада улар заиф тортиб, қисқариб ҳам кетади, толалари «индай-индай» бўлиб қолади. Бирор-бир иш бажармоқчи бўлсалар, ожиз-

лик қилиб қоладилар, мушак ва пайлари дарҳол чўзи-
либ қолиб, бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бў-
йигиладиган, суюклари салга чиқадиган ва ҳатто арзи-
лаверса, қадди-қомати хунук одамларни спортчилар ора-
сида деярли кўрмайсиз, Айциқса, сузиш билан болалик-
дан, ёшлиқдан шуғулланиб бориш одам қоматига ҳам,
анатомик-физиологик тузилишига ҳам, руҳий-асабий ҳо-
латига ва энг муҳими, саломатлигига бекиёс даражада
яхши таъсир кўрсатади. Ҳатто сузишни машқ қилишга
ўтишнинг бошланғич даври билан чинакам сузувчи-спорт-
чи бўлиб етишган давр ўртасидаги одамда бўладиган
тафовутни ҳам яққол пайқаш мумкин.

ОДАМНИНГ АНАТОМИК ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ФИЗИО- ЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ СУЗИШ ТЕХНИКАСИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, сузиш одампинг турли-тумап, катта-кичик,
кучли ва кучсиз ҳаракатларни горизонтал вазиятда ба-
жариш натижасида юзага келади. Бинобарин, одам мана
шундай ҳаракатларни исталганча эркин, исталганча узоқ
ва уйғун бажариши лозим. Шунда у ўз ҳатти-ҳаракат-
ларига муайян шаклни бера олади. Бунивг учун эса су-
зувчи-спортчининг гавда тузилиши, мушакларининг мут-
таносиб бўлиши, бўғимлари ўз тузилишига кўра исталган
ҳаракатларга бўйсuna олиши керак бўлади.

Бўғим ҳаракатчанлигининг аҳамияти. Бўғимлари
яхши ривожланган, ҳаракати енгил спортчилар гавда
ҳолатини ва умумий ҳаракатларнинг мутаносиблигини
ўзгартирасдан катта ёй бўйлаб эркин ва осон ҳаракат
қилишлари лозим. Зарурият туғилса, бунга катта мушак
группаларини жалб қилишлари ҳам мумкин. Ҳаракат-
ларни катта тебранишда, яъни ҳаракат амплитуда-
ларини узун олиб бажариш сузувчи спортчилар сузиш
техникасининг асосий шартларидан бири бўлиб, бу
куватни энергияни тежаб сарфлашга ёрдам беради.

Спортчи бўғимларидаги ҳаракатларниг сустлиги,
эркин бўла олмаслиги сузиш техникасини тўғри бажа-
ришда қийинлик туғдиради, машқларни бажариш сама-
радорлигини пасайтиради, натижада, қўшимча ҳаракат-
ларни бажариш талаб этилади, бунда эса энергия кўп
сарф бўлади, мушаклар толиқади, юракка зўр келиб, тез
чарчаш аломатлари пайдо бўлади.

Құлларниң ҳаракатчалығи, бир қараганда, фақат елка бүгімлари ҳолатига боғлиқдек күрінады, аслида әса уларниң әркін ва үйғун ҳаракат қилиши умуртқа погонасп ҳолатига, аниқроғи, умуртқаның күкрапқа бел қисмлари қайишқоқлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, умуртқасынан күкрапқ-елка қисми етарлы даражада ҳаракатчан бүлмаса, баттерфлій, яғни дельфин усулида сузувчи-спортчи құл Билан тайёргарлық ҳаракатларини бажараётганида истаса-истамаса, гавданинг юқори қисмии құтаришга мажбур бүлади.

Брасс усулида сузишда әса, чаноқ-сон, айниңса, тизза бүгими, болдир-панжа бүгімларниң исталғанча әркін ҳаракат қила олиши, яғни ҳаракатчанлығи муҳим. Чүлкі, масалан, шу бүгімлардан бирортасыда ҳаракатлар сал бүлса-да, чекланиб қолса, оёқлар билан кеңгәншиш ҳаракатларини бажаришда қийинчилік туғилиб қолади.

Умуртқа погонасынан бүйін қисми ҳаракатчанлығы, қайишқоқлигі сүст кечса, кроль усулида сузаётган спортчи нафас олиш учун талаб қилинганидек, бошили ёнга буриб қолмасдан, юқорига құтаришга мажбур бүлади. Спортда 5—10 см гина эмас, 5—10 мм құшымча ҳаракат ҳам ортиқчалик қылғанидек, сузиб кетаётган одамниң бошини құшымча равишда юқорига құтариши умум ҳаракатларниң шаклиға, үйғунылығига шарттың етказади. Бу әса, ўз нағбатида, гавданинг ортиқча тебра-нишига, гавданинг умум ҳолатига таъсир қиласы да әкібтес натижада спортчаниң сузиш жараёнини бузиб қўяди.

Болдир-панжа бүгімларыда ҳаракат сүст бүлган ҳолларда әса кроль усули билаш күкрапқа ёки чалқанча ётиб оёқлар ёрдамида сузишда спортчилар яхши күрсатқычларга әриша олмайдилар, баъзан олдинга түзук-кина силжий олмайдилар ҳам. Сабаби, одам бундай усульда сузганида асосан оёқлар панжаси сузувларын олдинга силжитади. Шундай экан, панжаларниң тузилиши да уларниң сузиш пайтлагы ҳолати катта ажамиятта әгадиді. Шуларни пазарда тутып, биз сузувлар спортындарга сузиш усуllibарига қараб бүгімлар ҳаракатига жиддий зәтибор берішни, машгулотлар пайтида уларни тиімді машқ қылдиришни тавсия қыламыз.

Мушаклар ҳолатининг ажамияти. Маълумки, мушаклар бош миявинг остықи марказларидан келген импульслар («күрсатмалар»)ның маэмунига, доимийлигига қараб қисқаради ёки чўзилади. Шунга қараб, масалан, оёқ

Ёхуд қўл бирор ҳаракатни бажаради, бинобарин, механик иш қилади ва шу билан одам гавдасини ҳаракатга келтиради, олга силжитади.

Ҳаммага маълумки, сузиш пайтида сузуvinning мушаклари, статик машқлардагидек, узоқроқ қисқариб турмайди, аксинча, тезкорлик билан динамик иш бажаради. Бунинг учун эса мушаклар қайишпкоқ, ҳаракатчап бўлиши лозим. Мушакларнинг жадал қисқариб, жадал бўшашининг физиологик алмашинуви, йирик антагонист мушакларнинг ўзаро келишиб ҳаракатланиши ва улар ҳаракатига майда мушакларнинг уйғун қўшилиши спортчилинг сузишими тезлаштиради, вақтини иқтисод қилади. Тўгри, мушаклар тез суръатлар билан зўр бериб қисқарап әкан, у писбатан тезроқ чарчайди, аммо у қанча тез ҳаракатланса, юракка қон бориши шупча тезлашади, бу ҳодиса бизга физиологиядан маълум.

Сузувчи одатда ўзи танлаган усулини машқлар туркумida пиштиб стилтиради ва шу борада у сузиш техникасини идрок қила бошлайди. Сузиш техникасини миясида бус-бутун гавдалантира олган спортчини апча парсага эришиди, деса бўлади. Чунки шунда бутун хатти-ҳаракатларнинг илми пидан-игнасигача унга маълум бўлади. Энди у ўзида шу билгап; идрок қилиб турган ҳаракатларни тегишли мушакларини ишга солиб амалга ошириши, кўникма ҳосил қилиши керак. Сузувчи техникаси қай даражада сифатли чиқишини тайёргарлик вақтида қувватини тежай билиши ва зўр куч талаб қиласидиган эшиш ҳаракати пайтида ундан тежамкорлик билан фойдалана олиши ҳал этади. Бундан ташқари, сузиб кетаётганда мушакларни зўриқтириб тараанглаштириш ҳам сузиш техникасини бузади, эркин рафас олиш имкониятини чегаралаб қўяди.

Моҳир сузуvinchisportchilarning тажрибаси шуни кўрсатадики, эшишда бевосита иштирок этадиган мушаклар грухини тайёргарлик босқичида иложи борича тутиш зарур. Айниқса, ўртача ва олис масофаларга сузиш мусобақаларида, лъзи қувватни тежаб бориш талаб этилганда бунинг аҳамияти жуда катта.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, сув совуқ бўлганида мушакларнинг тараанглашуви ортади, уларни бўшашибириш эса маълум даражада чегараланиб қолади. Демак, ўз-ўзидан маълумки, мушакларнинг қон билан таъминланиши ҳам яхши бўлмайди. Оқибат натижада ҳаммаси бир бўлиб, кўрсаткичнинг пасайиб кетишига олиб келади.

Гавда тузилишининг аҳамияти. Гавда тузилишидаги мутаносиблик сузиш техникасини эгаллашга муайян даражада аҳамиятга эга. Масалан, яхши ривожланган, узун қўл-оёқли, вазни ўртача сузувчи спортчилар бир қадар юқори кўрсаткичларга эга бўлишлари мумкин. Буни дунёга танилган сузувчи спортчилар фаолиятидан ҳам пайқаш мумкин бўлади. Аксарият ҳолларда улар баланд бўйли, қўл-оёқлари узун, вазнлари писбатан енгил бўладилар. Бежиз эмаски, 14—17 ёшли ўсмир сузувчи спортчилар мушаклар ривожланиши айтарли даражада бўлмаса-да, вазни енгиллиги ҳисобига кўп ҳолларда юқори кўрсаткичларга эга бўладилар. Шунинг учун ҳам, бўлајак сузувчи спортчини танлашда дастлаб унинг шу жиҳатлари ҳисобга олинади. Яна, шу жиҳатларига қараб, унга сузиш усули танланади. Аммо бунда ҳамиша ҳам тўғри хулоса чиқарилавермайди. Чунки, айниқса, у ўсмир ёнда бўлса, вояга етганда унинг гавдасида турли хилда ўзгаришлар бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли, ўсмирлар вақти-вақти билан антропометрик текширувдан ўтказиб турилади.

Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, сузувчи спортчининг бўй ва қўл-оёқлари узунлиги, гавда вазининг кичиклиги унинг мұваффақияти гарови бўла олмайди, балки фациат унга замин бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жаҳон чемпионлари орасида биз айтиб ўтган мезонлардан анча йпроқ бўлган спортчилар борки, улар фикримизнинг далили бўла олади. Спортда юқори кўрсаткичларга эришиш учун аввало сузувчи одам организмининг функционал имконияти, машгулот пайтида эгаллаган малака ва қўнижмаси, такомилига етган ҳаракат усуллари зарурдир. Бўйи нисбатан паст бўлиб, сузиш машқини бескаму кўст эгаллаган, жисмонан обдол пишиб етилган сузувчилар анча катта ютуқларга эришишлари мумкин. Бунга сузиш спорти тарихида, юқорида айтиб ўтганимиздек, мисоллар кўп.

Расмда танланган сузиш усулига қараб гавда аъзоларининг тузилиши ҳақида Фикр юритиш мумкин. Мазкур мисолимизда, эркпи усулда 100 м га сузувчининг дельтасимон сугигача бўлган баландлиги тахминан 156 см бўлгани ҳолда, чалқанча сузувчиники ундан баланд турибди. Энг пастиники — бу эркин усулда 15000 м га сузувчиники — 130 см ни ташкил қиляпти. Бундан бўй узунлигини аниқлаш мумкин. Чаноқ-сон бўғимигача бўлган баландлик бўйича қиёслаганда эркин усулда 100 м га сузувчи спортчиники 117 см, шу усул-

да 1500 м.га сузувчиники 95 см, чалқанча сузувчиники 117 см, делфин усулида сузувчиники 95 см, брасс усулида сузувчиники 100 см, комплекс сузувчиники 105 см. Бу аслида оёқ узунлигини аяглатади.

Агар юқорида айтиб ўтилган ўлчамларни крольчи-спринтерлар мисолида жадвалда ифодалайдиган бўлсақ, қўйидагича манзара ҳосил бўлади:

Сузиш усуллари	Бўй, см		Вазн, кг		Кўкрак айланаси, см	
Кроль усули:						
100 м га	180,0	3,3	75,0	2,0	100,0	3,5
400 м га	177,5	2,3	68,5	1,7	98,0	1,8
1500 м га	175,0	3,5	66,5	1,6	97,0	2,4
Чалқанча усул	183,0	2,0	69,0	1,1	100,0	2,4
Дельфин усули	176,3	1,5	72,0	0,8	98,5	3,0
Брасс усули	175,0	1,3	76,5	1,4	97,0	2,6
Комплекс усули	181,0	2,2	72,5	0,5	99,5	2,0

Бундан бизга аёи бўладики, бўйнинг баланд бўлиши, вазниниң оғирлиги, қўл-оёқларниң узун бўлиши ва мушакларниң яхши ривожланганини крольчи-спринтерлар учун хос бўлса, қўкрак қафаси, елка кенглиги, сон, бел айланаси ўлчамларининг катта бўлиши бақувватлик аломати бўлиб, бу — спринтерлар учун хосдир. Дельфин усулида сузувчилар, одатда, ўрта бўйли, танаси узун, оёқлари нисбатан калта, елка, тана, қўл-оёқ мушаклари эрта ривожланган, бўғимлари ҳаракатчан бўлади. Чалқанча усулда сузувчилар эса баланд, қўл-оёқлари узун, елка, қўл мушаклари яхши шаклланган, қўкрак қафаси кепг, бўғимлари ҳаракатчандир.

Брасс усулида сузувчилар аксарият ўрта бўйли, оғир вазили бўлиб, айшиқса, чаноқ-сон мушаклари, қолаверса, сон ва болдири мушаклари яхши ривожланган бўлади. Шундап ҳам маълум бўлиб турибдики, уларниң оёқлари энг кучли — бақувват ҳисоблашади. ЖЕЛ катталиги ва елка бўғимлари ҳаракатчаплаги шисбатан паст. Аммо уларниң тизза ва болдири-панжга бўғимлари ўта ҳаракатчан бўладикл, бу имконостабрасс усулида жуна қўл келади ва ҳоказо.

Айтилганилардан холоса чиқадики, сузувчи спортчи-ниң анатомик ҳусусиятлари билан физиологик имкониятлари умуман сузиш жараёнинга, ҳусусан эса спортчи танлаган сузиш усулига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмас экан. Бинобарин, сузиш спортига ёшларни жалб

қилганда, уларга сузиш усули таанланганда бу жиҳатларни доимо ёдда тутиш зарур.

СУЗИШ ТЕХНИКАСИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Сузиш техникаси. Сузиш техникаси деганда, ҳаракатларни мутаносиб равишда намоёғ қилиш тушувилади. Бу эса маълум ҳаракат қоидаларига риоя қилган ҳолда бўлади. Акс ҳолда оддий сувда чўмилувчилар сузишидан фарқи қолмай қолади. Булинг учуп, аввало, сузишнинг шакли, ҳаракат усуллари ва шу ҳаракатларниг ўзаро қовушиши, мос келиши талаб этилади. Шунда спортчи ўзининг ташки ва ички кучларини юқори даражада сафарбар қила олади. Сузувчининг мұнтазам равишда «бир қолига тушиб сузиш» табиатини әгаллаши бора-бора унинг ицдивидуал сузиш техникасига айланав боради. Эпди у ўзининг бутун ҳаракат ва функционал имкониятларини ўз техникаси асосида рўёбга чиқарадиган бўлади. Бу, одатда, ицдивидуал техника дейилади. Ицдивидуал техника қоида ўлароқ, доимий равишда ривожлаптириб, такомиллаштириб боришни талаб этиади. Ицдивидуал техника қанчалик такомиллашса, у шунчалик енгил кўчадиган бўлиб боради ва янгидан-япги турлар устида машқ қилиш имконияти тутилади.

Сузиши техникаслипи қанчалик суст ёки теэ такомиллаштириб боришда юқорида айтиб ўтганимиздек, спортчининг ёши, бўйи, гавда қисмлари ривожланганлигининг ўзаро лисбати, вазни, оёқ ва шу сузувлчига хос унинг шахсий қобилийти муҳим аҳамиятга эга. Спортчининг жисмоний чишиққанлиги, кучи ва қайишқоғлигининг роли ўз-ўзидан аёлки, жуда зарур.

Буларни билгапимиз ҳолда энди сувлинг ўз табнати, сувда муаллақ турли ва ҳаракатлапиши қонуниятлари ҳақида тўхтаб ўтсак. Сиз бу курсгача гидростатика ва гидродинамика тушунчаларини аплаб етгансиз. Шундай бўлса ҳам, улар хусусида қисқача эслатиб ўтишини лозим кўрдик. Демак, гидростатика сузувлчига танасининг сундаги мувозапатини ифодаласа гидродинамика сузувлчи танасининг сундаги ҳаракатини ифодалайди. Шундан келиб чиқиб, сузувлчининг муайян ҳаракатлари мажмумаси натижасида унинг сувда олдинга силжиб боришига динамик¹ сузиш дейилади. Гидродинамикадан динамик

¹ Динамика грекча сўз бўлиб, кучга алоқадор, куч таъсирида деган маъноларни англатиб, мақкур ўринда ҳаракат ҳолатини билдиради.

сузиш келиб чиққанидек, гидростатикадан *статик сузиш* келиб чиқади. Буни қуйидаги изоҳлаш мумкин. Масалан, одам гавдаси ҳеч бир ҳаракатламай ҳам маълум вақт мобайнида сувда қалқиб тура олади, сувда чўмилгаи ларининг жами буни яхши билади. Худди мана шу маълум вақт давомида одам гавдасининг сув бетида ёхуд унинг бирор қатламида муаллақ туриш ҳолати юқорида тилга олган *статик¹ сузиш* бўлади. Қўйиронда булар ҳакида алоҳида тўхталиб ўтамиш. Ҳозир эса, сувнинг табнати, яъни физик хоссалари хусусида сухбатлашамиз.

СУВНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

Маълумки, сузиш спортида сувнинг физик хоссалари деганда одатда, унинг қовушқоқлиги, зичлиги, сувнинг сиққиқлиги ва солиштирма оғирлиги тушунилади.

Сувнинг қовушқоқлиги деганда, сувнинг ҳаракатлашишга кўрсатадиган қаршилиги тушунилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсақ, бизга маълумки, сув ҳаракатланиш хусусиятига эга, мана шу ҳаракатланиш пайтида сув заррачалари ва қатламлари бир-бирига суркалиб боради. Бинобарин, қатламлар ўзаро суркалганда, улар ўртасида ички ишқаланиш юзага келади ва шу ишқаланиши эса ўз навбатида ҳаракатланишга қаршилик қиласди. Мана шунда пайдо бўлган куч сувнинг қовушқоқлигидир. Сувнинг қовушқоқлиги одатда шу сувнинг кимёвий хоссасига ҳам, ҳароратига ҳам бир қадар боғлиқидир. Сув ҳарорати қапча пасг бўлса, унинг қовушқоқлиги шунча юқори бўлади. Масалан, сув ҳарорати 30° бўлганда унинг қовушқоқлиги 20 фоизга камайиши близга маълум.

Сувнинг зичлиги. Сувнинг зичлиги деб ҳажм бирлигидаги массасига айтилади, бу бизга физикадан маълум. Масалан, 1 г сувнинг массаси ҳамеша ҳамма сувда бир хил эмас. Сув қашча шўр, ҳарорати қашча юқори бўлса, унинг массаси шунча кам бўлади, демак, зичлиги кам деган сўз. Чупопчи, ҳароратда 4° ли чучук сувнинг зичлиги кубометр билан ўлчаганимизда $1000 \text{ кг}/\text{м}^3$ га тенг. Шўр дениз сувники эса $1010 - 1030 \text{ кг}/\text{м}^3$.

Сувнинг сиққиқлиги. Сувнинг сиққиқлиги одатда, сув заррачалари ва қатламларининг бир-бирига кўрсатган босимидан келиб чиқади. Шу босим қапча кўп бўлса,

¹ Статика грекча сўз, у қотиб турувчи деган маънони англатади. Мазкур ўринда тинч ҳолатни ифодалаб келган.

сувнинг сиқиқлик ҳажми шунча кам бўлади. Ўз навба тида сувнинг сиқиқлигидан гидростатик босим кучи ке либ чиқади. Ҳар қандай сув ҳатто тинч ҳолатда турганді: ҳам, унда оғирлик кучи бўлади. Бу куч, бир томондан суюқликнинг ўз вазнидан пайдо бўлса, иккинчи томондан, атмосферанинг унга кўрсатаётган таъсиридан юзага келади. Бинобарин, гидростатик босим кучи сувга тушган одамнинг ҳамма ерига ўз таъсирини кўрсатади. Одам қулогида пайдо бўладиган оғриқ мана шу босим кучи таъсирида юзага келади.

Сувнинг солиштирма оғирлиги. Сувнинг солиштирма оғирлиги деганда, одатда, гавда оғирлигининг шу гавда ҳажмидаги сув оғирлигига нисбати тушунилади. Бу фаизда $\text{Г}/\text{см}^3$ билан ифодаланади. Бу ҳам сувнинг кимёвий таркиби билан унинг ҳароратига боғлиқ. Бинобарин, сувнинг эничлиги қанча юқори бўлса, унинг солиштирма оғирлиги ҳам шунча юқори бўлади. Чунончи, шўр сувнинг эничлиги чучук сувникидан оғир, демак, унинг солиштирма оғирлиги ҳам юқори. Шу сабабдан ҳам денгиз, океан сувларида чучук сувдагига қараганда қалқиб туриш нисбатан осон бўлади. Сув ҳарорати ортиб бориши билан ҳам унинг эничлиги, демак, унинг солиштирма оғирлиги камайиб боради. Одатда, кимёвий жиҳатдан тоза дистилланган сув 4°C ҳароратда энг юқори солиштирма оғирлигига эга бўлади. Мана шундай сувнинг солиштирма оғирлиги одатда, 1 дб деб қабул қилинган. Бу сузиш учун қулай солиштирма оғирликдир. Аммо, ҳаммамизга маълумки, ҳарорати 4°C да чўмилиб бўлмайди, у болаларгагина эмас катталарга ҳам совуқлик қиласди. Одатда, қишики бассейнларда машғулот ўтказилганда сувнинг ҳарорати катталар учун $24-26^\circ\text{C}$, болалар учун $27-28^\circ\text{C}$ бўлиши керак. Бундай ҳароратдаги сувларнинг солиштирма оғирлиги $0,998 \text{ г}/\text{см}^3$ га тепг бўлади. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, сувда чўмилиш учун фақат сувнинг солиштирма оғирлиги эмас, балки сузувчи ташасининг солиштирма оғирлиги ҳам бир қадар роль ўйнайди. Одам гавдасидаги тўқималарнинг солиштирма оғирлиги эса ҳар хил. Масалан, терп, мушак, суяқ тўқимасиники ёғ тўқимасиникидан оғир, мушакники териникидан, суяқники мушакникидан оғир ва ҳ. Умуман олганда, одам гавдаси қисмларининг солиштирма оғирлиги ўрта ҳисобда $0,935$ да $1,057 \text{ г}/\text{см}^3$ гача ўлчанади. Болалар билан аёллар гавда қисмининг солиштирма оғирлиги эса бироз ёнгил бўлади. Чунки ҳозир айтгалимиздек, уларнинг юқори солиштирма оғир-

ликка эга бўлган суяқ ва мушаклари эркакларнига қараганда, яхши тараққий этмаган бўлади. Шундай экан, сузувчи спорчанинг яхши кўрсаткичларга эга бўлишига гавдасининг солиштирма оғирлиги ҳам бир қадар роль ўйнар экан.

СТАТИК СУЗИШ

Сувга тушган сузувчининг ҳамма томонига одатда; сувнинг босим кучи таъсир қиласди, деб юқорида айтиб ўтдиқ. Бинобарип, одам сувга қанча чуқур тушса, унга тазипқ ўтказадиган босим кучи ҳам ортиб боради. Аммо мана шу босим кучининг қай даражада юқори бўлиши гавданинг жойлашиш вазиятига ва сувнинг таркибиغا ҳам боғлиқдир. Чунки одам гавдаси сувда горизонтал вазиятда бўлса, унга сувнинг кўтариш кучи катта ҳажмда, вертикал вазиятда бўлса, кичик ҳажмда таъсир қиласди. Сувнинг таркиби ҳақида юқорида бир карра эслатиб ўтдиқ. Демак, сувдаги тинч турган сузувчига бир вақтнинг ўзида оғирлик кучи (бу одампинг ўз вазни) ва сувнинг кўтариш кучи (таркибига кўра юқорига итарувчи кучи) таъсир қиласди. Сузувчининг мана шундай кучлар таъсирида бўлиши *статик сузиш* дейилади.

Бундан ташқари, сузувчи гавдасига сувнинг итарувчи кучи ҳам таъсир қиласди. Бу куч одатда, гавда сиқаб чиқаргап сув ҳажмига тенг бўлади.

Сувнинг ҳар томондан ўйналган итарувчи купларининг жам бўлиб йўпалган нуқтаси *сузувчанилик маркази* дейилади. Бу марказ, одатда, сиқиб чиқарилган сувнинг зичлашган ҳажми марказига тўғри келади.

Энди биз қуйида ҳали тилга олинган сувдаги кучларнинг таъсири ҳақида тўхталамиз.

Гавда сузувчанилиги. Юқорида айтганимиздек, гавданинг оғирлик кучига ва сувнинг ўз итарувчи кучига қараб одам сувда у ёҳуд бу даражада муаллақ қалқиб туради, мувозаннат сақлай олади ёки чўқади. Масалан, гавда оғирлиги у сиқиб чиқарган сув ҳажми оғирлигидан кам бўлса (сабабларга кўра), бу ҳолда гавда сув бетида, жуда бўлмаганде сувнинг сал қуви қатламида қалқиб турга олади. Одамнинг мана шу қалқиб турга олиш қобилияти гавданинг сузувчанилиги дейилади. Одатда, бу ҳам гавданинг солиштирма оғирлиги билан сувнинг солиштирма оғирлигига боғлиқ. (Одам гавдасидаги қисмларнинг солиштирма оғирлиги хусусида юқорида гапириб ўтдиқ). Шунга биноан, озгин одамнинг сувда муаллақ туриши

(ёки чүкиши) семиз одамниг қараганда, бир қадар күпроқ ҳаракатланишин талаб этади. Бу ўринда сувдаги сузуvinинг пафас олиши билан нафас чиқариши пайтидаги солиштирма оғирлигининг ўзгаришини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Чунончи, одам ўпкасини түлдириб пафас олганида гавдасининг солиштирма оғирлиги 0,97 ии ташкыл қылса, тұла пафас чиқарганида эса 1 дан ошмайды, бу эса сувнинг солиштирма оғирлиги билан тәнг бўлган, деган сўздир, демак, одам бундай пайтда сувда қалқиб тура олади. Сузувчи спортчиларда мунтазам машқулар натижасида ўпка ҳажми ортиб, улар ҳавони катта миқдорда (5500—7000 см³ гача) юта олади. Бу ўз павбатида спортчининг сувда туриш имкониятини оширади.

Ўпкалиниг пафас билап бөглиқ солиштирма оғирлигини жадвалга соладиган бўлсак, қуйилагича маъзара ҳосил бўлади:

Нафас турлари	Гавданинг солиштирма оғирлик кўрсаткичлари
Тұла нафас олиш	0,94—0,99 г/см ³
Үртача нафас олиш	0,88—0,94 г/см ³
Тұла нафас чиқариш	1,01—1,07 г/см ³
Үртача нафас чиқарыш	0,96—1,01 г/см ³

Жадвалдан маълум бўладики, сузуvinинг гавдасининг солиштирма оғирлиги сувникидан кўп бўлиши ёки кам бўлиши мумкин экан. Шуни эътиборга олиб, болаларни сузишга ўргатишда бошлаб, улар ўпкасиниң ҳаётий сигимини муттасил ошириб бориш керак.

Одам гавдаси қисмларининг солиштирма оғирлиги бир хил эмас, деб, юқорида айтиб ўтдик. Масалан, гавдасиниң ўпка атрофи қисмларининг солиштирма оғирлигидан оёқлағанинг солиштирма оғирлиги юқори. Демак, одам сувга ботаётганида ҳамиша упини олдинги оёқлари сувга ботали. Ҳаводан тушаётганида эса, масалан, тайёрдан сакраганида, гарчи у оёқлари билан сакраса-да, боши билан туша бошлайди. Бу ҳам маълум. Чунки одам бошининг солиштирма оғирлиги гавданинг бошқа қисмлари оғирлигидан катта. Бинобарин, спортчи фақат ўз ҳаракатлари билан ҳаво қаршилигига оёқ-қўлларипи рўпара қилиш орқали, яъни ҳавода «сузиш» элементлариши бажариш билангила, ҳаводаги вазиятини ўзгарти-

ради ва турли кўришишларда шакллар ясайди. Бир сўз билап айтганда, спортчи ўзининг бутун оғирлик кучини ҳавонинг қаршилик кучига бутун гавдаси бўйлаб бир тақсимлай олгандагида, у горизонтал ҳолатга эриша олади. Сувда сузишда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз беради. Масалан, сузувланинг оғирлик кучини F_1 , сувнинг кўтариш кучини F_2 , деб олсан, одам вертикал сувганида, яъни гавданинг вертикал сузувланилигида F_4 ва F_3 кучлар гавданинг бўйламасига кетган ўқи бўйлаб тақсимланади; горизонтал сузувланилиқда эса бу кучлар мазкур ўққа перпендикуляр тақсимланади ва ҳ. Демак, гавданинг кейинги сузувланилиги сузиш техникасиغا ёрдам беради.

Бадиий сузиш усулида кўп қўлланадигап ҳаракатлардан бири — оёқларни узатган ҳолда икки ёққа кериб, қўлларни ҳам узатиб, оғирлик кучи маркази билап сузувланик марказини бир-бирига яқинлаштиришdir. Бунда «жуфт кучлар» елкаси камайтирилган бўлади. Бунга эса гавдани ўз ўқи атрофига бўйламасига айлантириш орқали эришилади. Энди, гавдани ўз ўқи атрофига ёнга айлантиришни кўрайлик. Бунда бир қўлни ёки оёқни кўтариш керак, шунда гавда қўл ёки оёқ кўтарилиган томонга қараб айланади. Чунки сувнинг сиқилган ҳажми таъсир кучи, босими ўзгаради, бинобарин, сузувланик маркази билап оғирлик марказининг нисбати ўзгаради, демак, қўл ёки оёқ кўтарилиган томонга гавдани айлантирадигап «жуфт куч» ҳосил бўлади. Гавдапинг қапчалик кам қисми сувга ботган бўлса, уни кўтарувчи куч шу томонга шупча кам куч билап таъсир қиласи. Шу сабабли ҳам, сузаётган одам нафас олиш учун бошини анча ёнга буришини ёки кўтаришини, қўлини сувдан юқорига чиқариб олдинга ташлашни тез бажаради, иккичи сувдаги қўли эса нисбатан секин ҳаракатланади. Борди-ю, бош ёки қўл сувдан секин кўтариладиган бўлса, у ҳолда сувнинг кўтариш кучини ошириш учун сув остидаги қўл ва оёқларни тезроқ ҳаракатлантириш зарур. Сузувчи сувга қалла ташлаганида тезроқ боши билан қўлларини юқорига кўтаришга ва оёқлари билан сувни тепишга ошиқади, чунки бу пайтда сувнинг кўтариш кучи камайиб, оғирлик кучи ортиб кетади ва ҳ. к.

ДИНАМИК СУЗИШ

Маълумки, сузувланинг сувда олга сари ҳаракатлапиб бориши динамик сузиш, деб юқорида бир карра ай-

тиб ўтган эдик. Уни амалга ошириш учун одатда, сузуви таъсир кучларини ҳосил қилиши керак. Бундай таъсир кучлар, қондага кўра, тўртта бўлади, 1) оғирлик кучи, буни биз F_o деб белгилаган эдик; 2) сувнинг кўтариш кучи — P ; 3) тортиш кучи — F_m ; 4) қаршилик кўрсатиш кучи — R . Булар орасида оғирлик кучи — F_o , доимий гидростатик куч бўлиб қолади ва ўзгармайди. Қолганлари эса сабаб ва вазиятларга қараб ўзгариб туради.

Сузувчининг дастлабки ҳаракатлари унинг шахсий ички кучлари бўлиб, сувга таянишларида юаага қелади. Ташқи кучларга эса гавданинг оғирлик кучи — F_o , гидростатик куч, гавданни итарувчи ҳамда сузувишнинг сувда ҳаракатлар қилиши натижасида ҳосил бўлувчи гидродинамика кучи киради ва ҳ. к.

Сузувчи, одатда, ҳавога қараганда, зич сувга талниб, уни қўй ва оёқлари билан итариб олдинга ҳаракат қилиб боради. Бунда аёп бўладики, сувнинг зичлиги сузуви учун таянч воситасини ўтайди ва демак, унига талниб, олға ҳаракатлациб борар экан, ўз наубатида рўпарадан гавдага таъсир қилувчи кучлар ортиб боради, натижада, сузиш тезлиги пасаяди. Механика қонунидан маълумки, сувнинг қаршилик кучини бутунлай йўқотиб бўлмайди. Фақат сузуви спортчининг малака ва маҳоратига боғлиқ равишда уни максимал камайтириш ва шу билан тезликни максимал ошириш мумкин. Бунинг учун эса спортчи ўз ҳаракат йўпалишларига қарши рўпарадан келаётган қаршилик кучининг қандай пайдо бўлишини ва таъсир механизмини тушуниши, бипобарин, сувнинг қаршилиги, бу кучнинг катталиги ва унинг доимий эмаслиги нималарга боғлиқлиги билиши лозим. Масалан, сувнинг қаршилик кучи гавданинг кўндаланг юзаси кенглиги, сузиш тезлигининг ортишига қараб катталашиб бориш қонуниятини, қолаверса, гавданинг тузилиши, унинг сувда олган ҳолатини ҳам бир карра аҳамиятга эга бўлишини у англаб этиши керак. Бугина эмас, сувнинг қаршилик кучини ишқаланиш ва босим кучи ҳам оширади.

Ишқаланиш қаршилиги. Ишқаланиш қаршилиги деб сузуви гавдаси ташқи юзасининг сув билав ўзаро таъсирига айтилади. Бу сувниш қанчалик қовушқоқлигига боғлиқ.

Ишқаланиш ташқи ва ички ишқаланишларга тафовут қилинади. Ташқи ишқаланиш — бу гавда юзасининг урга тегиб турган сув қатлами ўртасидаги ишқаланишидир; ички ишқаланиш эса бу сув қатламларининг сузуви

ҳаракатлар туғайли юзага келгап ўзаро ишқаланиши дидир.

Ташқи ишқаланишда сувнишг ҳамма қатлам ва заррачалари сузувланинг танасидан тойиб ортда қолавермайди. Упинг қандайдир бир юпқа қисми ишқаланиш таъсирида терига «ёпишиб» олиб, гавда билан бир хил тезликда олдинга томон ҳаракат қилиб боради ва ўз навбатида сувниш ана шу қисми бошқа сув қисмларига қўшилиб, бироз бўлса ҳам, ёпишувчи куч ҳосил қиласди. Пировард иатижада одам гавдаси билан бирга муайян оғирликка эга бўлган, муайян миқдордаги сув олга томон ҳаракат қиласди. Табиийки, сузувлчи спортчи мана шу сув миқдорини элтиб юриш учун ҳам куч сарфлаши лоэим.

Ишқаланиш кучи, одатда, гавда текис, силлиқ бўлмаганда, сузиш либослари дағал матодан тикилган бўлганда ошади. Ҳатто гавда туклари ҳам ишқаланиш кучини оширадики, буни яхши билган тажрибали спортчилар мусобақалар олдидан қўл-оёқларидаги бутун тукларини қирдириб ташлайдилар.

Гирдоб (уюрма) қаршилиги. Спортчи зўр бериб олга ҳаракатланиб борар экан, олдидаги сув оқимини иккига ёриб боради. Сувлар эса иккى ёнидан ва иккى гардани узра ўтиб, орқа томонда қўшиласди. Ўз-ўзидан тушунарлики, сузувланинг олдидаги сув босими ортиб, сув кўтарилади, орқада эса босим камайиб сув пасаяди. Бир қарраганда, орқа томондаги пасайган сув ва унинг босими аҳампиятсиздек туюлади, аслида эса ундаи эмас. Бупинг ўз қонунияти борки, қуйида уни тушуниришга ҳаракат қиласми.

Маълумки, сузувланинг орқасидаги гирдоб, упинг олдидаги сув босим кучининг орқасидаги сув босим кучи ўртасидаги фарқлапишдан келиб чиқади. Босим паст ерга тушиб қолган сув заррачалари ишқаланиш қонунига мувофиқ, оз бўлса-да, муайян вақт мобайнида гавданинг қути қисмларига, кўпроқ оёқларга илашиб қолади ва маълум масофагача эргашиб боради. Кейин улар ўрнига бошқа сув заррачалари илашади ва эргашади. Шу жараёц муттасил давом этиб боради. Бу спортчи учун енгил бўлмайди. Спортчи уларни епгисх учун ачамунча қувват сарфлайди.

Гирдоб қаршилигининг кучи сузувлчи олган тезликка ва унинг қоматига боғлиқ. Гирдоб кучини камайтириш учун эса бир йўл қолади, яъни олдинги сув босими билан орқадаги сув босимини тенглаштиришга эришиш

керак бўлади. Спортчи бунга қаинчалик яхши эришса, гирдоб қаршилигини ҳам у шунчалик камайтирган бўлади. Бунинг учун сузувлари спортчи қандай бўлмасин, гавдасини шундай ҳолатда тутиб бориши керакки, на-тижада, сувнинг гардадан сирпаниб ўтиши осонлашсан. Бунга эришиш мақсадида сузувлари ўз гавдасини сув бе-тида иложи борича горизонтал ҳолатга яқинроқ ушлаб, оёқ ва қўлларини бор бўйи узатиб юбориши, оёқлар пан-жасини чўзиши, қўлларини боши яқинида тутиши керак. Шунда сувнинг энг осон сирпаниш ҳолати юзага келади. Таъкирибали сузувлар шуни билганлари ҳолда старт олгапдан сўнг ва бурилиб бўлгандан кейин ҳовуз дево-рида деисиниб чиққан вақтларида шу ҳолатни қабул қилидилар.

Бу ўрища шупи айтиб ўтиш жоиски, гирдобпия
қаршилик кучи сузувчи сув бетига қанча кўп гавдасини
кўтариб сузса, у шунча кўп ортади. Бу сузиш усулнига
ҳам боғлиқ. Масалан, брасс усулида кўкракда ва чалин-
ча ётиб сузишда гирдоб қаршилиги ортади. Уни камай-
тириш учун эса тажрибали сузувчи спортчилар бундай
пайтларда қўлларини сув юзасидан шастга томон ҳара-
катлантириб, ёёқларини тана энидан чиқариб юбормас-
даи, белларини максимал даражада букиб сузадилар.

Гирдоб тайёralарниң учыш жараёнда ҳам, машиналарниң тез юриш пайтида ҳам, ракета ва снарядлар учганида ҳам ҳосил бўлади («ҳаво гирдоби») ва ҳамиша ўз қаршилиги билан улар тезлигини камайтиради. Шунинг ҳисобга олаб, тайёра, машина, ракета ва снарядларниң, сувда эса кемаларниң олди ва орқа томони конуссимон қилиб ясаладики, бу гирдоб (уюрма) қаршилигини 20—30 баравар камайтириши мумкин.

Тұлқин қаршилиги. Сузувчининг олдида сув босимыннинг ортиши сувнинг шу ери зичлашиб сурилишига, бу эса сувнинг күтарилишига, яъни тұлқинлар ҳосил бўлишига олиб келади ва булар гавдадап аниқ бир бурчак остида, сузувланинг ҳаракат тезлигига боғлиқ ҳолда ёнга ва олдинга тарқалади. Баъзан сузувланинг тежамсиз, қўпол ҳаракатлар қилаётганини мана шу тұлқинларга қараб билса ҳам бўлади. Натижада, сузувлчи бир томондан, мана шу тұлқинларни евгіб ўтиш учун, иккиси томондан, тұлқин туфайли пайдо бўлган қўшимча қалқишлиарни тұхтатиб, мувозапат сақлаб бориш учун қувват сарф қиласи. Демак, тұлқин қаршилиги деб, бутуп сув қаршилигининг тұлқин ҳосил қилиш ва уни евгіб ўтиш учун кетган қисмига айтилади. Энди, нима учун

сув остида сузуичининг тезлиги ортади, деганда сув остида тўлқин бўлмайди. Спорт мусобақаларида тажрибали сузуичилар бундан фойдаланиб, стартдан чиқишида ва бурилиб бўлгач, муайян масофага қадар сув остида сузадилар. Бассейнларда тортиб қўйилган маҳсус арқонлар тўлқинларни қисмангина ушлаб қолади. Шу сабабли чекка йўлаклардаги тўлқинлар бошқа йўлаклардагига қарагандай кўп ва зарбали бўлади.

Тўлқипларнинг катта-кичиклиги одатда гавда шаклига, унинг сувда қўноп ёки эпчиллик билан ҳаракат қилишига, оёқ ва қўллар ҳаракатининг амплитудасига, сузиш тезлигига ва бассейннинг эси билан чуқурлигига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳосил бўлаётган тўлқинларни камайтиришнинг иложи бор. Буниг учун сузуичи иложи борича гавдасини бир хил горизонтал ҳолатда тутиб бориши, қўлларини тезроқ сувга тушириши, оёқларини сувдан камроқ чиқариши ва иложи борича илдам сузиб бориши талаб этилади ва ҳ. к.

Кўтарувчи куч. Биз шу ергача горизонтал сузиш ҳақида гапириб келдик. Аслида биз биладиган горизонтал ҳолат сувда бўлмайди. Сузиб бораётган ҳар қандай одамнинг гавдаси сув бетига нисбатан бир оз бўлса-да, қия турди, елкалари билан боши оёқларига нисбатан юқорироқ бўлади ва ҳ. к. Шунда кўтарувчи куч деган куч юзага келади. Демак, кўтарувчи куч сузуичи сувда қия вазиятда ҳаракат қилиб боргандга вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, сувдаги эпг яхши ҳолат бу — горизонтал ҳолатга максимал даражада эришишdir (бурчак — 3—5°). Шунда зарур бўлган кўтариб турувчи гидродинамик куч ҳосил бўлади, горизонтал босимнинг кучи камаяди, ишқаланиш кучи максимал бўлади ва ҳ. к.

СПОРТЧА СУЗИШ УСУЛЛАРИ

32. Юқорида айтиб ўтилганлардан маълум бўлдики, ҳар қандай спортдаги сузиш техникаси маълум қоидага асосланган ҳаракат ва ҳолатлар мажмуасидан иборат экан. Бу ҳаракат ва ҳолатлар асосан бешта бўлиб, булар: 1) гавда ҳолати; 2) оёқлар ҳаракати; 3) қўллар ҳаракати 4) нафас; 5) ҳаракатларнинг умумий уйғунашувидан иборат. Ҳар қандай спортдаги сузиш усулларининг негизи деярли шуларга асосланади. Шулардан келиб чиқиб, бутун сузиш усулларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. 1. қўл ва оёқларни навбатма-навбат ҳаракатлантириб сузиш. Бунга: а) кўкракда кроль усулида сузиш ва

б) чалқапча кроль усулида сузиш киради; 2. құл ва оёкларни бир вақтда ҳаракатлантириб сузиш. Бунга: а) брасс усулида сузиш ва б) баттерфляй усулида сузиш (буни дельфинча сузиш ҳам дейилади) киради (дельфинларнинг сузишини күз олдингизга келтиринг). Ынбошлаб сузиш спортта ўз аҳамиятини йўқотган. У баъзи ўйинларда ва маҳсус талаб қўйилган пайтларда қўлланилади, холос. Энди буларга алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтамиш.

КЎҚРАНДА КРОЛЬ УСУЛИ

Тарихи. Ҳақиқий спортча сузиш таҳминан XIX аср охиридан бошлаб юзага келган. Ўнгача сузиш узоқ тарихии босиб ўтган бўлса ҳам, ҳалқаро мусобақа шартлари асосида муайян усулларда спортча сузиш шунга тўғри келади. У пайтларда треджен усули (қисқа масофада) ва брасс усули (узоқ масофада) оммалаштап бўлган. Треджен усулида сузувчи қўллари билан навбатма-навбат ҳаракатлар қўлган — худди кроль усулидагидек, аммо оёклари билан қайчидек ҳаракатлар қўлган, нафас олиш иҳтиёрий бўлган. Аммо асримизнинг бошларидан бошлаб ўша замонларда кенг тарқалган бу усул ўрнипи кўқракда кроль усулида сузиш эгаллай бошлади. 1904 йилги Сент-Луис (АҚШ)даги III Олимпиадада З. Халман (Венгрия) 50 ва 100 ярд масофаларга биринчи марта кўқракда кроль усулида сузиб олтин медалларни қўлга киритди. Шундан кейин бу усул янада оммалаша борди. Бир-бирига ўхшаш ҳар хил кўринишлари пайдо бўлди. Масалан, кейинги олимпиада ўйинида австралиялик сузувлilar кўқракда кроль усулида сузишнинг янги тури билан қатнашдилар ва кўпчилик спорчилар диққатини ўзларига тортилар. Чунончи, улар сувда бошларини баланд тутган ҳолда қўлларини тирандан букиб, қисқа-қисқа эшиш ҳаракатларини бажаар, оёкларини тизздан букиб, панжалари билан сувга қаттиқ депсиниб олга силжир эдилар. Чап оёқ билан депсингланларида ўнг қўл, ўнг оёқ билан депсингланларида чап қўл ҳавога чиқар эди. Бў ҳаракатларни улар мусобақанинг охирiga қадар бузмаганлар. Австралиялик спорчилар варианти спорчиларга, тренерларга ва томошибинларга жуда маъқул тушди. Бутун Европа ва Америка мамлакатларининг спорчилари орасида «Австралияликлар варианти» дегац ном машҳур бўлиб кетди. Аммо кўқракда кроль усулида сузиш ҳали ўз тако-

милига етмаган эди. Изланиш давом этаверди. Ниҳоят, 1912 йил Стокгольм (Швеция)да ўтказилган I Олимпиадада кроль усулининг янги вариантига асос солинди. Унинг асосчилари гаваялик Дик Каханомоку билад америкалик Жон Вейсмюллер бўлдилар. Шундан кейин «америкаликлар варианти» деган янги, кўп жиҳатдан ҳозирги кроль усулида сузиш варианти пайдо бўлди.

Шундай қилиб, кроль усули сузишнинг замонавий усулига айланди. Бу энг тезкор усул бўлиб, одатда, сузувчилик гавдаси горизонтал ҳолатга энг яқин келтирилади, қўллар навбати билан бош тепасидан сувдан чиқариб олдинга ташланади ва эшилади, юз пешонага қадар сувга ботиб туради, нафасни ёнга қараган пайтда олинади ва сувга чиқарилади. Бунда спортчини олга силжитиб борувчи кучи асосап қўлида бўлади.

Қўллар ҳаракатини батафсилоқ тасвирлайдиган бўлсак, бу қуйидагича бўлади: ўнг қўл, ўнг елка рўпарасидан сувга ботирилади ва шу пайтда қўл тирсакдан хиёл букилади; олдин бармоқларни ёзиб (кериб эмас) панжани, кейин билак ва ниҳоят елка сувга ботирилади. Сув тагида қўл олдинга узатилган бўлиши ва пастга қараб эшилиши, ярмисига келганда эса қўл ҳаракатини тезлатиш керак. Қўл билан сувни олдинга тортаётганда ҳаракатнинг ярмисига келганда қўл тирсакдан букилади ва биқин ёнида то сонгача сувни зўр бериб тортишда давом этилади.

Эшиш ҳаракатларини бажараётганда бармоқлар бирлаштирилиб сувни иложи борича кўпроқ олиш учун юза ҳовуч ҳосил қилинади. Шундай қилишганда сув қўллар учун таянч воситасини ўтайди ва одам гавдаси тезроқ илгарига сурилади.

Шуни унутмаслик керакки, сувдан биринчи бўлиб тирсак охирида панжа чиқади. Панжа тос ёнидан ёки сал пастроқдан — сон ёнида чиқиб келиши керак. Кейин тирсакдан қўлни эркингина букиб, олдинга қулоч ташланади. Худди шу пайтда қўлни эркин тутиш керакки, мушаклар пича дам олишга улгурсин. Қўл сувга киргач, худди сувни ҳовуч билан тутгандай, панжани пастга қаратиб сувни тортиш — эшиш лозим.

Эшаётган қўл вертикал ҳолатга келтирилганда иккичи қўлни сувга ботириб улгуриш учун тезроқ қулоч отиш керак. Шунда иккала қўл навбати билан сувни эшиб боради ва спортчи олдинга қараб илдам ҳаракат қиласди.

Спортчининг юзи бу усулда ҳамиша сув ичида бўлади.

Нафас фақат бошни ёнга бурган вақтда олинади ва нафасни оғиз бурун орқали сувга, охирини эса ёнга — ҳавогача — чиқарилади. Шуни унутмангки, нафас олишни бош қаёққа бурилган бўлса, шу томондаги қўл тирсаги вертикал ҳолатга келган вақтга тўғрилаш керак. Шунда қўл вертикал ҳолатдан ўтиши билан сузувлчи бошни буриб яна нафас олишга улгуради.

Кроль усулида сузилгаида, одатда, қўл билан иккни марта эшишга, оёқ билан эса олти марта ҳаракатланинга улгуриш керак. Мана шуни бир цикл дейилади. Ҳар бир циклда бир марта нафас олиб, бир марта нафас чиқарилади. Нафас чиқариш, нафас олишга қараганди чўзилиши, нафас чиқариш билан нафас олиш ўртасида тўхталиш бўлмаслиғи керак.

Оёқлар ҳаракати. Спорччи сузиг кетаётганида унинг оёқ ҳаракатларининг роли ҳам кўп нарсага боғлиқ. Одатда, спорччининг оёқлари муттасил қайчисимон ҳаракатларни бажариб бориши керак. Чунки оёқлар ҳаракати гавдани горизонтал ҳолатда барқарор ушлашга, тезликни қувватлаб боришга хизмат қиласди. Шу жиҳатдан улар ҳаракатларига ном берилган. Масалан, оёқларниң пастга ҳаракат қилиши ишчи ҳаракати (ёки эшиш ҳаракати), юқорига ҳаракати эса тайёрланиш ҳаракати дейилади. Уларнинг вазифалари ҳам ҳар хил. Чунончи, ишчи ҳаракатлар гавдани олга силжишига бир қадар хизмат қиласа, тайёрланиш ҳаракатлари гавданнинг силжишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Узоқдан сузувлчининг орқасига қараб турилса, унинг гавдаси гўё сувда ётибди-ю, ортида сув қайнамаси бўлаётгандай туюлади.

Ишчи ҳаракат пайтида оёқ-тизза ва болдири-панжа бўғимларидан ёзилиб, сон бўғимидаи букилиб боради. Шу аснода оёқ пастга ҳаракатланиб боради ва то оёқ тиэзадац тўла тўғри ҳолатга келгувича пастга тушади, сон эса болдири ва панжадан олдинроқ юқорига ҳаракатлана бошлайди. Оёқ тицца бўғимидаи батамом ёзилиб бўлгац, ишчи ҳаракат тугайди.

Тайёрланиш ҳаракати. Ҳозир айтиб ўтганимиздек, оёқ сув остида тицца бўғимидаи батамом тўғрилалиб олгац, (панжа ичкарига бурилган) у гавдага висбатан пастга эгик, яъни чапоқ-сон бўғимидаи букилган ҳолатни олади. Юқорига ҳаракат оёқни чаноқ-сон бўғимидаи ёзиш билан бошланади. Оёқ то горизонтал ҳолатга келгунига қадар ҳам тўғри туради, сал юқорига кўтарилидими, у тицца бўғимидаи букила бошлайди, болдири билан

панижа эса юқорига ҳаракатиниң дағом әттироверади. Шу пайтда оёқ чаноқ-сон бүгимидаң букила туриб пастга ҳаракат қиласы. Соң билан таңа бурчаги таҳмидан 170°, тиззә бүгимидағи бурчак 135° га етгасында оёқнинг пастдан юқорига бўлган ҳаракати тугайди ва павбатдаги ишчи ҳаракат бошланади, биз буни юқорида тасвирлаб ўтдик.

Энди иккала оёқнинг бир-бирига монаңд ҳаракатига келсак, бу — сузувлар спортын учун жуда муҳим. Демак, юқорида айтиб ўтганимиздек, тайёрланиш ҳаракати ўз чегарасига етиши билан у пастга ҳаракат қилиб ишчи ҳаракатини бошлайди, худди шу пайтда эса ўзпининг ишчи ҳаракатини тугатаётган иккиси оёқ юқорига ҳаракат қилиб, тайёрланиш ҳаракатига ўтади. Мана шу дам-бадам алмашиниб бажарилаётган оёқлар ҳаракати муттасил бир-бирига мос тушиб бориши ва ҳар доим гавданинг олға ҳаракатлапишга хизмат қилиши лозим.

Кўкракда кроль усулида сузишда бу усулиниг тарихига асос солган мамлакатимизниг қўргина сузувлар спортынлари қимматини ҳисса қўшишган.

ЧАЛҚАНЧА КРОЛЬ УСУЛИ

Тарихи. Чалқанча кроль усули ҳам анча қадимни спортча сузиш усууларидаңдир. Масалап, у олимпиада ўйинларп программасида дастлаб 1904 йили Сент—Луис (АҚШ)да бўлиб ўтган мусобақада киритилди. Бу III Олимпиадада фақат эркаклар қатнашган эди. 1924 йили Париж (Франция)да бўлиб ўтган Олимпиадада бошлаб, бундай мусобақаларда аёллар ҳам қатнашадиган бўлди. 1964 йили Токио (Япония)да бўлиб ўтган XVIII Олимпиадада эркакларнинг 100 м масофага сузиш программаси 200 м қилиб ўзгартирилди. 1968 йилги Мехико (Мексика)да бўлган XIX Олимпиадада маҳкур усулда сузиш бўйича икки хил масофа белгиланди. Яъни аёллар ҳам, эркаклар ҳам 100 ва 200 метрга мусобақалашадиган бўлдилар. Бу программага кейинчалик 50 метр масофа ҳам киритилди. Шундай қилиб, ҳозир чалқанча кроль усули бўйича 50, 100 ва 200 метр масофаларга сузиш программалаштирилган. Аммо бу усулда сузишнинг техникаси борган сари такомиллаштириб борилди. Масалан, 1973 йили жаҳон чемпионати бўлган, икки марта олимпиада чемпионлигини қўлга киритган АҚШлик М. Беллоунт ва қатор мусобақа совриндорлари: С. Этвуд (АҚШ), А. Дъярмат (Венгрия), Э. Бригита (Голландия)

ва бошқалар чалқанча кроль усулида сузиш мусобақаларида сузиш техникасига ўзларига хос элементларни қўшиб, ажойиб санъатларини намойиш этдилар. Масалан, улар қўл билан узлуксиз, чуқур эшишга, қўлни тирсандан $90-100^{\circ}$ гача букишга, елка оғишига, тана-ни горизонтал ҳолатда яқинроқ келтиришда анча ютуқларга эришдилар; бошлари сувда бир текисликда тургани ҳолда, оёқлари кичик амплитудада кетма-кет муњтазам ҳаракат қилдилар.

Шундай қилиб, сузишнинг бу усули бўйича олиб борилган қатор мусобақаларда спортчилар унинг такомиллашгаш замонавий техникасига эришдилар.

Чалқанча кроль усулида сузишга кўнгракда кроль усулида сузишга ўхшашдир. Бунинг ўзига хос кўзага ташлалиб турадиган томони одам сувда чалқанча ётиб ҳаракат қилади. Оёқлар билан қўллар тўхтовсиз наебатлашиб ҳаракат қилади, нафас олиш ҳам, чиқариш ҳам сувдан ташқарида бўлади, гавда горизонтал ҳолатга яқин туради (8° атрофида), энса сув ичида, юз сув сатҳида, энгак бўйинга хиёл тортилган бўлади.

Қўллар ҳаракати. Қўллар ҳаракати бу усулда одатда, иккى хил бўлиши мумкин, буни спортчининг ўзи ташлайди, аммо қўлни тўғри ташлаб эшиш, тортиш кучи камроқ бўлганилигидан самараси ҳам камроқ бўлади, бироқ осон бўлгали учун ҳам эпдигина ўрганаётган сузувишлар шу усулини қўллайдилар. Биз қўйида қўлни букиб эшиш ҳаракатига қисқача тўхталмоқчимиз.

Айтайлик, ўнг қўлни ҳавога тўғри чиқариб ташла-моқчимиш, бупда тирсанни елка бўгими рўпарасидан хиёл ташқарига чиқариб, гавда ўқига параллель қилинади. Шу пайтда тана шу қўл томонга сал бурилади, шунинг учун қўлни олдинга — пастга — четга ҳаракатлантирилади ва сўнг бир секунд ўтар-ўтмас қўл тирсандан букилиб, пашжа ҳаракатга перспендикуляр равишда сувни «ховчулаганча» итариради. Кейин қўл тирсандан япа ҳам букилиб (160° атрофида) пастга тушади, панжга эса тирсандан юқорида қолади. Қўл орқага ўтганида, яъни эшиш ўртасида елка билан билак оралиги 120° бурчак ҳосил қилади. Панжга сув сатҳига яқин ерда, тирсан упдан пастда ҳаракатини давом эттиради. Шу тариқа қўл ҳаракатлари давом этиб, панжга сонга яқинлашгапида эшишнинг асосий қисми тугайди. Эшиш қашча тез ва кучли бажарилса, унинг самараси шунча яхши бўлади. Шу билан бирга у танани 30° атрофида буришга имкон беради.

Демак, құл панжаси сонға етгач, құл бироз бүшалайди ва ё вертикал равишида ёки $15-20^{\circ}$ атрофида ташвақтида у ташқарига яна ҳам бурилади.

Шундай қилиб, үнг құл олдинда таяңч вазифасиниң чиқади ва юқорига күтариб олдинга ташланған дамда сопниңг ёңгинасидан сувдан чиқаётганида, чап құл таяңч чиқиб юқорига күтарилади ва сувга ташланған дамда чап құл асосий вазифаси бажаради. Үнг құл вазифасини тугаллаётган бўлади. Сўнг үнг құл сувдан чиқади сувдан чиқаётганида, чап құл таяңч чиқиб юқорига күтарилади ва сувга ташланған дамда чап құл асосий вазифаси бажаради. Бунда чап құл сонниңг ёңгинасида сувдан чиқади, үнг құл олдинда сувчида таяңч вазифасини бажараётган бўлади. Шу билан бир цикл тугайди.

Бу ўринда шунчага ҳаракат қилиш керакки, құл сувдан күтарилганда иложи борича уни сувга тез тушишининг чорасини кўриш керак. Бу бир маромда тез ҳаракат қилишниңг мезонидир.

Нафас ҳаракатлари чалқанча кроль усулида сузишда сув юзида бажарилади. Шунинг учун нафас олиш нафас чиқаришни мунтазам равишида бир маромда бажариш керак. Масалан, құл сувдан чиқариб юқорига күтарилигани пайтда нафас олинса, сувга тушганида нафас чиқарилади. Шунга қаттиқ риоя қилилпса, қўллар ҳаракати нафас ҳаракати билан монанд келиб, бири — иккинчисини қўллаб туради.

Оёқлар ҳаракати худди кўкракда кроль усулида сузгандагидек бажарилади, яъни иккала оёқ навбатма-навбат қайчи сингари ҳаракат қилдириллади — бири пастга тушганида иккичиси юқорига чиқади ва шу билан улар ташаниңг горизонтал ҳолатда олга сари ҳаракатланишига ёрдам беради.

Кўкракда кроль усулида сузгана оёқнинг юқорига жўтарилишини — тайёрланиш, пастга — сувга тушишини ишчи (ёки эшиш) ҳаракати дейилган бўлса, чалқанча кроль усулида сузишда аксинча — оёқнинг юқорига кўтарилиши ишчи (ёки эшиш) ҳаракати, пастга — сувга тушиши тайёрланиш ҳаракати дейиллади.

Тайёрланиш ҳаракатида оёқ сувга тушар экан, чаноқсон бўгимидаи ёзилади ва горизонтал ҳолатга келиб пастга томон ҳаракатини давом эттиради ва сал ўтар-ўтмас у тахминан 170° атрофида чаноқ-сон бўгимидаи (орқага) букила бориши керак. Кейин шу оёқ тиззадан

букила бошлайди, болдири билан пашка эса ҳамон пастга ҳаракат қиласы, соң чапоқ-соң бүгимиде ёзилиб, юқорига ҳаракат қиласы бошлайди. Соң билан тана ўртасидаги буким 135° бурчак атрофида бўлгавда тайёрланиш ҳаракати туғаб, ишчи ҳаракати бошланади.

Ишчи (ёки эшиш) ҳаракатида обёк тиззадап ва болдирпапжа бўгимидан ёзила бориб, чапоқ-соң бўгимидан букила бошлайди. Шу дамда пашка, болдири ва соң юқорига кўтарила боради. Тизза сув юзасига чиққанида болдири билан пашка ҳам юқорига кўтарилишда давом этади. Соң эса пастга томон ҳаракатини бошлайди. Шунда обёк тиззадап тез букилиб, пашка билан суввни юқорига — орқага тепилади. Натижада, иш бажарилади — сузувлчи бир қадар бўлса ҳам, олга силжийди. Шу билан ишчи ҳаракат туғаб, тайёрланиш ҳаракатига ўтади ва ҳ. к.

Шундай қилиб, ўнг обёк юқорига ҳаракат олганида чап обёк пастга ҳаракат бошлайди ва булар ҳаракати қаичалик уйғуш бўлса, шуичалик спортчи олга сплишига ёрдам беради. Бу усулда ҳам сузувлчи олдингга тез силжиб боргани сари обёқлар ҳаракатиниң амплитудаси кичрайиб боради, аммо обёқлар анча чуқур тушиб бориши мумкин ва ҳ. к. Умуман олганда, бир циклда икки марта қўйл ҳаракати, олти марта обёк ҳаракати, бир марта пафас олиш ва пафас чиқариш тўғри келиши керак.

Чалинча кроль усулида сузиша мамлакатпмзниңг спортчи сузувлчилари айниқса, кейинги йилларда салмоқли ютуқларга эришилар, К. Алёшина (Ленинград), В. Соловьев (Москва), В. Лопатин (Москва), Г. Кувадин (Ленинград), В. Мазапов (Москва), Ю. Громак (Львов), Л. Барбиера (Киев), Т. Леквиешвили (Тбилиси), Надежда Ставко (Днепропетровск), И. Омельченко (Батуми), С. Машковцев (Ленинград), Е. Белковский Б. Аксенов (Горький), И. Потякин, Л. Добросокин ва ҳозирги кундаги сузувлчиларимиз В. Долгов, О. Гавриленко, В. Кузнецов, В. Щеметов, И. Полянский, С. Заболотнов, қизлардан Л. Горчакова, Е. Круглова, И. Орлюк, И. Шибаева ва бошқалар шулар жумласидандир.

ДЕЛЬФИНЧА СУЗИШ

Тарихи. Дельфинича сузиш ёки баттерфляй усулида сузиш брассе усулида сузишининг бир тури сифатида майдонга келди. Унинг спортча сузиш тури ўрида ривожланишиб, такомиллашиб боришида кўпгина спортчилар салмоқли ҳисса қўшидилар. Масалан, 1938 йили Б. Бой-

чепко 100 метрга, 1941 йили 200 метрга сузиш бўйича олиб борилган мусобақаларда ўша давринг жаҳон ре-кордчиси бўлди. Аммо бу пайтларда сузишнинг бу усули ҳали мустақил спорт тури деб тан олинмаган эди. Фақат 1953 йили ФИНА махсус қарор қабул қилиб, сузишнинг бу дельфинча усулини сузиш спортининг мустақил тури эканлигини расмий хабар қилди. Шундан кейин олимпиада ўйинларида бу усульда беллашувга аёллар учун 100 метр, эркаклар учун 200 метрли программа ки-ритилди. 1968 йилдаги Мехико (Мексика)да бўлган XIX Олимпиадада лна иккита программа: аёллар учун 200 метр, эркаклар учун 100 метрли масофада мусобақалашшип қўшилди. Шу йўсинда сузишнинг бу усули ривож-ланиб борди, уни бажариш техникаси эса такомиллаша-веради. Натижада 1972 йилги Мюнхен (ГФР)да, 1976 йилги Монреаль (Канада)да ўтказилган XX ва XXI Олимпиада ўйинларида икки зарбли техника усули амалий жиҳатдан энг афзал усул деб тан олиниди. Бунда қўллар ёрдамида қаттиқ зарб билан эшиш, эшиш вақтида тирсакларни юқори тутиш, ўртача амплитудада гав-да билан тўлқинсимон ҳаракат қилиб бориш, икки зарбли дельфинча сузиш усулиниңг энг зарур элементлари сифатида маъқуллашди.

Дельфинча сузиш усули иккала қўл ва иккала оёқ билан бир вақтда, симметрик равишда бажарилган та-нанинг тўлқинсимон ҳаракатлари мажмуасини ўз пичга олади. Унинг айрим ҳаракат элеменлари борки, булар кўкракда кроль усулида сузишдагига ўхшаш бажариллади, тезлиги жиҳатидан ундан кейинги, яъни иккичи ўриппа туради. Биз қўйида икки зарбли дельфинча су-зиш усулиниң техникаси хусусида тўхтalamиз. Бунда ҳар бир цикл бир марта қўллар билан ҳаракатлапб, икки марта оёқлар билан зарб бериш ва бир марта на-фас олиб, бир марта нафас чиқариш билан тугайди. Сузувчининг гавдаси сув юзида қўл–оёқлари узатилган, боши юзни сувга ботирган ҳолатда бўлади.

Қўллар ҳаракати. Айтайлик, қўллар билан сув усти-да қиливаётган ҳаракат тугади, энди тўғри узатилган қўлларни елка кенглигига олдин панжа, кейин билак ва елка сувга ботирилади. Сувга ботган тўғри ҳолатдаги қўллар олдинга ва пастга ҳаракат бошлайди. Буни су-зиш техникасида қўлни сувга ботириш ва сузиш босқи-чи дейилади. Бу босқичдан койин эшишнинг таянч қисми бошлапади. Бунда қўллар тирсак ва билак-панжа бўғимларидан букила бошлайди ва пастга ҳаракатини-

давом эттиради, панжалар сузувчи ҳаракатланыётган томонга перпендикуляр ҳолда яқинлашади. Сув сатхи билан құллар оралғыдаги бурчак 30° га етганида бу босқыч тугайди. Энди эшишнинг асосий қисми бошланади: құллар ҳозир айтганимиздек, пастга ва орқага ҳаракатланы бориб, тирсак букимидай букилишда давом этади ва тахминан 125° га етгавда тортиш кучи энг чүққисига чиқади, панжалар эса вертикаль ҳолатта келиб ҳаракативи давом эттиради. Құлларни сувдан чиқариш осон бўлиши учун эшишнинг асосий қисмини тугатиш олдида панжаларни орқага ва бироз тепадан четроққа олиш лозим.

Құллар сувдан олишда иавбат билан елкаларга, сўнг билаклар ва панжаларга келади. Бунда құллар тирсан бўғимидан хиёл букилади. Кейин құлларни сув устидаги ҳаракати бошланади. Бунда иккала қўл деярли чўэзилган ҳолатда, зўриқмай, аммо тезлик билан ҳаракатланиши лозим. Панжалар кафт юзаси билан сув томонга қаратилади ва фақат сувга кириш олдида билак билан бирга пастга йўналтирилади. Шу билан дельфинча сузишнинг бир цикли тугайди.

Нафас олиш ва чиқариш. Маълумки, құллар билан эшишнинг асосий қисми бажарилаётган вақтда елка камари энг юқори чўққига кўтарилиган пайт бўлади, бош сувдан чиқади ва нафас олинади. Бу вақтда құлларни сув сатҳидан кўтариб ишлашнинг биринчи ярми тугайди. Кейин бош суяги юз томон билан туша бошлайди, құллар сув сатҳидан кўтариб тушиши тугайди. Сал ўтмай нафас чиқарилади.

Оёқлар ҳаракати. Дельфинча сузишнинг ўзиға хос томони оёқларниң бир вақтда юқоридан пастга ва пастдан юқорига тўхтовсиз ҳаракат қилиши ва тананинг фаол иштирок этишидир.

Тайёрлапиш ҳаракати оёқларни пайдан юқорига ҳаракатлантириш билап бошлапади. Бунинг учун: оёқлар энг пастки нуқтага туширилган, тиззадан хиёл букилган, панжа ичкарига қараган бўлиши керак. Чаноқ-сон бўғими танага писбатан тахминан 155° бурчак остида букилган (сон-қории бурчаги). Тана устки қисмигача сувга ботиб туради. Ҳаракат оёқларни чўзиб юбориб, чаноқ-сон бўғимидан ёзган ҳолда белни хиёл букишдал бошланаади. Оёқлар то горизонтал ҳолатга келгувича тўғри узатган вазиятда юқорига ҳаракатланади, сўнг тизза бўғимида тахминан 130° бурчак остида букилади. Бу пайтда панжапи, ичкарига қаратилади, тиззалар эса

бир-биридан 15—20 см атрофида ажралып туради. Шупдан кейин ишчи ҳаракат бошланади — юқоридан пастга, яъни оёқларни тизза ва болдирип-паижка бўғимларидан ёза бошланади ва шу пайтнинг ўзида чаноқ-сон бўғимидан ҳамда белдан юқорига букишга ўтилади. Сўнг болдирип-паижалар зудлик билан пастга ҳаракат қиласди, бел ва чаноқ сув юзига яқинлаша бошлидай. Іачонки, оёқлар тизза бўғимидан бутувлай ёзиб юборилганда ишчи ҳаракат тугаган ҳисобланади.

Ҳар қандай спортча сузишда ҳаракатларнинг бир-бирига уйғунлашпуви, монанд келиши шарт бўлганидек, дельфинча сузиш усулида ҳам оёқ-қўллар ҳаракати ва уларга монанд тана ҳаракати масофанинг охиригача бир-бирига мос келиши, бир-бирини қувватлаб бориши шарт. Бунинг учун қўллар олдинга чўзилиб суза бошлаганда бош сувга ботиб туриши, оёқлар юқоридан пастга биришиб зарб билан депсиниши ва бу қўллар сузишини тамомлаётганди тугалланиши керак. Сўнг қўллар эшишининг таянч қисми билан асосий қисменинг учдан бприни бажараётганида энг юқори ҳолатни олиши лозим. Қўллар эшиши асосий қисменинг қолган учдан икки қисмни бажараётганида оёқлар билан иккичи зарб берилади. Қўллар чаноқ рўпарасидан ўтаётган пайтда эса оёқлар билан зарб бериш тугалланади. Қўллар сувдан кўтарилиб, сув устидан ўтаётган ва оёқлар сувга кираётган пайтда иккичи марта энг юқори ҳолатга ўтилади. Шу билан бир цикл тугаган бўлади (1 мин да 54—64 цикл бажариш мумкин). Мана, нима учун дельфинча сузишининг бу усулини икки зарбли дельфинча сузиш дейилалиг. Бунда қўллар билан зўр бериб эшиш уларни тирсак бўғимидан чаққонлик билан букиш, ёзиш ва буришлар билан амалга оширилади. Буларнинг ҳаммаси қўллар, елка камари ва тана мушаклари ёрдамида бажарилади. Сувни зарб билан панжалар ёрдамида тепиш, қўллар ёрдамида сувни орқага итариш билан гавдани олдинга итқитиш, ниҳоятда бир-бирига монанд тушиши керак.

БРАСС УСУЛИ

Тарихи. Брасс усулида сузиш чиндан ҳам энг қадимийдир. У шунинг учун ҳам қадимийки, одам сувга у ёхуд бу сабабларга кўра тушар экан, албатта, брасс усулида сузишининг қашдайдир элементларини бажаради, элдигина сувга тушган одам ҳам, сузишни ўрганишни мақсад қилиб олган бола ҳам шартли разишда брассдаги

ҳаракат элементлариниң бажаради. Бундай сабаби мазкур сузиш усулиштагы оддийлигидар, уннан ҳаётта яңишиллигидар. Ҳатто ерда ўтирадиган бола айрим вақтларда оёқларини иккى ёнита букиб брасс ҳолатини олади. Бекиз эмаски, спорт мутахассислари брасс усулини түгма сузиштеги усули дейишади.

Брасс усулида сузиш спортта XVI—XVII асрларда Европада көп тарқалған эди. Ҳатто немис ўқитувчысы Николай Вицема сузиш спортига оид асари («Водолаз») да брасс усулини баён қылар экап, уни қурбақаштагы сузиштагы ўшшатади. Инглизлар бу усулини «күкракда сузиш» деб таърифлагандар. Француздар эса брассча сузиш деб помлагандар. Кейинчалик сузиштеги бу усули фақат спорт мусобақаларыда эмас, балки ҳарбий машық сиғаттада ҳам көп ёйилади ва бора-бора құшилларда уни ўргатиш; махсус тайёргарликдан ўтиш каби жаңговар машқулар қаторидан ўрин олади.

Брасс усули қанчалик көп тарқалған бўлиштаги қарамай, у олимпиада ўйинларидаги мусобақаларга кўп вақтгача киритилмай келди. Фақат 1908 йили Лондонда бўлиб ўтган IV Олимпиадада мустақил спорт тури сиғаттада ўйинга киритилди.

Маълумки, брасс усулида сузиштагы тезлиги паст бўлган. Ҳозир ҳам нисбатан шундай. Ўша пайтларда немис сузувчиси Радемахер тезликни ошириш учун бурилиш ва филиш олдида қўлларни ҳарода кўтариб «учиш» ҳаракатларини қўшди. 1928 йили Амстердам (Голландия) да бўлиб ўтган мусобақаларга Филиппинлик Т. Ильдефонсо сув остида сонгача сувни эшиш ҳаракатларини киритди. 1956 йилдаги Мельбурн (Австралия) да бўлган XVI Олимпиада ўйинида совет сузувчи спортчиги X. Юничев 200 метрлик масофага сузишда «Шўнгигиб брасс» усулини қўллаб тезликни яна ҳам оширишга муяссар бўлди. Аммо кейинчалик сувга шўнгигиб брассча сузиш ман қилинди.

Ииллар ўтиб брасс усулида сузиштагы техникаси такомиллашиб бораверди. Бир қатор элементлар янгиланди, қўшилди. Масалан, урушдан кейин голландиянлик тренер М. Браун ўз шогирди А. Хаан билан бирга изланишда бўлиб, ўзига хос янгилик киритди. Улар бошни сувдан кўтартмаган ҳолда қўллар билан эшиб, оёқлар сувни депсилайтган вақтда пайжалар ёрдамица сувни ўзига тортиш ва шу пайтда бошни кўтариб пафас олишина қўлладилар.

Хуллас, брасс усулида сузиш анта такомиллаштирил-

ди. Бу усулиниң ҳәётда амалий аҳамияти ҳам күттадыр. Масалаң, чўқаётгапларни қутқаришда, нарсаларни олиб ўтишда, зарурдат тақоюз қилганида кийим-бош билан сувга тушиб сузишда бу усул жуда қўл келади. Чунки асосий итариш кучи оёқ билан бажарилади, қўллар эса бирор бошқа ишни бажариши, яъни, масалан, чўқаётган одамни ушлаб сузиш мумкин.

Қўллар ҳаракати. Дастреб қўллар чўзилади ва пашжалар ёни билан бирлаштирилади, кафтлар пастга қараган бўлади. Сўнг қўллар пастга ва икки ён томонга керилиб ҳаракат қилади. Шу вақтниң ўзида кафтлар ташқарига қаратилади ва сувувчи ҳаракатига перпендикуляр қилиб сувни торта бошлайди. Қўллар билан сув сатҳи оралиғидаги бурчак тахмипан $15-20^{\circ}$ га етганида ишчи ҳаракат ёнг самарали ҳолатга келган бўлади. Яъни қўллар тирсак бўғимидан хиёл букилиб орқага — пастга ва ён томонга ҳаракат қиларкан, зарб билан сувни пашжалар ёрдамида орқага птаради. Бунда уларниң охирги ҳаракат шуктаси қўллар вертикал ҳолатга етган пайти бўлади. Шу билан ишчи ҳаракат ҳам тугайди. Энди тайёрланиш ҳаракати бошлапади. Бунда кафтлар тана томонга, яъни ичкарига бурилар экан, шу билан бир вақтда қўллар тирсак бўғимидан тахмипан $95-100^{\circ}$ га букилади. Кейин улар букилишда давом этиб тирсак пастга тушади, пашжалар эса юқорига кўтарилиб, улар билан бир чизикқа стади ва олдинга чўзилиб кўкрак остига келади. Шупдан кейин кафтлар олдинга-орқага, юқорига ҳаракатланиб, қўллар тирсакдан ёзиб юборилади ва дастребки ҳолатга — ишчи ҳаракатига тайёргарлик кўради. Шу билан тайёрланиш ҳаракати ҳам тугайди, яъни қўллар бир ҳаракат циклини бажарган бўлади.

Нафас олиш. Сузувчи спортчи нафас олиш учун дастлаб елка камарини юқорига кўтариши керак. Бу ҳолат қўллар билан ёпишин тугатиш пайтига тўғри келади. Худди шупда у оғиз очиб нафас олади. Кейин юзни сувга ботириб бир оздап кейин оғиз-буруудан нафас чиқаради.

Нафас олиш ва чиқариш мусобақа охирига қадар бир маромда, шу зайлда давом этиши лошим.

Оёқлар ҳаракати. Дастребки ҳолатда оёқлар узатиб юборилган, бир-бирига бирлаштирилган, оёқлар учун ҳам чўзилган бўлади. Ҳаракат бошланиши билан иккала оёқ тиззадан ва чашоқ-сон бўғимларида букилади. Шу пайтиң ўзида оёқлар тиззадан икки ён томонга елка кенглигига керилади ва сал пастга туширилади, оёқлар паш-

жасы эса (кафти) сув сатхига етар-етмас вазиятда таңага томоң ҳаракатланади ва ташқарига бурилади. Шу ҳаракат охирги нүктасига етганида тайёрланиш ҳаракати тугайди. Бунда сон билан тана оралығидаги бурчак тахминаи 125° атрофида, соп билан болдир бурчаги $45-50^{\circ}$ атрофида бўлади. Бир сўз билан айтганда, тиззалар сув сатхига перпендикуляр ҳолатга келган бўлади. Уни жуда тез бажариш керак. Акс ҳолда унинг сузуви ҳаракатига қаршилиги ишаҳам ортиб кетади.

Ишчи ҳаракат оёқларини бирин-кетин — чапоқ-сон бўғимидан, тиззадан орізага — ёнга ва сал пастга томон зарб билан ёзишдан бошланади. Бунда эшиш ҳаракатини ва бор кучни панжалар билан болдириларга бериш керак. Оёқлар узатилиб, панжалар учи чўзиб юборилганида ишчи ҳаракат тугаб, тайёрланиш ҳаракатига ўтилади ва ҳ. к.

Брасс усулида ҳам худди бошқа сузиш турларидек ҳаракатлариниг уйғуплашуви жуда муҳим омил ҳисобланади. Масалан, дастлабки босқичда, яъни қўллар билан оёқлар узатилган, бир-бирига биринкитирилган пайтда ишчи ҳаракатини қўллар бажаради, оёқлар узатилганича ва бўшашгароқ ҳолатда туради. Қўллар кўкракка келтирилган пайтда оёқлар йигилади, қўллар олдингэ чўзилганда оёқлар зарб билан сувни тепади ва гавда олға силишиб кетади. Шундан кейин цикл қайта тақрорланади.

Ҳозирги вақтда брасс усулида 100 ва 200 метр масофага сузиш бўйича мусобақалар ўтказилади. Комплекс сузишларда 200—400 метрга сузилади. Мазкур сузиш усулини ривожлантириш, такомиллаштириш ва юқори кўрсаткичларга эришишда қўйидаги спортчи сузувларининг номлари дуйёга тапилган: С. Еойчеко (Москва), Л. Мешков (Ленинград), В. Минашкин (Ленинград), М. Соколова (Москва) Л. Колесников (Москва), Г. Прозуменышкова (Севастополь), Г. Прокопенко (Львов), Светлана Бабаина (Тошкент), И. Позднякова (Москва), В. Косинский (Воркута), Н. Панкин (Москва), Х. Юнчев (РФ), М. Хрюкин (Воронеж), Любовь Русанова (Краснодар), М. Гавриш-Фирсова (Киев), И. Засседа (Киев), А. Туткаев (Тбилиси), Л. Порубайко (Краснодар), И. Фетисова (Ленинград), Марина Юрчеко (Одесса), Эви Уусмесс (Таллин), В. Волков (Москва), Э. Климентьев (Минск), Д. Кузьмин (Москва), Е. Волкова (Ленинград), С. Кузьмина (Куйбышев), Ю. Кис (Олмаста) Р. Жулпа (Литва), А. Качю-

шите, Э. Василькова, С. Варгашова, С. Алимбасева (Москва), А. Бузелите (Вильнюс), Л. Белохонь (Тошкент), Е. Вавилова (Тошкент).

ЕНБОШЛАБ СУЗИШ

Енбошлаб сузиш номидан ҳам тушуциб турибмизки, чалқаңча ётиб эмас, күкрак билән ҳам ётиб эмас, балки ёнга ётиб сузишдир. Бу сузиш усулининг амалий аҳамияти шундаки, бир қўйл исталган вақтда бўш бўлиши, бирор нарса — буюмни ушлай олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёнбошлаб сузиш усулини ҳарбий хизматчиларга ўргатиш улар фаолиятида жуда қўйл келади. Масалан, сув тегиши мумкин бўлмаган асбоб-ускуналар, қуроласлаҳалар, ўқ-дориларни дарёниг бир соҳилидан иккичисига олиб ўтишда худди шу сузиш усули қўлланилади. Ҳатто, болалар ҳам чўмилаётгапларида кийимларини бир қўлларида тутиб, ёнбошлаб сувгани ҳолда сувниг бу бетидан у бетига олиб ўтадилар. Биз мазкур усулда сузишни таърифлаганимизда бир қўллаб сузишни эмас, балки икки қўллаб сузишни ва бунда оёқлар ҳаракатни, нафас олишни ўргатишни лозим топдик.

Қўллар ҳаракати. Енбошлаб сузишда қўллар ҳаракати ҳеч қачон бир-бирига мос келмайди — бири бир хил ҳаракат қилганида иккиси иккинчи хил ҳаракатни бажаради. Шу сабабли ҳам бунда бир қўйл тайёрланиш ҳаракатини бошлагандан, иккинчи қўйл ишчи ҳаракатни бошлайди ва ҳ. к.

Юқоридаги қўллинг тайёрланиш ҳаракатини тасвирлайдиган бўлсак, бунда унинг дастлабки ҳолати сувда, яъни танадан сонгача узатилган ҳолатда бўлади. Тайёрланиш ҳаракати эса қуйидагича кечади: сувдан олдин елка, билак ва кейин панжа тирсакдан букилган ҳолда чиқади. Сўнг қўйл тирсакдан ёзилган ҳолда олдин панжа, кейин билак ёлкадан ошиб ўтаркан, тўғриланади ва олдинга иложи борича узатилади. Шундай узатиладики, бутун панжа учи, билак, елка камари тана билан оёқларининг горизонтал ҳолатига тўшпа-тўғри бўлиб қолади. Шундан кейин шу қўйл сувга ботиб бораракан, тирсакдан сал букилади. Қўйл ҳолати билан сув сатҳи оралиғида тахминан 45° бурчак ҳосил бўлганида тайёрланиш ҳаракати тугайди.

Юқоридаги қўллинг ишчи ҳаракати бошланиш олдида ҳозир айтиб ўтганимиздек, қўйл танага нисбатап перпендикуляр ҳолатда турган бўлади. Энди у тана бўйлаб

олдиндан орқага ҳаракат қилиб иш бажариши, яъни эшиш ҳаракатига ўтиши лозим. Эшишнинг биринчи ярмидаёт тирсак бурчаги сал ёзилиб тахминан 90° атрофида бўлади. Сонга яқинлапиб қолганида эса у тамомай ёзилиб тўғриланиб олади. Бинобарин, қўл чаноқ ёнида ўтаётганида бу босқич ҳам тугайди, демак, эшиш ҳаракати — иш бажариш охирига етади. Эпди у тайёрланиш ҳаракатига кўчади ва ҳ. к.

Пастки қўлнинг ишчи ҳаракатида ушилг дастлабки ҳолати сув остида тўғри узатилган вазиятда, кафт эшишга тайёрланётгандай пастга қараган бўлади. У ҳаракатни, одатда, пастга-орқага эшиш билан бошлайди. Қўл пастга ҳаракат бошлаганида тирсакдан сал букилади. Ишчи ҳаракатнинг ўрталарига етгапида тирсак бурчаги тахминан 100° атрофида бўлади. Қўл ёй ҳосил қилиб бўлганида унинг ишчи ҳаракати тугаган бўлади.

Пастки қўлнинг тайёрланиш ҳаракатини мутахассислар одатда икки қисмга бўладилар: қўлнинг танага томон ҳаракати ва олдинга томон ҳаракати. Қўл танага томон ҳаракати бошланганида у тирсак бўғимидан букилади, елка танага олиб келинади. Қўл тирсакдан тахминан 40° атрофида букилиб, кафт танага қараган пайтда пастки қўлнинг тайёрланиш ҳаракатининг биринчи қисми тугайди. Кейин қўл ёзиларкан, олдинга узатилади ва кафт пастга қаратилади. Шу билан унинг иккинчи қисми ҳам тугайди.

Нафас олиши. Сузишнинг бу усулида нафас олиш ва чиқариш ҳам ўзига хос тарзда кечади. Масалан, сузувчи юқоридаги қўл билан эшиш ҳаракатини тугаллаш олдида бошини сувдан чиқиб турган елкасига қаратади, қўли сувдан чиқиб ҳаракатининг биринчи ярмига келганида нафас олади. Кейин сузувчи юзини сувга ботириб нафас чиқаради ва ҳ. к. Кейинги нафас олиш ва чиқаришлар шу тариқа давом этиб бораверади.

Оёқлар ҳаракати. Бунда ҳам сузувчи тайёрланиш ва ишчи ҳаракатларни бажаради.

Юқоридаги оёқнинг тайёрланиш ҳаракатида унинг дастлабки ҳолати тана узулигини давом эттирганча тўғри туради. Ҳаракатини бошлаганида тизза ва чаноқсон бўғимларидан букиб олдинга томон ҳаракат олади. Тана билан зон, сон билан болдир оралиғидаги бурчаклар 110 — 120° га етганида, панжалар юқори болдир томонга қаттиқ тортилганида тайёрланиш ҳаракати тугайди.

Юқоридаги оёқнинг ишчи ҳаракати тайёрланиш ҳара-

кати тугаган вақтдан бошланади. Яъни оёқ бутун бўғимларидан қаттиқ ва тез ҳаракат билан ёзилади. Панжа эса оёқ ёзилиш охирида олдинга букилиб (олдинги ҳолатидан ёзилиб), сувни зарб билан итаради ва дастлабки ҳолатини олади. Шу пайтда сирғаниш юз беради.

Пастки оёқнинг тайёрланиш ҳаракатида унинг дастлабки ҳолати юқори оёқниги ўхшаб туради, яъни улар бир-бирига бирекиб параллел туради. Ҳаракат бошланганида учала бўғимидан букилиб орқага ҳаракат олади. Шунинг учун чаноқ-сон бўғимидағи букилиш бурчаги жуда кам бўлади. Ҳаракат давом этиб бориб, соннинг орқага букилиб бориши тахминан $165-175^{\circ}$ га, сон билан болдир орасидаги бурчак $85-90^{\circ}$ га етганида тайёрланиш ҳаракати тугайди. Оёқ шу пайтда эиг охирги эркин нуқтасига этиб келган, ғанжа эса хиёл ички томонга бурилган ҳолда ёзилган бўлади.

Пастки оёқнинг ишчи ҳаракати ҳозир айтиб ўтган тайёрланиш ҳаракати тугаган вақтдан бошланади. Яъни оёқ чаноқ-сон ва тизза бўғимидан қаттиқ куч билан тез ёзилади, панжа усти билан сувни орқага зарб билан итаради. Шундай ҳаракатида пастки оёқ ёй ҳосил қилиб ҳаракатланган бўлади. Тана олға сирғанади.

Ҳаракатларниң умумий уйгунашуви. Ёнбошлаб суннинг тарапини дастлабки ҳолати ёнлама чўзилган вазиятда бўлади. Бунда оёқлар бўй баравар узатилган, бир-бирига биректирилган, пастки қўл олдинга чўзилган, юқоридаги қўл орқага — юқоридаги оёқнинг сон қисми ёнида бўлади. Пастки қўл ишчи ҳаракат бошлаганида юқоридаги қўл тайёрланиш ҳаракатини бажаради. Бундай ҳаракатлар ўртасида тана бироз кўякракка бурилади, оёқлар эса вазиятини ўзгартирумай, эркин туради. Юқоридаги қўл сувга тушганида, пастки қўл юқорида айтиб ўтганимиздек, тайёрланиш ҳаракатининг биринчи қисмини бажаради, оёқлар эса бу пайтда тайёрланиш ҳаракатига ўтади. Шундан кейин юқоридаги қўл оёқларнинг ишчи ҳаракатига, пастки қўлнинг олдинга чўзилишига мос равишда ўзининг ишчи ҳаракатини бажаради. Шу пайтда тана дастлабки ҳолатга қайтади, гавда эса олдинга сирғанади. Шу билан жами ҳаракатларниң бир цикли тугайди.

СТАРТЛАР

Старт олиш умуман сузиш мусобақаларида катта аҳамиятга эга. Бунинг учун амалда 0,5 секунддан 1,0 секундгача вақт кетади. Спортчиларниң муваффақияти

кўп жиҳатдан стартни тўғри олишга боғлиқ. Техника жиҳатидан тўғри бажарилган старт сузувлчига ўз гавдасини қулай ҳолатда сақлаш ва масофа бошида зарур бўйтган теазликка эришишга имкон беради.

Одатда, стартнинг икки туридан фойдаланилади,

1) Супача (тумбочка)дан старт олиш. Бу сузишининг ҳамма усулларида қўлланилади.

2) Сувда туриб, бассейн деворидан дейсишиб, старт олиш. Бу аксарият чалқанча ётиб сузишда қўлланилади.

Старт олиш техникасини яхши тушуниш ва эгаллаш учун уни шартли равишда алоҳида элементларга бўлиб ўрганиш зарур. Масалан, дастлабки ҳолат, тайёрланиш ҳаракати ва депсииниш, ҳавода учиш, сувга кириш ва сувда спрениш, сув юзига қаълқиб чиқиш ҳамда сузишига ўтиш. Энди уларга алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Супачадан сакраб старт олиш. Дастлабки ҳолат етарли даражада қулай ва тез сакраш учун зарур бўлган вазиятни эгаллашдан иборат. Бу қўйидагиларга боғлиқ: оёқ бўгимларида букилиш даражасига, гавданинг эгилиши ва қўллар ҳолатининг тафовутига: орқага, ёнга ёки олдга-пастга узатиш.

Одатда, дастлабки ҳолат кўпроқ спортчиларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Энг қулайи бу — товоналарнинг бир-биридан 15—20 см оралиқда параллел жойлашиши ва наижалар билан супачанинг олдинги четидан қисиб туришдир. Оёқлар тизза бўғимида тахминан 130—160° бурчак ҳосил қилиб букилади, Сои билан ташанинг олдинги юзаси оралигидаги бурчак 40—60°га етгуяча гавда олдинга эгилади (букилади), қўллар орқага-ёнга йўналтирилади-да, кафт орқага — юқорига қаратилган бўлади. Сузувчининг оғирлик маркази старт олиш супачасининг олдинги четига тўғри келиши керак. Шунда команда берилган заҳоти, тайёргарлик ҳаракатини ва депсиинишни бажариш қулай бўлади.

Тайёргарлик ҳаракати ва депсииниш. Старт берувчилик командаси (отилган ўқ, сирена товуши)дан сўнг сузувлчига ўша заҳоти теазлик билан депсииниш керак. Бунинг учун олдин гавдани олдинга ташлаб, мувозанатдан чиқилади, оёқ учига (панжаларда) кўтарилади, қўллар орқага — ёнга силтанади ёки олдиндан орқага айлатирилади. Шу пайтда оғиз орқали кучли нағас олинади. Шундан кейин гавдани олдинга ташлаш билан бир пайтда оёқлар тизза бўғимида букилади, қўллар деярли тўғри ҳолда юқорига — олдинга силтаниб ҳаракат қиласади.

Яъни оёқлар чаноқ-сон бўғимидаи, тиззадаи ва болдириш-панжка бўғимидаи, қўллар тирсақдаи букилади ёки қўлларни тўғри тутиб олдинга айлантириб силтаб ҳаракатлаштирилади. Сўнг бор куч билан депсилиб, старт супачасидан сувга сакралади.

Депсиишиш — старт олишининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Учиш тезлиги ва узунилиги, шуинингдек, сувга киргандап (тушгандан) сўнг сузишининг бошлангич тезлиги депсиишишини кучига боғлиқ. Депсиишиш кучи эса кўпроқ оёқлар кучи ва ёэилиш тезлигига боғлиқ бўлади. Қўлларнишни олдинга бўладиган ҳаракати шундай ашиқлик билан бажарилиши керакки, бунда ҳаракат депсиишиш пайтидаги оёқларнишни ростланшишига мос келсин. Бундай мослих депсиишиш кучини яна ҳам оширади.

Ҳавода учиш. Супачадаи оёқлар узилиб сувга тушгуга қадар бўлган ҳолатга ҳавода учиш дейилади. Ҳавода учиш тезлиги ва узоқлиги кўпроқ стартдан чиқиш пайтидаги гавда ҳолатига, депсиишиш кучи ва упниш йўналишига боғлиқ. Кинопрограммаларни ўрганиб чиқиш ва педагогик кузатинилардан маълумки, 60—75 см баландликдаги старт супачасидап энг яхши учиш бурчаги 15—20°ни ташкил қиласр экан (суннатҳи билан гавдадаи узупасига ўтказилган ўқ оралигидаги бурчак). Сузувчининг бундай парвоз қилишида учиш эгрлиги энг кам бўлиб, у ҳавода учиш ҳаракатининг умумий тезлигини оширади, сувга ботгандга эса гавда ҳаракат тезлигинишни ошишига кўмаклашади. Учиш пайтида гавда қўйидағи ҳолатни эгаллайди: оёқлар ростлангаш, қўллар олдинга чўзилган ва тахминан елка кенглигига тутилган, кафт пастга қараган, бош иккни қўл орасига жойлашгап бўлади. Гавданишни бу ҳолати сувга ботгунча саклашади. Сузувчи учиш пайтида ҳавода тахминан 20°ли ёй ясад, секундиста боши билан шўнгигаш ҳолатига ўтади. Ҳавода учиш жуда муҳим босқичлардан бири. Уни шундай бажариш керакки, бунда сузувчи сувга кирар экан, гавдасининг тўғри ҳолати сақлансан ва юзоридан тушгап оғирлик кучининг таъсири остида гавда қулаб тушмасин, аксийча, бошлангич ҳаракат тезлигини етарли даражада сакласин. Учишининг ўртата узунилиги старт олиши супачасига қўл пашжалари (бармоқлар) теккап жойигача ҳисобланиб, эркакларда 3,5—4,0 метр, аёлларда 3,0—3,5 метр атрофида бўлиши керак. Сузишининг ҳамма усуяларида депсингандан кейинги учиш шафас олиб, уни чиқармаган ҳолда бажарилади. Шафас сув юзига чиқиш олдидан чиқарилади.

Сувга кириш ва сирганиш. Одатда, ҳавода учайтган сузувлар сувга кириш бурчагига боғлиқ ҳолда сувга ботади. Бу бурчак аксарият вакъларда гавдадан түғри сув юзасига ўтказилган ўқда иисбатан 15—20° бўлади. Равон стартларда ботиш чуқурлиги 40—50 см, бироз тик бўлганда 50—60 см ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин.

Сузувчи одатда сувга ботиб, дастлаб пастга — олдинга қараб сирганади, кейин эса юқорига — олдинга қараб қалқиб эгри траекторий ясади.

Сирганиш узунлиги — старт олиш супачасидан сув юзига чиққунча бўлган оралиқ эркакларда 7—8 м, аёлларда 7 м атрофида бўлади. Амалий кузатишлардан олипган маълумотларга қараганда, сирганишга кетган вақт узунлиги 7 м бўлганда, эркакларда 2,5 секунд, аёлларда 3,0 секундни ташкил этади.

Сув юзига қалқиб чиқини. Сирганиш тезлиги сузувларининг масофадаги сузиш тезлигига яқинлашганда ёки ундан бир оз ошган лайтда сузувлар сув юзига қалқиб чиқини ва ўша тезлика сузишга киришмоги керак. Биринчи сузиш ҳаракатлари мусобақа қоидасига кўра мувофиқ сузиш тезлигига боғлиқ ҳолда бажарилади. Кроль усулида кўкракда сузганда ҳаракатлар оёқдан бошланади. Сув юзига қалқиб чиқинида бир қўйл ҳаракати қўшилади. Бунда эшиш шундай ҳисоб билан бажарилади. Керакки, эшишининг тугаши гавданинг тўлиқ сув юзига чиқишига түғри келсин. Қўйл эшиш ҳаракати тугаши билан тўхтовсиз равишда тайёргарлик ҳаракатини бажаради. Шу найнити иккичиси эша бошлайди. Нафас эса биринчи ёки кейиниги ёшиш ҳаракатида олипнади. Брасс усулида кўкракда сузганда сув птида биринчи ҳаракат цикли бажарилади, иккичиси гавда сув юзига чиқсанда бажарилади. Қўп сузувлар, биринчи қўйл ҳаракатини узайтириб сопгача етказиб бажаришади, иккичиси, одатдагидек амалга оширилади. Дельфинча сузишда ҳаракатни оёқлар бошлайди, кейин қўллар биринчи ҳаракатни бажаради ва нафас олипнади. Шундан сўнг сув юзида сузиш давом этади. Айрим сузувлар сув юзига чиқсандан кейин ҳам 2—3 циклгача пафасни тутиб борадилар.

СУВ ИЧИДА СТАРТ ОЛИШ

Одатда, чалқанча ётиб сузиш мусобақаларида сув ичида, яъни бассейн делоридан оёқлар билан депенинг старт олиниади. Сувдан старт олини техникаси ҳам юқорида гидек бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Дастлабки ҳолат. Өгохлантирувчи сигналдан сўнг сувучилар сувга тушиб икки қўл билан маҳсус тутгичдан ёки супачашиг олд томонидаги ўйик жойдан — камгакдан тутиб туради. Стартга тайёрланиш командаси берилгач, сувучилар оёқларини букиб, 15—20 см оралиқда параллел тутиб турадилар. Пашжалар бир жойда ёки бири иккинчисидац настроқда туриши мумкин, аммо сувдан чиқиб кетмаслиги керак. Чаноқ-соц бўгими шундай жипс букиладики, сон қоринга тегиб туради. Қўллар тўғри чўзилгац, бир-бирига параллел, бош бироз олдинга эгилган бўлади.

Депсиниш. Сузишга команда берилгач, сувучи тутгични силтаб итариб юборади ва қўлларини юқори қўтариб орқага, бир оз икки ёнга ҳаракатлантиради ва шу пайтда бошини орқага ташлаб нафас олади. Оёқларини ҳамма бўгимларидац ёзаркан, зарб билан депсиниади. Депсиниш охирида қўллар орқага ташлангац, бош узра узатиб юборилгац, яъни бош икки қўл орасига олинган, оёқлар тўғри чўзиб юборилгац ва биринтирилган бўлади. Сувучи қанча кўп куч билан депсинса, унинг ҳавода учиши, сувда сирпаниши шунча олис бўлади, демак, у бу ўринда ютади.

Ҳавода учиш. Сузувчининг ҳавода учиши шартлидир. Чунки у сувдан бутунлай кўтарилимайди: оёқлар пашжаси билан болдири сувда қолади. Ҳавога кўтарилиш, яъни учиш бурчаги — гавда билан сув сатҳи оралиғидаги бурчак тахминан 15—20°ни ташкил қиласи. Сувучи бутун гавдаси билан имкон борича чўзилиб, бошини яна ҳам орқага ташлаб ортга букилгандац бўлади, кўкрагишиниг қоринга туташ қисми сал дўйглик ҳосил қиласи. Депсингана то қўллар учи сувга теккуича бўлган масофа, учиш масофаси дейилади. Бу эркакларда ўртача 3 м, аёлларда 2,5 м га боради.

Сувга кириш ва сирганиш. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, учишда оёқлар сувдан чиқмайди. Демак, сувга киришда сувдаги оёқлар энди чуқурроқ бота бошлайди ва шу заҳотиёқ қўллар учи сувга тегади. Тана (орқа) билан сув сатҳи оралиғидаги маълум даражада масофа қилинади, кейин тана ҳам сувга тушади. Сузувчининг сувга ботиши 40—60 см дан ошмаслиги керак.

Одам сувга ботдими, дастлаб пастга — олдинга, кейин юқорига — олдинга сирганади. Бу сирганиш старт деворидан сув юзига чиққунча давом этади ва ҳаммаси бўлиб: эркакларда 6—7 м, аёлларда 5—6 м ни ташкил қиласи.

Сузиш ҳаракатларини бошлаш ва сув юзига чиқиш. Албатта, сузишиң спрагалиш тезлиги сузиш тезлигига тенг келиб қолғанда ёки ұтто уидан бироз тезроқ бўлганда бошлаш яхши самара беради. Ҳаракатни дастлаб оёқлар бошлаб беради, кейин ўнг (ёки чап) қўл билан шуидай эшиладики, эшиш охирига етганда тана сув сатҳидә бўлиши керак. Шунда сузуви чап (ёки ўнг) қўлинин ҳавога кўтариб олдинга ташлашга ортиқча куч сарф қилмайди, бошқа қўли билан эса сув остида эшиш ҳаракатини бажаради ва ҳ...к.

БУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ

Маълумки, сузиш спорти мусобақалари, одатда, узунлиги 25 ёки 50 метрли бассейнларда 50 м даъ 1500 м гача масофаларда олиб борилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдикки, тезлик кўрсаткичиши ошириш учун спортчи бурилиш техникасини жуда яхши эгаллагаш бўлиши керак. Кимда-ким шу бурилиш жараёнини айтарли қийналмай, куч сарф қилмай ва уцумли бажара олса, у бурилишга қадар сақланиб келган маромти, тезликни бурилганда кейин ҳам давом эттира олади. Энг муҳими, у қувватини тежагаш бўлади. Бурилиш сони бассейнининг узунлигига ва сузиш масофасига борлиқ. Масалац, 25 м лй бассейнда 50 м масофага сузилганда 1 мартағина бурилса, 400 м масофага сузилганда 15 марта, 150° ли масофага сузилганда 59 марта бурилиш лозим бўлади. Бурилиш техникасини яхши эгаллагаш сузуви ҳар сафар бурилганда 0,5—1,0 секунддан вақт төжаб беради. Бинобарин, 59 марта бурилганда 29,5—59 секунд тежалгап бўлади. Бурилишини қўнт билан ўзлаштириб олишишг аҳамияти шу қадар каттадир.

Ҳамма бурилишларни шартли равишда иккни тоифага бўлиш мүмкин: очиқ ва ёпиқ бурилиш. Очиқ бурилиш деб сузувишинг бассейн девори ёшида бурилаётуб нафас олишига айтилади. Демак, бунда бош сувдан чиқади. Ёпиқ бурилиш деб сузувишинг бассейн девори ёнида бошини сувдан чиқармай ва демак, нафас олмай бурилишига айтилади. Кўрилиб турибдикки, бурилишининг бу турларини бошини сувдан чиқарип бурилиш ва бошини сувдан чиқармай бурилиш деса, фикримизча, тўғрироқ бўлади. Агар бурилиш ҳаракатларини элементларга тақсимлаб алоҳида номлар билан ифодалайдиган бўлсак, у ҳолда бурилишининг иккала турида ҳам қўйидагича бурилиш босқичларига эга бўламиш: 1) бассейн деворига

етиб келиш; 2) айланиш; 3) деворга оёқ билан депсииш ва сирғаниш; 4) сузиши бошлаш ва сув сатҳига чиқиши.

ҚҮКРАКДА КРОЛЬ УСУЛИДА СУЗИШДА БУРИЛИШ

Ҳаммага маълумки, сузиш усувлари ҳар хил бўлганидек, бурилиш усувлари ҳам ҳар хил. Чунки сузиш усулига қараб одам сув юзида, сув остида турли шакларда, турли амалиар қўллаб бурилишига тўгри келади. Демак, сузуви сузиш усулига қараб у ёхуд бу бурилиш усулинни таплаши ва буни ҳар томонлама — пухта, енгил ва тез бажариш амалини эгаллаб олиши шарт.

Қўкракда кроль усулида сузишда очиқ бурилишинг икки усули (вариант) мавжуд. Биринчи усулда исталган томонда бурилиш мумкини, дейилади. Айтайлик, сузуви ўнг томонга бурилмоқчи. Бунда у бассейн деворига сув юзасидаги чап қўлини узатган ҳолда яқин келади ва кафтини ўнг елкасининг тўгрисидаги деворга қўйди, ташаси эса ўз ҳаракати билан деворга яқинлапади, шунинг учун чап қўйлар тирсак ва елка бўгимларидан букилган дамда, ўнг қўй эшишини тутатиб ташаси ёнига келади. Шу пайт оёқлар тизза ва чаноқ-сон бўгимларидан букилиб нафас чиқарилади. Нафас чиқариш деворга яқин келиш босқичиши якунлайди. Энди айланишга ўтилади. Бунда сузуви чап қўйи билан деворга таянаркан, ўнг қўлини тирсагидан букиб, эшиш ҳаракатини бажаради. Шу билан бир вақтда оёқларини ҳамма катта бўгимларидан букиб, гавдасини бироз йигади ва айланиши бошлайди. Айланиш 90° га етганида сузуви сувдан чиқиб тургац оғзи билан нафас олади. Кейин айланишини давом эттириб, оёқлари наижасини тахминан 25 см чуқурликда бассейн деворига тирайди, бошини сувга ботиради, ташаси кўкрагига етган ҳолатни олади, қўллари кўкрак тагида бирлашиб наравмел ҳолатда олдинга узатилади, энгак ва кўкракка сикилади. Шу дам депсииниш босқичига ўтилади. Панжка-болдири, тизза, чапоқ-сон бўгимларидан букилиб турган оёқлар деворга тирайлиб зарб билаш, аммо маром билан икки оёқлаб депсиинилади. Сўнг сирганиш бошланади. Аксарият ҳолларда спортчи сузувишлар 5—6 метрга сирғаниб борадилар. Чунки бундан кейинги сирғаниш теэзлик жиҳатидан пасайган бўлиб, гарчи куч тежаса-да, вақтда ютқазиб қўйишга олиб келади.

Бундан кейинги сузишнинг бошланиши ва сув юзига

чикиш босқичп супачадан старт олғандан сүнгти ҳаракат амалларига ўхшашдир.

Эди энг кўп тарқалган очиқ сузишиниг иккинчи усулини кўриб чиқамиз.

Деворга етиб келиш. Сузувчи бассейнииг деворига етиб келаркан, ўнг (ёки чап) қўли билан деворга тиради, танасини ёнга буради. Бунинг учун у қўл пашжасини сув сатҳида ёки 10—15 см уйдан юқорида деворга тирайди. Кейин шу қўлини тирсагидан букиб, танасини деворга яқинлаштиради, оёқларини тизза ва чаноқ-сон бўғимларидан букиб, уларни ҳам олдинга ҳаракат қилинади. Шу билан босқич тугайди.

Лайланиш. Сузувчи қўл пашжаси билан деворга тираплар экан, боши билан елкасини сувдан чиқаради ва шу найтиниг ўзида оёқларини тиззадан қаттиқ букади ва настга туширади, шу йўсинада деворга яқин келади. Бўш қўли билан эшиш ҳаракатини қилиб танасини айлантиради. Деворга тирайган қўлини эса ёзиб вафас олади. Сузувчи қўлини бутунлай ёзиб девордан оларкам, эди оёқларини деворга тирайди, иккичи қўлини эса олдинга узатади. Девордан узилган қўлни сув устидан олдинга ҳаракатлантириб иккичи қўли олдинга ўтгандан уши ҳам олдинга ўтказади ва эди улар бирбирига параллел ҳолда кела бошлайди. Бу пайтда бош билан елкалар сувга ботган, ёнбош томонлари ўзгарган, оёқлар тиззадан букилган ҳолатда, бош қўллар орасида туради.

Депениниш ва сирганиш. Депениниш одатда қўл сув устидан ўтиб бўлиб, тана ёнбошлаб турган пайтда бажарилади ва болдири-пашжа бўғимларидан силтаб ёзиш билан тугайди. Худди шу ҳаракатлари мобайнида сузуви бир йўла танасини ҳам тўла буриб олиб кўкрагани ростлайди. Сирганиш шу пайтларга тўғри келади. Одатда, бу 40—50 см чуқурликда бажарилади.

Сузиши бошлиш ва сув сатҳига чиқини. Бурилишиниг бу охирги босқичини кўкракда кроль усулида сузишиниг старт олғандан кейинги бошлангич иши деса ҳам бўлади (кўкракда кроль усулида сузищдаги старт олғандан кейинги ҳаракат амалларини эслайди). Чунки шу босқичдан кейин ҳам оёқлар ишчи ва тайёрланиш ҳаракатларини, қўллар сузиш, эшишиниг сувга таяниш қисмини, эшишиниг асосий қисмини, сувдан чиқини ва сув устидан олдинга ҳаракатланиш каби ҳаракатларни ба жаради ва ҳ. к.

Кўкракда кроль усулида сузишда ёниқ бурилиш усу-

ли тананинг олд-орқа ўқи бўйлаб айланиш билан бажарилади. Бунинг учун сузувлари бассейн деворига кўкрагиппастга қаратга ҳолатда стиб келиб, қўли билан унга тиради ва айланади. Очиқ бурилиш усулидан фарқи: бош сув ичида, тана ғужунак, елкадан пастга эгилган, букилган, оёқлар эса сув сатҳига яқин туради. Бу ҳамиша очиқ бурилишдан кўра вақтни тежашга имкон беради. Чунки упинг босқичлари, элементлари апча содда, осон.

Кўкракда кроль усулида сузишда қўлни бассейн деворига тегизмасдан бурилиш, ҳамма вақт оёқларни тегизни билан бажарилади. Бунинг учун сузувлари бассейн деворига стишга тахминан 1,5 м қолганида пафас олади ва кейин олдиндаги қўли билан эшишинг биринчи ярмии бажаради, бу пайтда иккинчи қўли тана ёнида узатилган ҳолатда туради. Эшишинг иккичи ярми елка камарини олдиғига итқитиш, бошни пастга эгиш ва тос қисемини юқорига кўтариш пайтига тўғри келади. Эшиш охирда иккала қўл горизонтал ҳолатга келади, тана эса кўпдаланг ўқи атрофида айлана бошларкан, бассейн деворига яқинлашади. Сузувчи айланишин давом эттира туриб оёқларни тиззадап букади ва айланиш тўсигига яқинлашади. Шундан сўнг оёқлар тиззадап ҳамда чаноқ-сон бўғимларидан бироз ёзилиб, оёқлар панжаси билан бассейн деворига тиради ва шу заҳотиёқ десиниб олға ҳаракат бошлайди. Сузувчи оёқ-қўллари, танаси билан сирғаниб бораркан тўғри ҳолатга киргалида буралиб олдин ёнбошига, кейин кўкрагига ағдарилиб онади ва сузиш ҳаракатларини бошлайди.

ФИНА¹ қарорига биноап 1965 йил 1 апрелда собиқ СССР сузиш спорти федерацияси қарор чиқариб, шу қарорга биноап эркин усулда сузиш мусобақаларида гавданинг исталған қисми билан, исталған ҳолатда, исталғанча деворга тегиниш, таяниш, десинишига рухсат этилди. Албатта, бу эркинлик сузувлари спортчилар учун қўл келди. Шундан бошлаб улар эркин ҳаракатлар билан ўзларига маъқул бўлган, машқ мобайнида ўзлари ортирган кўпикмалар билан буриладиган ва шу билан вақтни бурилишдан бир оз тежаш имкониятига эга бўлдилар.

ЧАЛҚАНЧА КРОЛЬ УСУЛИДА СУЗИШДАГИ БУРИЛИШ

Бу усулда сузишдаги бурилиш кўкракда кроль усулида сузишдагига қараганда бирмунча фарқ қиласади.

¹ ФИНА — Ҳалқаро сузиш спорти федерацияси.

Яңни бунда бассейн деворига тегиши сүнг бурилиб олни чалдаңча ётган ҳолатда бажарилади. Шу туфайли ҳам бурнишларнинг қайси усули — қўлланимасин, тана олдинги-орқа ўқлари атрофида айланishi керак.

Сузишнинг бу усулида бурниш ҳам очиқ ва ёппик бурилишларга тафовут қилинади.

Очиқ бурилиш. Очиқ бурилишнинг бассейн деворига лизиплашиб келиш босқичида сузуви бурилиш нуқтасидан 5 метр олдинга, 1,5—2 м баланд қилиб тикиб қўйилган байроқчаларга назар ташлаб келиши керак. Демак, бурилиш учун мўлжал — байроқчалардир.

Сузувчи одатда бурилишга тайёргарлик кўра бошланада, яъни охирги эшиш билан бир пайтда чуқур нафас олади. Қўлни деворга тирсақдан букиб, сув сатҳидан настга — бурилиш томонига озгиша йўпалтиради, иккинчи қўли эса бу пайтда эшишдан тўхтабсон ёнида қолади, шу дамда нафас чиқарилади. Нафас олиш билан нафас чиқариш оралигидаги ҳаракатларга эътибор бериш зарур.

Айланиш. Айланиш босқичи одатда қайси қўл деворга тегса, шу томонга ҳаракатланиши билан бошланади. Яъни сузувишининг қўли деворга теккакч, у гужанак ҳолатин олади, оёқлар тизза бўғимида сув сатҳига чиқиб ён томонга ҳаракат қиласиди. Девордан қўл пашка билан деворни силтаб итаради, сон ёнидаги қўл эса танаға қаратса эшиш билан унга айланишга ёрдам беради. Шу дамда айланишнинг биринчи ярми тугайди. Иккинчи ярмидан девордаги қўл ундан узилиб олдинга ҳаракат қиласиди ва нафас олилади. Оёқлар бўлса, бир-бирига параллел ҳолатда пашжалари билан деворга тиради. Бу пайтда қўллар узатилиб, учлари бирлаштирилган бўлади.

Депсиниш одатда оёқ пашжалари деворга тегиши билан бажарилади ва стартдан сўнг сакрашдаги каби сирганиши ва сувдан чиқиш ҳаракатлари бошланади (Биз бу ҳаракатлар ҳақида юқорида айтиб ўтдик).

Епиқ бурилиши. Епиқ бурилиш икки хил усулда бажарилади. Унинг биринчи варианти очиқ бурилишдаги дик бажарилади. Фақат бунда қўл деворга текканида боби сувда бўлади ва нафас олинмайди. Қолга ҳаракат амаллари хусусида «очиқ бурилиш»га қаранг.

Епиқ бурилишнинг иккиси чиқиши усулида эса қўл билан охирги марта эшишини тугатиб нафас олилади ва бош билан елка настга — олдинга ҳаракатлаптирилади, қўл кафти танадан ёнга елка йўналишида ҳаракатлана бориб, тахминан 25—30 см чуқурликда деворга тегади.

Эшишни шу пайтга тугатгас иккинчи құл сувда — сон ёнида қолади. Кейин сузувчи иккала оёғини қаттиқ букиб, девордаги құлга таянған ҳолда гужанак бўлиб айланы бошлайди. Оёқларини эса сув устида ёнга айлантириб деворга тирайди ва зарб билан депсинаркан, сирғаниш босқичига ўтади. Қолган ҳаракатлар стартдан кейинги ҳаракатларга ўхшаш бажарилади.

БРАСС УСУЛИДА СУЗИШДАГИ БУРИЛИШ

Брасс усулида сузишдаги бурилиш ҳам очиқ бурилиш ва ёпиқ бурилишта тафовут қилинади. Ҳар иккала сининг ҳам ўз усуллари бор. Шунга қарамай ҳаммасида ҳам бурилиш пайтида бассейн деворига ҳар иккала құл билан бир пайтда тегиш, таяниш ва силтаниш, танани горизонтал ҳолатда тутиш шарт.

Очиқ бурилиш. Очиқ бурилишнинг биринчи усулида бассейн деворига етиб келиб ҳозир айтганимиздек, иккала құл билан тегилади ва иккала оёқни тиззадан, чаноқсон бўгимидан, қўлларни тирсақдан букиб деворига яқинлашилади. Сўнг сузувчи бир қўлини девордан олиб шу қўл томонига айланы бошлайди. Бунда бош ва елка билан кескин ҳаракат қилиб айлапишни тезлатишга ёрдам қилинади ва сув ичиди нафас чиқарилади. Оёқлар девор томонга йўналади, бош сувдан хийла чиқиб нафас олиниади. Айланыш охирида тана кўқрак қисми билан пастга бурилади, оёқлар панжа билан деворига тиради, қўллар олдинга ҳаракат қиласи. Мана энди оёқлар билан депсинай деган пайтда бош тўғриланниб сувга ботирилади ва шу пайтда депсишиш ҳаракати бажарилади. Шу билан очиқ бурилиш босқичи тугайди. Навбатдаги сирғаниш ва сувдан бош ва қўлларни чиқариш босқичлари, 'брасс усулида сузишда старт олгандан кейин бажариладиган ҳаракат амалларига ўхшайди.

Иккинчи усули. Бу варианти спортчилар «маятниксимон бурилиш» деб изоҳлаб келадилар. Кўқракда кроль усулида сузишдаги «маятниксимон бурилиш» ҳам худди шунга ўхшашдир. Фақат бунда дастлаб бассейн деворига иккиси қўл билан тиради. Айланыш эса бир хил. Қайси қўл биринчи бўлиб девордан узилса, тана шу томонга айлантирилади ва қаттиқ депсишиб сирғаниш босқичига ўтилади. Биринчи усульда ҳеч қайси қўл сувдан чиқмайди, иккинчи усульда эса деворига теккап қўл айланыш босқичига ўтганда сувдан чиқади. Кейинги ҳаракатлар старт олгандан кейинги ҳаракат амаллари билан бир хил.

ЕҢБОШЛАБ СУЗИШ УСУЛИДАГИ БУРИЛИШ

Бу усулда сузишдаги бурниш айтарлы мұрақкаб бүлмай, күп жиҳатлари билан юқорида айтиб ўтилған бурилишларга ўхшайды. Фақат сузувчи ёнбошлаб сузиб келаётганлиги учун у ўзига хос айрим бурниш амалларини бажаради. Масалан, сузувчи бассейн деворига яқин келиб пастки, яғни ўз остидаги құли билан үнгә тегинса, у ҳолда юқорида күриб чиққанымиз — «маятникси-мон бурниш» қилиб, спрганиш босқичида ёнбошига ўтирилиб олади. Борди-ю, сузувчи деворга юқоридаги құли билан тегинса, у ҳолда күкрапада кроль усулида сузишдаги очиқ сузишнинг биринчи усули сингари бурнишади.

ЧАЛҚАНЧА СУЗИШ УСУЛИДАГИ БУРИЛИШ

Бу сүзіш усулида әңг күп очиқ бурниш үсули құлланилади. Бунда шарт шуки, сузувчи то құли бассейн деворига тегмагуныча күкрагига, яғни пастға қараб ағдарилиб олмаслиги керак. Қайси құл деворға биринчи бўлиб тегса, шу құл танани бурнишади. Бинобарин, ўнг құл тегса, ўнг томонга, чап құл тегса, чоп томонга бурнишади. Бурниш қайси ҳолда бўлмасин, айланаш олдинги—орқа ўқ атрофида юзага келади. Энди бурнишининг босқичларини тавсифлашга ўтамиш.

Деворға етиб келиш. Сузувчи бассейн деворига етиб келаркан, қайси құли билан бўлмасин, тирсагидан букилган құли билан сувнинг сатҳида деворға тегинади ва кафтини бурнишадиган томонга қаратиб олади, танаси эса бу пайтда албатта, ҳали чалқанча ҳолатда туриши лозим. Бир құли деворға текканида иккинчи құли сони ёнида бўлади.

Сузувчи құл билан деворға тегингач, айланаш босқичига ўтади. Бунда у оёқларини тизза ва чаноқ-сон бўғимларидан букиб, ғужанак ҳолда ёни билан деворға яқинроқ келади. Бунда бир құли билан бассейн деворига тиравиб, иккинчи құли билан сувни эшиб танасини айлантиради. Сузувчи худди шу айланаш мобайнинда сувдан ташқарига чиқиб турган оғзи билан нафас олади, сув остидаги, яғни эшаётган қўлини олдинга йўналтиради ва кетма-кет девордан олган қўлини ҳам олдинга ўтказади, оёқлар кафтини эса деворға қўяди, улар чаноқ кенглигига бир-бирига параллел ҳолда сув сатҳига яқинлашиб қолгап бўлади, узатилган қўллари бошидан оширилиб, бир-бирига туташтирилади. Шу аснода айла-

ниш босқичи тугайди. Энди депсиниш ва сирғаниш босқичи бошланади. Бунда сузувчи оёқлар кафтини бассейн деворига қўйгач, унинг боши билан танаси 30—40 см атрофида чўкади ва худди шу пайтда у қаттиқ депсинади, натижада бутун гавда олдинга сирғанади. Албатта, депсиниш қанча зарбали, кучли бўлса, сирғаниш ҳам шунча тез ва масофаси узоқ бўлади. Бундан кейинги ҳаракат амаллари сув ичидаги старт олгандан кейинги ҳаракат амалларининг ўзгинасидир.

СУЗИШ БЎЙИЧА ДАРС КОНСПЕКТИНИ ТУЗИШ

Программа асосида сузиш бўйича машгулот ўтказишида аввало дарс жадвалини тузиб чиқиш ва шунга асосланиб конспект ёзиш лозим. Масалан, сузиш учун шароити йўқ, аммо яқин атрофида ариқ, ҳовуз, сой, дарё ва шу каби очик сув ҳавзаси бўлган жойларда мактаб директори, колхоз ёки совхоз инструктори, мактаб ўқитувчилари, албатта, болаларниг ҳавфсизлик чорасини эътиборга олган ҳолда ёзниш иссиқ ойларида — май, июнь, июль, август (пионер лагерларида) болаларни сузишга ўргатиш тадбирларини ўтказишлари керак. Бунинг учун аввал конспект тузиб, унинг асосида сув билан таништирувчи машгулотларни олиб бориш лозим.

1 конспект

Дарснинг вазифаси: сув муҳити билан таништирувчи машқулар ўтказиши.

Дарснинг мақсади: 1. Болаларни сувдан чўчимасликка кўниктириш.

2. Чипиқтириш

Ўтиш жойи: Очик сув ҳавзаси.

Жиҳозлар: шар, копток, баллон ва ҳар хил ўйинчоқлар..

Дарс кисмі, 10 даңыца	Үтиладиган дарснинг мағымуні	Миндори	Методик нұрсатмалар
Тәшерлов қисмі, 10 даңыца	<p>Саломлашиш, йүқлама, дарснинг вазифаси билап таништириш, дарсга тайёрларларни текніриши, мәнгүлөт үтказиладиган жой билап таништириши Суддаги машылдар</p> <p>1. Судда юришлар: құллар белде, бөшде, ёнда ва тоқорида</p>	5—10 2—3×5 5 метр	<p>Совуц, сочиқ, булут па спорт күйимлари Чүкүрлиги, сув даражасын да атроф билап таништириши. Күргазмалы құролларни күрсатыши</p> <p>Чүкүрлик тиззегапта</p>
Ассоции қисмі 25—30 даңыца	<p>2. Судда югуруншлар: құллар юқорида, сув юзида ва судда бирии-кетін эшиб, сүнг иккі құллаб энниш</p> <p>3. Бир-бирига сув сезінш ва юз үюнш</p> <p>4. Судда бопшии күтариб әмак-лаб юриш</p> <p>5. Сув ичіда туриб сакраш</p> <p>6. Сув тубидап үйинчоқларни олиб чиқыш</p> <p>7. Сувға пүфлаш: «Ной совутиш» ўйипи</p> <p>8. Сув тәғида үтириш</p>	<p>2—3×5 2—3 4—5 марта 2—3 марта 2—3 марта</p>	<p>Сув қарнилигини хис қилиши</p> <p>Пәнжаваларни бириктириб күйроқ сув түлдириб юниш</p> <p>Бопшии ботирмай ба-жарилади</p> <p>Бопшии ботирмай ба-жарилади</p> <p>Сувнинг чуқуралиги белгача</p>
Худоса қисмі 5 даңыца	<p>9. «Шұқак», «Медуза» «Юлдузча» кабін машыларни ба-жарип</p> <p>Дүшда әки тоза судда чұмыліб, яхшилаб артипіб қуёнда бироз ҳордидің чиқарыш</p>	<p>2—3 марта 4×64 8×5 м</p>	<p>Сув остидан де-ниб чалқапча күкрапка ётиш</p> <p>Үйге вазифа беріши Яхши шугулланған-ларни трагбетлантириш</p>

II Конспект

Дарснинг вазифасы: Күкрапда кроль усулида сузында оёқларни ҳаракатлантириш техникасының үргатиши.

Дарснинг мақсади: 1. Сузиш усулларининг элементлари билан таништириш
2. Чиниқтириш

Үтиш жойи: Очиқ сув ҳавзаси

Жиҳозлар: Баллон, көнтөк, иўқак ва ҳоказо.

Т/Н	Үтиладиган дарснинг мазмунни	Миндори	Методик нұрсатмалар
1	2	3	4
Асосий қисми 25—30 дақыла	<p>Саломлашиш, йўқлама, дарснинг вазифаси билан таништириш, кўргазмали қурол билан машгулот техникасини таништириш</p> <p>Куруқлиқда</p> <p>Д. ҳ. оёқлар елка кенглигидаги олдин ўнг оёқ, сўнг чап оёқни силкитиш</p> <p>2. Туринкка ёки дараҳт шохига осслиб, оёқни кўкракда кроль усулида сузгандай ҳаракатлантириш</p> <p>3. Скамейкага ёки қумга ётиб оёқлар учини юқорида — пастга қайчисимон ҳаракатлантириш</p> <p>4) Шу машқуларни ўтириб бажариш</p> <p>Сувда</p> <p>1) Турған ҳолатда олдин ўнг оёқни, сўнг чап оёқни олдинга ва орқага ҳаракатлантириш</p> <p>2) Қирғоқни ушлаб ётган ҳолатда юқоридан пастга оёқларни қайчисимон ҳаракатлантириш</p> <p>3) Қирғоқ томон сирғаниб оёқ ҳаракатини бажариш</p> <p>4) Көнтөк билан балонни қучиб сузиш</p> <p>5) Мустақил ҳолатда қирғоқ томон оёқларни ишлатиб сузиш</p>	<p>5—10</p> <p>4—6 марта</p> <p>4—6 марта</p> <p>4—6 марта</p> <p>2—4 марта</p> <p>4—6 марта</p> <p>4—6 марта</p> <p>2—4×5 м</p> <p>2—4×5 м</p> <p>2×5 м</p>	<p>Болаларни гигиеник қоидаларга риоя этишиларини текшириш</p> <p>Оёқ учларини чўзиб, оёқ учларини саличкарига қаратиб қайчисимон ҳаракатлантириш</p> <p>Тиззалар букилмасин</p> <p>Тиззалар букилмай, оёқ учларини саличкарига қилиб туриб Сувнинг қайнashi</p> <p>Сон қисмими ҳам ишлатиб, тизза қаттиқ букилмаган ҳолда</p> <p>Бош сув юзида ёки кўтарилиб сузиш</p>
Тайёрлов қисми 10—15 дақиқа			

1	2	3	4
	6) 7–8 марта шу маңқараларни чалдаңыча ётгай ұолатда бажариш	4–6 марта	Қорының күтариб, иякни тортиб, тұрғын чүзиліб ётнег
Хулоса қисмети 5 даңыца	Көптөкән қучиб ким олдия қирғоқца обектар өрдамидә суаib бориш үйини	4–5 метр	Рагбатлантириш ва хайрлашув


Дарс конспекттеріңде қолған машғулотларга әм шу таразда түзилади

СУЗИШ МЕТОДИКАСИ

Сузишиң методикасы асосан талабаларға на-
зарий билим беріш, сузишиң оид малака ва күнікмала-
рины мустаҳкамлаб, сув спортига ҳавас уйғотыш, спорт-
та сузишиң усулларивинң техникасы билан аста-секин та-
ништириб бориш ва юқори күрсаткычларға әрішишга
чорлашыдан иборат.


Үргатишиң методикасы бошланғич сузиш босқычлары ва
спорт машғулотлари методикасы билан узвий бөглиқдір.


Сузишиң үргатишининг бошланғич методикаси жисмо-
ний тарбияның умумий вазифасына бейнесуандырылған бү-
либ, педагогика фанниның бир-бири билан узвий бөглан-
ған дидактикалық қоидалары ва усулларига асосланған (Қу-
йига қарағын).




Болалар үтилған машғулотларни тез ва пухта әгалашлары учун ўқытувчи қуидаги усуллардан фойдала-
ниб, қуидагыда дарс ўтмоги зарур.

Сүзүш спортынинг таснифи







СУВ МҮХИТИ БИЛАН ТАНИШТИРУВЧИ МАШГУЛОТЛАР

Бундай машғулот одатда, беш босқичда: бассейн ёки очиқ сув ҳавзасининг энг саёз, сувнинг оқим тезлиги ми-нутига 10 м дан ошмаган, сув ҳарорати 25—28°C (ёзда 18—24°C)дан паст бўлмаган масканда олиб борилади. Мъалумки, сузишни билмаган одам ҳеч қачон сув билан танишмай туриб, сузишни ўрганиб кета олмайди. Шунинг учун сузишга ўргатишда юқоридаги босқичларга асосланиш зарур.

Жадваллардан кўрниб турибдики, машқлар астасекини мураккаблашиб борган. Чунки сув билан танишувда ҳар бир босқичдаги машқлар олдига маълум мақсад ва назифалар қўйилган. Масалан:

I босқичда юриш ва югуриш машқларини ўтишдан мақсад болаларни бассейннинг чуқурлиги билан таништириш, оёқ остида таянч борлигига ишонч ҳосил қилиш ва сувдан чўчимасликка ўргатишдир. Қўлларни ҳар хил ҳолатда тутиб юришда эса сувнинг қаршилигини ҳис этиш, қўллар билан эшиш ҳаракатини бажаргандা сувда енгил ва тез юра олишни сезишга ўргатиш керак бўлади. Ўир-бирига сув сенишда эса сувнинг томчиларидан, сакраганда эса сувда сирпаниб кетишдан чўчимасликка ўргатилади.

II босқичда аста-секин сувдан чўчимасликка, сув юзида гавданинг маълум вақтгача қалқиб тура олиши, сўнг оёқ қисмлари нима учун чўка бошлаши тушунирилади.

Анатомиядан мъалумки, оғир суюклар, яъни чаноқ, сон ва болдир суюклари асосан одамнинг бел қисмидан пастда жойлашган. Гавданинг юқори қисмida эса тогайлар ва енгил аъзолар жойлашган.

«Пўкак» машқини бажарганда чуқур нафас олиб, гужанак бўлиб тиззани қучиб турсак, худди пўкак, копток ёки шар сингари сув юзига қалқиб чиқиш мумкин.

«Медуза», «Юлдузча» машқларида ҳам чуқур нафас олинса, (кўкрак қафаси кенгаяди, аммо тана вазни ошмайди), маълум вақтдан сўнг оёқ учлари чўкиб, одам аста-секин вертикал ҳолатга келиб қолади. Демак, одам гавдаси қуви қисмининг солишишрма оғирлиги кўкрак қафаси жойлашган юқори қисмининг солишишрма оғирлигидан ортиқ.

III босқичда сувда болаларни сирғаниш ва гавда мувознатини сақлашга ўргатилади. Чунки сирғанишини тўғри бажарган болалар спортча сузиш усуллари техникасини тез ўрганадилар. Бу эса кейинчалик старт ва бу-

рилиш пайтларида масофадан ютишга ёрдам беради. Масалан, 25 метрли бассейнда 50 м сузиш керак дейлик, бунда болалар стартдан чиққанда 5—6 метр сирғансалар, катта ютуққа эришган бўладилар:

СУВДА СИРҒАНИШ МАШҚЛАРИ

Вазнигининг солиштирма оғирлиги ўртача бўлгап кишиларга ўз мувозанатини сувда сақлаш осон бўлса, гавдаси оғир кишиларга қийин бўлади. Кўпчилик одамлар гавдасининг горизонтал ҳолатини фақат сирғаниш орқали сақлашади, депсинганда олинган сирғаниш тезлиги пасайиши билан оёқлар секин-аста сувга бота бошлайди. Сув юзасида ётган одам силжимасдан туриб, мувозанат сақлаб турган пайтда гавданинг бирор жойини ўзгартироқчи бўлса, мувозанати бузилади. Чунки босим марказининг ҳолати оғирлик марказига писбатан ўзгарида.

Суэувчи сирғаниш машқида депсиниб, гавдаси билан сув сатҳида чўзилиб ётади, кўп куч сарфламасдан олдинга аста силжий олади. Табиийки, гавданинг эркин ҳолати бошни қандай тутишга ва ўпканинг ҳаво билан тўлиш даражасига боғлиқ бўлади. Бош ортиқча кўтариб юборилса, гавда мувозанати бузилади, бунда оёқлар пастга тушади ва елка-бўйин мускуллари тараанглаша бошлайди. Натижада, одам яхши суза олмайди. Демак, сувда сирғаниш машқларини тўғри бажариш зарур.

1-машқ. Сувда (белгача чуқурлиқда) иккι оёқлаб қаттиқ депсининг (албатта, чуқур нафас олиб), сув юзасида чўзилганча кўкракда ётинг, қўллар олдинда, бош қўллар орасида бўлсин, оёқлар учини ичкарига сал букиб сирғанинг.

2-машқ. Чалқанча ётган ҳолатда сирғаниш. Кўкраккача сувда туриб, қўлларни юқори кўтариш, чуқур нафас олинг, нафасни тутиб, орқага сув тагидан депсиниб, сирғаниб чалқанча ётинг. Бош тепага қараган: оёқлар бирлашган, учлари чўзилган бўлади. Машқлар бассейн деворидан итарилиб, бир неча марта тақрорланади ва ким узоқроққа сирғаниш ўйналади.

КЎКРАКДА ВА ЧАЛҚАНЧА КРОЛЬ УСУЛИДА СУЗИШЛАРДА ОЁҚЛАР ҲАРАКАТИ

Сузиш усулларини эгаллашдан аввал, албатта уларнинг техникаси билан танишиб чиқиш лозим. Бувинг

учун оёқ, құл ҳаракатлари ва нағасын түгри олиш техникасында қатының риоя қылыш зарур.

Одам спротивниши бажараётганда маңлум вактдан (масофадан) сүнг ҳаракат түхтаб, оёқ томоши чұка бошлиди. Агар шунда оёқларни бириң-кетин (күккәндә кроль усулида) юқоридан пастта тиззаны бүкмай, қайчесимен ҳаракатлантирилса, одам яна олдиңга силжиб кетади.

Күккәндә кроль усулида сузишда биэ юқорида гавда сув юзасынан горизонтал ҳолатда әркіп бүлади, оёқлар тез-тез (құл ҳаракатынан) юқоридан пастта ва настдан юқорига қайчесимен ҳаракат қылади құл бир марта ҳаракат қылғанды оёқ павбатма-наұбат уч марта қайчесимен ҳаракатларни бажараради (яғни бир оёқ пастта, иккінчиши әса юқорига ҳаракатланади), деган әдик. Оёқлар ҳаракатланғанды үлар орасидаги көнглик болдыр-панжака бүгімлари ўртасидаги марказни ҳисобға олғанда, ўртача 30—40 см га тең. Тез сузилғанды әса тез-тез ҳаракат ҳисобига оёқлар орасидаги масофа буидан кичікроқ бүлиши мүмкін. Бу әса ўз наұбатида сувнинг күттаруучашылық күчини ва сузуучининг ҳаракат тәсілгінің сақлағ қолади. Оёқлар билан қылғанған түгри ва тез ҳаракат ганданинг күйдаланған кесими ва ўқи атрофидаги тебранышын мұнозанатлаштырып, сузуучи гавдасы ҳолаттана таъминплайди. Оёқни әркіп ва бир маромда ҳаракатлантириш керак.

Чалқанча кроль усулида сузишда гавда сув юзида горизонтал ҳолатда ётади, оёқлар юқоридан пастта һа настдан юқорига бир вактда, лекип турли йұналишда (болдыр, панжака бүгімлари ўртасида) силтаниб, зарб беріш орқали бир-биридан тахминан 45—60 см оралиқда ҳаракат қылади. Бунда бир оёқ юқорига, иккінчиши пастта ҳаракатланади.

Күккәндә кроль усулида сузиш учун қуруқлиқда қүйидаги машиқлар бажарилади.

1-машқ. Құмга күккәндә билан ётиб, оёқлар учини ичкари тарағға چүзіб буриб, оёқлар ҳаракатлантириледи.

2-машқ. Турникка осилиб, оёқлар ҳаракатлантириледи.

3-машқ. Ҳовуз четига ўтириб, құллар билан орқага — ерга таяниб, оёқлар сувга тушириледи, ҳаракатлантириледи.

Күккәндә кроль усулида сувда сузиш учун қүйидаги машиқлар бажарилади.

1-машқ. Ҳовуз четиде сувга күккәндә билан ётиб (бош-

ни күтариб ёки юзни сувга ботириб) оёқлар ҳаракатлантирилади. Бунда бирор ңарсага құллар билан талниб туриш керак.

2-машқ. Ҳовуз чеккасидан (ёки тагидан) депсиниб, күкрап билан сирғанишда оёқлар ҳаракати нафасни тутган ҳолда бажарилади, құллар олдинга ёки ёнга чўзилади.

3-машқ. Құллар билан тахтачани ушлаб, ҳовуз чеккасидан (ёки тагидан) депсиниб, күкрап билан сирғанилади. Сўнгра оёқларни ҳаракатлантириб — құлларни ёнга, олдинга чўзиб сузилади.

Шу машқлар чалқанча сузиш усулида ҳам құлланилади, аммо болаларга сувда сувганды, қорпини күтариб, иякни сал ўзиға тортиб ётишни ҳам ўргатиб бориш зарур, чунки агар гавда буқчайса, у чўка бошлайди. Кроль усулида чалқанча сувганды одамнинг юзи сувдан ташқарида бўлганидан, у нафас олишга қийналмайди.

ҚҰЛЛАРНИ ҲАРАКАТЛАНТИРИШ ВА НАФАС ОЛИШ

Күкрапда кроль усули билан сузишда құллар навбатма-навбат ва оёқлар тўхтовсиз ҳаракат қилиши туфайли, сувувчи бир текис суза олади. Бу—құлларни сувдан юқорига чиқармай, сув тагидан икки құллаб сувни бараварига олдинга тортиб, яна құлларни сув тагидан узатиб сузишдир («ит сузиш»). Бу пайтда бош сувдан юқорида бўлади, одам бемалол нафас олади ёки олдиндан чукур нафас олиб, юзни сувга қўйиб, нафас чиқариб сузиш мумкин. Құлларни сув тагида бирин-кетин ҳаракатлантириб сузиш ҳам бўлади. Қийналганлар резина баллонни оёқлари орасига олиб сузишлари ҳам мумкин.

Чалқанча кроль усулида сузишда құллар сувдан юқори күтарилемай, икки ёнда сувни силагандай ҳаракаг қилиб сузилади.

Қуйидаги қўл машқлари сузиш усуллари техникасини эгаллашда яхши ёрдам беради:

— қўл навбатма-навбат эшиш ҳаракатларини бажаради. Биринчи қўл эшишидан ҳосил бўлган тегликини пасайтирмасдан, иккинчи қўл эшиш керак. Сувувчининг теалиги бир маромда бўлиши, унинг оёқлари ҳаракати туфайли сақланади.

Чалқанча кроль усулида сузишда ҳам құллар бирин-кетин ҳаракатланади. Фақат бу усулда кафт ташқарига — ёнга қараб ҳаракатланниб, сувни тортади. Құллар ҳаракати билан бирга нафас олишни ҳам тўғри бажариш лозим.

	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
	нинг техникасини ўргатиш							+					
	б) Құллар ҳаракати-ни ўргатиш							+					
	в) Оёқлар ҳаракати билан нафасни мослаштириш							+	+				
	г) Құллар ҳаракати билан нафасни мослаштириш							+					
	д) Оёқ ва құллар ҳаракатини нафас билан мослаштириш								+				
	е) Тұлық координацияда сузип ва унинг техникасини тақомиллаштириш									+			
	ж) Старт олиш ва бурилишлар техника-сини ўргатиш									+			
IV	АМАЛІЙ СУЗИШ												
	а) Енбошлаб сузипши ўргатиш										+		
	б) Чалқанча брасс усулини ўргатиш										+		
	в) Шүңгишнинг техникасини ўрга-тиш										+		
	г) Чўкувчининг чан-фалидан қутулиш ва қутқариш										+		
	д) Сунъий нафас олдириш										+		

Шу машғулотларни ўтиб бўлгач, ГТО ва сузишдан зачет нормативлари топширилади.

а) Кўкракда кроль усулида

I б) Чалқанча — »— 50 метрга
в) Брасс — »— сузиш

II 400 м га хоҳлаган усулда сузиш

III. Узунликка шўнгиш — қизлар 20 м
болалар 25 м

IV. Чўкувчини қутқариш ва сунъий на фас олдириш усуллари

Агар мактабда шароит бўлмаса, ёз ойларида мактабга яқин очиқ сув ҳавзаларида, гигиена талабларига риоя қилиб ва мактаб дирекцияси билан келишиб, ушбу жадвал асосида машғулотларни (ўқувчилар лагерида ҳам шу тартибда) ўтиш мумкин.

Олий ўқув юртларида сузиш бүйича машгулотлар тартиби құйидаги жадваллар ассоциада олиб борилади:

№	Машгулотлар бұлими ва мазмунни	Машгулотлар сони										
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
I	Сув билан танинти- рувчи машгулотлар: сұнда юриш-югуриш, сув сециш, юзни ювиш, сувга пуллашы, сув ичига аста-се- кин ботишлар, «пү- как», «медуза», «ю- дукча», бўлиш, бар- моқларни санашиб ҳоказо машқларни бажарип	+	+									
II	Кўкракда кроль ва чалқанча кроль усулы- ларини ўргатиш: а) оёқлар ҳаракати техникасини ўрга- тиши ва сувдаги ўйинлар	+	+									
III	б) Кўллар ҳарака- ти техникасини ўр- гатиш в) Кўллар ҳаракат- лари билан нафас- ни мослаб ўргатиш г) Оёқлар ҳаракати билан нафасни мос- лаб ўргатиш г) Оёқлар ҳаракати билан нафасни мос- лаб ўргатиш д) Оёқ ва қўллар ҳаракатини нафас билан мослаб ўрга- тиши е) Старт ва бури- лиш техникасини ўргатиш ё) Тўлиқ координати- цияда сузиш ва тех- никани такомиллаши- тиши Брасс усулини ўр- гатиш а) Оёқлар ҳаракати-	+	+									

№	Машғұлттар мазмұни	1	2	3	4	5	6	7	8	8	10	11	12
I	Шүгүлләнеш жойи сүй билан тапшыларин мәнілари. а) юриш, югуриш, сүй сезими, юзими юниш ва ҳоказо	++											
	б) Сувга нағас чиқарып; сувга пұфлаш, юзни сувга ботыриб нағас чиқарып, сүй остида үтириш, сув остида бармоқларни санаш, шұқак, медуза, бұлниш	+·+											
	в) Сүя тубидан деңгеппіб қирғоқ томоц сирпаныш, сувга сакрапш, күкракда кроль усуллардагын-дек оёқ ҳаракаттарин бажарып	+·+											
II	Эсопластирилғап сузиш усулияны: құлни сувдан чиқармай сузиш ва оёқ ҳаракаттарин ўргатып	++											
	а) Осоплашған сузиш усулида маълум масофага сузип ва күкракда кроль усули билан чалқанча кроль усули техникасыда сузишга ўргатып Усуулар билан сузиш ва сувданғы ўйинлар												
III	ГТО нормативларини қабул қилип ва «Нентү» байрами								+	+			

Жадвалда күрсатыб ўтилғанидек, машғұлттар шұтартыбда ўтилса, болалар сувдан чүчимайдыған бўлади

ва ГТО нормативларини ҳам топшириб, сузишга ҳам ўрганиб оладилар. Агар сузишдан секция очишга шароит бўлса, шу машгулотларни ўтётган болалардан ўз маҳоратини оширишни истовчиларни аниқлаб, машгулотни давом эттириш мумкин.

Эслатма: (++) — ҳаракатларни ўргатиш, (+) — ҳаракатларни такомиллаштириш.

АМАЛИЙ СУЗИШ

Амалий сузишнинг ўзи нима? Мавзуни бошлашдан олдин мана шу саволга жавоб бериш лозим.

Номидан кўриниб турибдики, сузишнинг амалда, яъни турмушда, ҳаётда кераги бўладими — шу ҳақда фикр юритиш лозим. Демак, амалий сузиш умумсузишинг шундай усулларини, уни қўллаш билан амалда бирор-бир фойдали иш бажарилади. Сувда ким қандай ҳаракат қиласа-қиласи, фақат фойдали иш бажарисип, деган билан ҳамма нарса осонгина битавермайди. Кимдаким сув тубига шўнгизининг техникасини эгаллаб олса, зарурият талаб қилиптими, демак, униш улдасидан чиқади. Қутқариш амалларини билган одамгина, чўккан кишини қутқара олади, акс ҳолда, ўзини ҳам ҳалок қилиши мумкин ва ҳ. к.


Эндиликда амалий сузиш чуқурликка ва узунилик шўғиши, чўкаётгайнларни қутқариш, кийим-бош билан сузиш, қирғоқдан-қирғоққа сузиб ўтиши, сувга сакраши ва ҳ. к. га тафовут қилишади. Аммо бу ўрища шуни айтиб ўтиш керакки, бу хилдаги амалий сузиш жараёнида албатта у ёхуд, бу спортча сузиш усулини қўллашга тўғри келади. Бусиз иш битмайди. Амалий сузиш техникаси ва усулларини схематик равшида тасвирлайдиган бўлсак, 91-бетдаги манзара ҳосил бўлади.

ЧЎКАЁТГАН ОДАМИИ ҚУТҚАРИШ

Сувда чўмилишининг битта қонунияти бор — одам чўкаётган кишиини қутқариш қоидалариши билиши шарт.

Лекин чўкаётган одамни қутқариб қолиш осон иш эмас. Бу ишда одамдан маълум маҳорат талаб қилишади, у кўпгина кўпикма ва малакаларни эгаллаши зарур.

Чўкаётган одамни қутқариш иши одатда кўкракда кроль усулида, ёнбоплаб ва чалқанча брасс усулида сузиш билан бажарилади.



Хар қайси сузиш усули вазиятга, шароитга, вақтга қараб танланади. Чунки ҳар қайси усул ўз амалий аҳамиятига эга. Масалан:

1) күкракда кроль усулида сузиш энг тезкор усул бўлиб, узоқ масофани тезроқ босиб ўтиш, чўкаётган одами кўздан йўқотиб қўймаслик (бош сувдан юқорида бўлганлиги учун) имкониятларига эга; 2) ёнбошлаб сузиш эса чўкаётган одами сувдан олиб чиқишда қўлланилади. Чунки бу усулда одам бир қўлини бапд қилган ҳолда, иккинчи қўл билай сузиб иш бажариш имкониятига эга бўлади;

3) чалқанча брасс усули эса ҳаракат тезлиги катта бўлгаплиги учун, бинобарин, шароит зудлик билан етиб боришини тақозо қилганилиги учун қўлланилади ва ҳ. к.

Одатда, чўкаётган одамга ёки чарчаб ҳолдан тойғаш одамга ёрдам кўрсатилади.

Ҳолдан тойған одамга ёрдам кўреатиш. Бундай пайтда вазият албатта чўкаётган одам воқеасидаги вазиятдан кўра енгилроқ бўлади. Чунки бунда ўйлаб иш тутишга фурсат бор, унинг ўзи ҳам буни сезиб туради. Демак, қутқарувчи, яъни ёрдам берувчи киши кўкракда кроль усулида сузиб бориб (ҳолдан тойған одамини йўқотиб қўймаслик учун ҳам) ҳам шошқалоқлик қилмасдан, босиқлик билан иш тутиши керак. Бунинг учун ҳолдан тойған киши бир қўлини ёрдам берувчининг елкасига тираб олиши (унинг сузишпга ҳеч бир халақит қилмасдан) ва яна қайтарамиз, ҳаяжонга, ваҳимага тушиб қолмасдан, кучини тежаган ҳолда биргаликда сузиб чиқиши лозим. Бундай вазиятда ҳолдан тойған кини бир қўли билан ўзи ҳам имкони борича ҳаракат қила олади. Борди-ю. у бутуслай кучдан қолган бўлса, бер қўлининг ушаб кетишга мадори етмаса, орза томондан икки қўли билан қутқарувчининг икки елкасидан хиёл тутиб кетиши мумкип. Бунинг учун қутқарувчи ўзи бақувват, сузиш машини яхши эгаллаган бўлиши керак. Борди-ю, ёрдамга икки киши борган бўлса, у ҳолда чарчаб қолған одамини ўрталарига олиб, упга елкаларипи орқадан тутиб олишини таклиф қилиб, брасс усулида сузиб олиб чиқадилар.

Чўкишнинг сабаблари ва турлари. Сувга чўкиш бизнинг жумҳурият шароитида асосан ёз ойларида содир бўлса-да, аммо тоғли ноҳияларда бўладиган баҳорги сув тошқинлари, сел келишлар оқибатида ҳам одамлар сув гирдобида ғарқ бўлиш ҳоллари учраб туради. Бундай пайтларда одамлар албатта, кийим-бошда бўладилар.

Натижада сал вақт ичида сувга ботиб, чўка бошлайдилар. Болонъя матодан тайёрланган кийим-бошлар албатта, буидан мустасно. Масалан, шаҳримиз (Тошкент) даги «Андор»га автобус қулаб тушганида жони омон қолгандардан бири: «Мени больоняли курткам олиб чиқди, у мени ўзи тепага тортар эди» дегал экан.

Сувда кийимларни ҳали кучингиз борида ечишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун сувга чалқанча ётиб, ёқани, тугмачаларни ечиш, бир зум гужапак бўлиб туриб, нафасни чуқур олганча, аввал пойабзални, сўнг устки кийимларни ечиш зарур.

Умуман, чўкиш турлари қўйидагича:

1. Ҳақиқий ёки «ҳўл» чўкиш.

2. Асфиксия ёки «қуруқ» чўкиш.

(а — оқ асфиксия (бўғма) ҳолат; б — кўк асфиксия — ўпкага сув тушаб, нафас ололмайдиган ҳолат).

3. Иккиласми чўкиш.

4. Сувдаги ўлим.

Шулардан энг кўн учрайдигани ҳақиқий ёки «ҳўл» чўкишdir. Бунда одам ўз организмида кислород танқислигини сеза бошлагач, талвасага тушади, нима бўлса ҳам, бир марта нафас олишга интилади. Аммо сузишни билмагани учун қўл-оёқларини осонгина ҳаракатлантира олмайди. Кислород танқислиги юз бергач, у беихтёр оғзиши очиб юборади ва нафас олмоқчи бўлиб, бутун ўпкасини сувга тўлдириб қўлди. Натижада мия кислороддан очиқиб, одам ҳушидан кетади. Ҳушидан кетгандан сўнг у бошқа нафас ололмайди. Шу туфайли ўпка «ўзича» бир неча марта нафас олиб, ўзидағи бор ҳавони ҳам сиқиб чиқаради ва ўрни сув билан тўлади. Бундай пайтларда одамниг артериал ва веноз қоп босими ҳаддан ташқари ошиб (1,5—2 баравар), юрак уриши секунлашади ва шунда юрак уришнинг тўхташидан олдин кузатиладиган брадикардия тахикардияга айлапади ва қон босими кескин пасая бошлайди. Чучук сувга чўккан одам ўпкасининг ҳажми жуда катталашади-ю, лекин альвеолаларида шўр сувда чўккан одамлариниң қараганда суюқлик камроқ йигилади. Чунки унда осмотик босим кўпроқ бўлгани учун чучук сув альвеолалардан қонга ўтиб, қоннинг умумий миқдорини оширади. Шу онда юрак уришдан тўхтайди.

Чўккан одамнинг ранги одатда кўкариб, клиник ўлим ҳолати 3—6 минут давом этади. Денгиз сувининг таркибида 4 фоиз атрофида туз бўлиб, қонга нисбатан кўпроқ осмотик босимга эга бўлади. Шу туфайли томирлар-

даги қон қуюқлашиб, эритроцитлар камаяды, альвеолаларга күп миқдорда суюқлик йиғилиб, натижада ўпка ёрилиши ҳам мумкин.

Чўккан одамининг ранги оқарип, вена қон томирлари бўртмайди. Шўр сувда (денгиз сувида) чўккан одамда клиник ўлим ҳолати узоқроқ (10—12 минут) давом этади. «Оқарип кетган» одамларни чўкканидан 10 минут ўтган бўлса ҳам, тирилтиурса бўлади.

Ҳақиқий чўкиш одатда, сузишни билмаган кипиларда рўй беради.

Асфиксия ёки «қуруқ» чўкиш ҳиқилдоқнинг рефлекстор спазми туфайли, сув ўпкага кирмай қолиши билан кечади. Юқори нафас йўллари сувдан таъсирашганда ҳиқилдоқ ёки трахеининг йўли бутунлай бекилиб қолади ва чўккан одам бўғилиб (асфиксия бўлиб) ўлиб қолади. Ифлос, хлор концентрацияси кўп, кимвий моддалар, эритма заррачалари бор бўлган қумли сувда ҳам бўғилиб чўкиш ҳоллари кузатилган. Бундай чўккан одамининг ранги оқарип кетади. Чўкишнинг бу тури кўпинча (5—20 фоизгача) болалар ва аёллар ўртасида учрайди.

Совуқ (16° дан паст) сувда чўмилган киши совуқлик шоки юз бериши натижасида чўкиб кетиши мумкин. Маълумки, одам совуқ сувга тушганида теридаги қон томирлар тораяди. Қон тана юзасидан ички аъзоларга оқиб кетади ва шунинг учун уларнинг фаолияти анчагина тезлашади. Бу эса моддалар алмашинувининг ортишига, оксидланиш жарабанинг тезлашишига, бинобарин, иссиқлик ҳосил бўлишиниң кўпайишига олиб келади. Юрак фаолияти ҳам анча тезлашади. Шунинг учун қоннинг томирлар бўйлаб ҳарақатланиши кучаяди, терига жуда кўп илиган қон келади ва тери юзаси қаттиқ совуб кетмайди. Агар одам узоқ вақт совуқ сувда чўмилса, ёки совуқ сувга тушиб кетса, дастлабки пайтда юрагини «тўхтаб қолгандай» ҳис этади. Чунки юрак фаолияти бир неча секундгача пиҳоятда секнилашиб қолади. Тери рецепторларида бошланган интенсив импульс катта яримшарлар пўстлогига бориши натижасида бош мия томирлари тораяди, мияда спастик анемия рўй беради ва юрак рефлектор равишда тўхтаб қолади.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қуёш нурийнинг кучли таъсиридан ҳаддан ташқари иссиқлаб кетган киши чўмилганида, оғир иш қилганида ёки масти ҳолатда (тана ҳарорати 37° га яна ароқнинг 40° си қўшилиб, шу ҳарорат билан совуқ сувга тушилгандан) чўмилганида сувда совуқлик шоки юз бериши мумкин.

Бундан ташқари, агар одам узоқ вақт совуқ (20° дан

паст) сувда чўмилса (чиниқмаган бўлса) совқотади, со-
вуқлик шоки ривожланмасада, у чўкиб кетиши мумкин.
Бундай сувда иссиқликни ташқарига чиқариш кескин
равишда кучайиб, гавданинг ҳарорати пасайиб кетади,
марказий нерв системаси аста-секин сусайиб, скелет му-
шаклари оғрийди ва тиришиб қисқариб, томирлар тор-
тишади. Тезлик билан ёрдам кўрсатилмаса, баъзан кўн-
гилсиз ҳодиса юз беради. Совуқ сувга чўккаи одамда
клиник ўлим ҳолати узоқ (20 минутгача) чўзилиб, чўк-
кинига ҳатто 20 минут бўлган бўлса ҳам, тирилтириш
мумкинилигини эсда тутиш.

Сувга сакрашда, шўигиши, қорин ёки жинсий аъзо-
лар сувга урилганда ёки бош билан сув остига урилиш
туфайли жароҳатланиш шоки авж олиши натижасида
одам чўкиб кетиши ҳам мумкин. Шикастлапиб, сув ос-
тида қолганда, сув пафас ўйларига, альвеолаларга ўп-
кага киради ва одам чўкишига сабаб бўлади. Бундай
чўкиш ҳолати иккиласми чўкиш дейилади.

Вестибуляр анализаторларнинг бузилиши, асфиксия
билан бирга ривожланиши ҳам баъзан одамнинг чўкиши-
га олиб келади. Сувда бўлган одамнинг қулоғига совуқ
сув тушганида (қулоқ пардаси нуқсони ёки Евстахий
найи орқали) вестибуляр аппаратнинг кучли таъсирла-
ниши оқибатида одам сувда тик турга олмайди, боши ай-
ланади, кўигли айнайди ва ҳ. к. Маълумки, одам сувга
шўнгиганида боши билан пастга ёки юқорига қилаётган
ҳаракатини бемалол ҳис эта олади. Вестибуляр аппа-
рати заарланган киши эса сувда қайси ҳолатда ҳара-
катланаётганини ёки сувнинг маълум қатламидан паст-
га ёки юқори томон силжиётганини билолмай қолиб ас-
фиксияга учрайди ва кўпинча гарқ бўлиб кетади. Одатда,
кар-соқовларнинг вестибуляр аппарати заарланганлигига
кўра, уларнинг ёз ойларида чўмилишлари аича хавф-
лиdir. Чунки бундай кишилар орасида шу каби ҳодиса-
лар рўй бериш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Сув остида сузуви спортчиларда ҳам ўзига хос чў-
киш ҳолатлари учрайди. Сувнинг остида турга олиш муд-
датини узайтириш мақсадида сувга шўнгувчи ўзини сув-
га ташлашдан аввал, бир неча марта тез-тез ва чуқур
пафас олади (гипервентиляция). Бунда қоядаги карбо-
нат ангидрид (CO_2) таңқислигидан газиниг суюқликдаги
босими (20 мм сим. устгача) пасаяди. Сув остида эса
қоядаги карбонат ангидриднинг таңқислиги одатда, оша-
ди ва альвеолалар ҳавосидаги карбонат ангидриднинг
таңқислиги даражасига (38—42 си. м уст. г) етади.

Қонда кислород танқислиги кескин камайиши патижака сида мия гипоксияси ривожлапиб, сузуви ҳушидан кетиши мумкин.

Қандай сувда (депгиз ёки чучук, совуқ ёки илиқ сувда) чўкишдан қатъий назар нафас тўхтагап, юрак фаолияти кескин сусайган ёки тўхтаб қолган одамга тез ёрдам кўрсатиш лозим. Қон айланиши, нафас фаолиятини тиқлашга қаратилган реанимацион тадбирларнинг шошилинич чорасини кўриш зарур. Суиъий нафас бериш қонни кислородга етарлича тўйинтиришда ва сувга чўккандан кейинги оғир асоратлардан бири бўлгап ўпкашишининг олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Чўкаётган одамни қутқариш. Чўкаётган одамни қутқариш ҳар бир ицсоннинг бурчидир. Бу бурчни адо этиш учун албатта, сузишни яхши билиш керак.

Қутқаришнинг бир неча усул ва амаллари бор. Масалан, сувга чўкиб бораётган одамни сув оқими қутқарувчи томонга оқизиб келаётган бўлса, қутқарувчи чўкаётган киши олдига бурчак ҳосил қилиб, сузиги чиқиши лозим.

Ҳушидан кетган одамни сувдан олиб чиқиш қўйидаги-ча бажарилади:

а) чўккан одамнинг сочидан ушланади ва оёқларни брасс усулида ҳаракатлантариб, ёнбошлаб, бўш қўл ёрдамида сузиги олиб чиқилади;

б) чўккан одамнинг иягидан икки қўл билан бош тарафидан келиб ушланади ва чалқанча ётган ҳолда брасс усулида оёқлар билан ҳаракат қилиб сузиги олиб чиқилади; в) чўккан одамнинг орқа томонидан бир қўлни икки қўлтиғидан ўтказиб ушлаб, иккинчи бўш қўл билан ёнбошлаб сузиги, оёқларни ҳам шу усулга кўра ҳаракатлантариб олиб чиқилади; г) қўлни чўккан одамнинг бир қўлтиғидан ўтказиб, иягидан ушлаб ёнбошлаб сузиги ҳаракатлари билап олиб чиқилади ва х. к.

Қутқариш усули қандай бўлмасин, чўккан одамга шароитга қараб нафас олишига имкон бериш керак, бу ҳеч қачон эсади чиқмаслиги шарт бўлгап, биринчи навбатда қилинадиган вазифадир.

Шу ўринда бир воқеани ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

Ўзингиз биласиз, ҳаётда нималар бўлмайди, қандай одамлар учрамайди, дейсиз. Қунларнинг бирида шаҳримизда барло этилаётган япги тураржой даҳаси худудида ер қазиш ишлари туфайли, кўлга тенг келиб қоладиган сунъий сув ҳавзаси пайдо бўлди. Ёз келиши

Билан бу болаларнинг маза қилиб чўмиладигай маска-
лига айланди. Сув тиниқ, жозибали, оромбахшлиги бо-
лаларнигина эмас, катталарни ҳам ўзига чорлар эди.
Кун иссиқ, офтоб бадани қиздиради, болалар бақириқ-
чақириқ қилиб чўмила бошлиши. Сув бўйига бир пайт
беш улфат тўрва-халталарини кўтариб, бир маза қилади-
ган бўйлик, деб келиб қоладилар. Одатда, сувни сева-
диган болалар янада мароқчи чўмилиш йўлларини из-
лаб топишади, катта-катта ёғоч доиралар (диск) устига
5—6 тадап бола чиқиб олиб, «кўл» бўйлаб сузиб юришар
эди. Буни кўргани ҳалиги беш улфат дарҳол доиралардан
бирини болалардан иштимос қилиб олишади.

Бешовлон бир бўлиб допрага чиқиб ўтирадилар. Йи-
гитлардан фақат бири сузишини билмас эди. Улар жуда
хурсанд, ўзларини бамисоли дарёда — қайиқда кетаёт-
гаңдек ҳис қилишарди. Сувда чўмилиб юрган болалардан
бириниг шўхлиги тутиб, секин-аста сузиб келади-ю,
улар ўтирган «қайнқни» ағдариб юборади. Улар барава-
рига сувга тушиб кетадилар. Шунда йигитлардан бири
сузишини билмайдиган дўстини эслаб қолади ва зудлик
билан у томонла сузиб бориб, қўрқувдан талвасага ту-
шаётган оғайинисини сувдан олиб чиқади. Яхшиямки бу
йигитнинг сузишини билмаслигидан бир киши бўлса ҳам
хабардор экан, акс ҳолда кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши
мумкин эди. Қутқарувчи йигит тажрибали сузуви бўл-
гани туфайли сувда оқилона ҳаракат қилиб, дам дўстига,
дам ўзига шафас олишга имкон яратади.

Маълумки, чўкаётган одам онгли ҳаракат қилмайди.
Қўлларни осмонга эмас, пастга олишини у хәёлига ҳам
келтирмайди. Дод солиб қўлларини сув ургапча телага
кўтараверади, натижада сув ўз қаърига тортиб кетади.
Аслини олганда, одамзодни чўқтирадиган парса — мана
шу қўрқув, даҳшат васрасасидир. Одам қўрқиб кетмаса,
у ўзини сувда тутиб тура олади. Сузишга ўрганаётганда
ҳаммамиз ҳам шу ҳиссийт пайдо бўлгашидагица сузиб
кетганмиз. Чунки худди шу пайтда бизда онгли ҳаракат
қилишга эркин ихтиёр туғилган.

Чўкаётган одам жоп ҳолатда унга ёрдамга келган қи-
шини дуч келгап еридан маҳкам тутиб олиши мумкин.
Бундай вазиятда қутқарувчи эс-ҳушини йўқотиб қўймас-
лиги керак. Масалап, чўкаётга қиши унинг иккни билагидан тутиб қолганида, қутқарувчи қўлларини паст-
дан ёнга силтаб, чиқариб олиши, борди-ю, чўкаётган
одам унинг орқа томонидац, бўйнидан иккала қўли би-
лаш ушлаб олса, дарҳол унинг бош бармоқларидац тутиб

ажратиб, құлшың қүйвормаган ҳолда, ўзиннің олдига уннің орқасини қилиб ўтказиб олиши лозим. Агар чүкәтгап одам олд томондан бүйінчға ёпишиб олса, тиззашың үнга тираб, энгагидан итариб ажратиш лозим. Шундай ҳолдар ҳам бұладыки, чўкаётгап киши сизга маҳкам ёнишиб отади. Бундай ҳолатда бир зум сув тагига тушиши, яъни чўкаётгандай ҳаракат қылыш керак. Шунда сизни ўзи қўйиб юборади ва сувдан чиқишишга ўзи талпинади, ҳаракат қиласы да ва ёрдам берәётгавда бошқа қаршилик кўрсатмайди.

Хуллас, чүкәётгән одамни қутқариш, унга ёрдам бериш ёки сув тубидан чўккаш одамни олиб чиқиш ўзига хос усул ва амалларга эга. Сузишни биладиган, айниқса, спортчи сузувчилар ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдамга шай бўлишлари лозим.

Сувдан құтқарып чиқылған одамнинг ахволи одатда, ҳар хил бўлади. Баъзилари енгил — сал оғиз-бурнига сув кирган, бироз йўталиб, ўқшиб, қусиб, кейин тузалиб кетади. Бошқа бирлари оғирроқ — ўпкага сув кирган, нафас олиши қийинлашиб қолган, афти-аңгори кўкариб кетган бўлади. Бундайларни албатта, тезлик билан врач қабулига элтиш керак. Учинчи хилдагилар эса анча оғир — ҳушини ўйқотган, нафаси тўхтаб қолган, аммо юраги секин-секин уриб турган бўлади. Бундайларга шу заҳоти — бир дақиқа ҳам ўтказмай, эудлик билан сунъий нафас олдириш зарур.

Сунъий нафас олдириш. Чўккаи одамии сувдан олибчиққац, дарҳол унинг юрак уриши, нафас олиши, кўзжорачигинииг ёргуликка сезгирилиги ва умуман шикастланган жойларини кўздан кечириб чиқиш керак. Упкасига кетган сувни тушириш учун ёрдамчи ўз тиззасига уни қорни билан ётқизиб, бошини энгаштирган ҳолда силкитини лозим. Агар фезига лой, қум каби ифлос нарсалар кирган бўлса, улардан тозалаш ва сунъий нафас олдиришга ўтиш зарур. Бунинг учун дарҳол юқори нафас йўллари ўтказувчалиги текшириб кўрилади: 1) шикастланган киши чалқанча ётқизилади, 2) боши орқага энгаштирилади, 3) ҳаво пуллаш ўйли билан (огиздан-огизга ёки оғиздан-бурунга) сунъий нафас олдирилади. Бунда жароҳатланган кишининг кўкрак қафаси кейгаймаса, у ҳолда пастки жаги олдинга тортиб чиқарилади ҳамда оғзи ва ҳалқуми тозаланади.

Чүккан одам қаттиқ жой (пол, күшетка)га чалғанча ётқизилади. Қийим-бошнаның танани сиқиб туралған барча қисмларини бүшатыши лозим. Ердам күреатувчи

бир қўлини шикастланган кишининг бўйни остига, иккичисини эса пешонасига қўйган ҳолда унинг бошини орқага энгаштиради. Бу ҳолда тил илдизи кўтарилиб, тил ва ҳалқумнииг орқа девори орасидаги ҳаво йўллари очилади. Шикастланган кишининг оғзини очиб турмаш керак. Шундан кейин нафас олдиришга уриниб кўрилади — оғиздан-оғизга ёки оғиздан-бурунга ҳаво пулланади. Бош орқага эгилган ҳолда ҳам ўлкага ҳаво кирмаса, кўкрак қафаси кенгаймайди ва катталашмайди. Нафас йўлларини бирмунча тўлиқ очиб қўйиш учун шикастланган кишининг пастки жагини олдинга тортиш зарур. Шу маъсадда қўлнииг бош бармоғини оғиз бўшлиғига киритиб, энгак кўтарилади ёки икки қўл билан жағ бурчаклари ушланади, бош бармоқлар билан энгакни босиб, пастки жағ олдинга тортилади. Оғиз бўшлиғи ёки ҳалқумда бирор нарса бўлса, уни салфетка, рўмолча билан бармоқни тиқиб олиб ташлаш керак. Бунда шикастланган кишининг боши ён томонга қаратиб қўйилади ва сунъий нафас олдиришга киришилади.

Пуфлаш йўли билан сунъий нафас олдиришда шикастланган кишининг ўпкасига қўл усусларирига нисбатан ҳаво кўпроқ киради. Пуфланган ҳаво таркиби атмосфера ҳавосидан фарқланса ҳам (кислород концентрацияси 21 дан 18% гача пасаяди, карболат ангидрид концептрацияси 0,3 дан 5% гача ошади), бундай пайтда ҳаво концептрацияси етарли бўлади.

I. Оғиздан-оғизга нафас олдираётган киши шикастланган кишининг ён томонида тиз чўкиб турган ҳолда қўйидагиларни бажариши: 1) чуқур нафас олиши; 2) ўз оғзини бемор оғзига (бевосита беморнинг оғзига ёки доқа, салфетка, рўмолча орқали) маҳкам босиши; 3) бошни орқага эгиг турган қўлнииг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан шикастланган кишининг бурини қишиши; 4) шикастланган кишининг кўкрак қафаси ҳаракатини кузатиб, унинг ўпкасига ҳавони тез ва кескин пуфлаши; 5) шикастланган кишидан ўзини чётга олиб, суст нафас чиқаришини кузатиши лозим (шикастланган кишининг боши орқага эгилиб туриши шарт!). Кўкрак қафасининг ҳажми кичрайгандан сўнг цикл қайтарилади. Пуфланган ҳавонинг ҳажми нафас олиш тезлигига нисбатан муҳимроидир. Пуфланган ҳавонинг ҳажми 1000—1500 мл дан кам бўлмаслиги керак. Ҳар бир минутда беш секунд интервал билан 12 марта ҳаво пуфлаш лозим.

II. Оғиз билан бурунга сунъий нафас олдириш ҳам,

Оғиздан-оғизга сунъий нафас олдиришга ўхшайди, бунда шикастланган кишининг оғзини беркитиб туриб, бурни орқали ҳаво пулланади. Бундай ҳолда ёрдам кўрсатувчи бир қўли билап (қўл бошнинг тепа суюк соҳасига қўйилади) шикастланган кишининг бошини орқага эгади. Энгак устига қўйилган бошқа қўли билан эса пастки жарни юқори жагга босиб, энгакни олдига тортиб, бои бармоқ билан шикастланган кишининг оғзини беркитади. Шундан кейин қутқарувчи: 1) чуқур вафас олади; 2) шикастланган қиши бурнини қисмай, лаблари билан зич ҳолда ушлаб туради (бевосита ёки рўмолча орқали); 3) шикастланган кишининг кўкрак қафаси ҳаракатини кузатиб, бурун йўллари орқали унинг ўпкасига ҳавопи кескин ва тез пуллайди, 4) шикастланган кишининг бурнини бўшатиб, оғзини очади (чунки ҳаво оғиздан кам чиқади).

Болаларга сунъий нафас олдириш «оғиздан-оғизга» ва «оғиздан-бурунга» усулида амалга оширилади. Боланинг оғиз ва бурнини биргаликда лаблар билан ушлаб, кўкрак қафаси кенгайишини кузатиб, униш ўпкасига ҳаво эҳтиётлик билан пулланади. Нафас олиш сони бир дақиқада 15—18 мартадан кам бўлмаслиги керак. Ўпка сунъий вентиляциясининг усуllibарида унинг таъсирчалигига, кўкрак қафасининг ҳаракати бўйича баҳо бериш зарур.

Юракни ташқи ёки кўкрак устидан массаж қилиши. Юрак тўхташининг асосий белгилари қўйидагилар: ҳушдан кетиш, пульс бўлмаслиги (шу жумладан, уйду ва сон артерияларида ҳам), юрак тоналарининг эшитилмаслиги, нафаснинг тўхташи, тери ва шиллиқ пардаларининг оқаргалиги ёки кўкарғанлиги, кўз қорачиқларининг пиҳоятда кенгайиши, мускулларнинг тортишишидир (бу белги ҳушдан кетиш вақтида иайдо бўлиши ва юрак тўхташининг дастлабки сезиларли белгиси бўлиши ҳам мумкин).

Хозирги вақтда юрак массажининг икки тури: кўкрак бўшлиғи органларида операциялар вақтидагиша қўлланадиган очиқ ёки бевосита массаж ва очилмаган кўкрак қафаси орқали ўтказиладиган ёпиқ, ташқи массаждай (юракни кўкрак устидан массаж қилиш) фойдаланилади.

Юракни массаж қилиш доимо сунъий нафас олдириш билан параллел ҳолда ўтказилиши керак, чунки бундай қилинганда қон кислород билан яхши таъмишладади.

Ташқи массажининг моҳияти юракни тўш ва умуртқа

погонаси орасида бир маромда сиқищдан иборат. Бунда қон қоринчадаң аортага ҳайдалади ва, хусусан, бош мияға тушади, ўнг қоринчадаң эса ўпкага тушиб, бу ерда кислородга түйинади. Күкрак девори эластик бўлганлиги учун қўл тўшдан тез олингаңда девори олдинги ҳолатига қайтади ва юрак яна қон билан тўлади.

Юракни ташқи массаж қилишда қуйидаги шартларга риоя қилиш керак: бемор қаттиқ жойга (пол, ерга) чалқанча ётқизилади; ёрдам берувчи bemornинг ён томонида туриб, қўли билан тўшининг пастки қисмини (ханжарсимон ўсиқни) топади ва устма-уст тўғри бурчак шаклида қўйилган қўл кафтларини тўшининг пастки қисмida, яъни ханжарсимон ўсиқдан 2 бармоқ энича юқорида жойлашириди (босилганда қовургалар шикастланмаслиги учун қўл бармоқлари кўкрак қафасига тегмай ёзилган ҳолда бўлиши керак); қўл кафтлари билан тўш умуртқа погонаси йўналиши бўйлаб куч билан 4—5 см га босади. (Бу ҳолатни катталарда 0,5 сек. давомида сақтаб туриб, қўлларни тўшдан кўтармасдан бўшашибдириш керак.) Катталарда массаж ўтказишда қўл кучидан-гина фойдаланиб қолмай, балки бутуни гавда кучи билан ҳам босиш зарур. Ташқи массаж қилишда тўш умуртқа погонаси томонига минутига 50—70 марта босилади, болаларда юрак массажи фақат бир қўлда, эмизикли гўлакларда эса иккى бармоқ учиди минутига 80 ва 100—120 марта босилади. Бир ёшгача бўлган болаларда бармоқлар тўшининг пастки қисмига қўйилади.

Бундай массаж катта жисмоний куч талаб қиласди ва одамини жуда чарчатади. Агар реанимацияни бир киши ўткашса, тўшини 1 сек. интервал билан ҳар 15 марта босгандан сўнг массажни тўхтатиб, оғиздан-оғизга ёки оғиздан-бурунга усулида 2 марта нафас олдириш керак. Реанимацияда иккى киши қатнашса, биттаси сунъий нафас олдиради, иккичиси эса юракни массаж қиласди, бироқ ҳаво пуфлайтган вақтда юрак массаж қилишмайди. Бунида тўшини ҳар 4 марта босищдан сўнг ўпкага бир марта пуфлаш керак. Шунида юрак минутига 48 марта босилади ва ўпкага 12 маротаба ҳаво пуфланади.

Зарурат тақозо этган пайтда дарҳол юракни массаж қилиш ва сунъий нафас олдириш керак. Тез тиббий ёрдам машинасини чақиришга кетиб bemорни ёлғиз қолдириб бўлмайди, аks ҳолда вақт қўлдан кетиши мумкин. Юрак массажи самарадорлигига қуйидаги белгилар бўйича баҳо берилади: уйқу, соп ёки билак, артерияларида пульс пайдо бўлиши, артериал босимининг 60—80 мм




Симбоб устуни атрофида ошиши, күв қорачиқларининг то-
райиши ва уларда ғруулікка реакция пайдо бўлиши,
теридан кўклимтір тус ва «мурданикідек» рангизилкиниң
йўқолиши, кейинчалик мустақил нафас олишининг тик-
ланиши.





Юракни қўполлик билан ташқи массаж қилиш оғир
асоратларга — ўпка билан юрак заарланиб, қовургалар-
ининг синишига сабаб бўлиши мумкин.





• Тўшининг хапжарсимон ўсиғи босилганда меъда ва
жигар ёрилиб кетиши мумкин. Айниқса ёш болалар ва
кеқсаларни жуда эҳтиёткорлик билан массаж қилиш
зарур.




ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР



- О. А. Собирова. Болалар, сузишни ўрганинг. Тошкент, «Медицина» нашриёти, 1987.
- О. А. Собирова. Соғлом бўлай десангиз. Тошкент, «Медицина» нашриёти, 1988.
- О. А. Собирова. Сузиш санъатини ўрган. Тошкент, «Медицина» нашриёти, 1989.
- П. Тангиров, А. Н. Левицкий. Сузиш. Тошкент, «Медицина» нашриёти, 1986.
- Л. Рихсиеева, Х. Тўрдагўжаев. Спорт медицинаси асослар. Тошкент, «Медицина», 1985.
- Енгил атлетика. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1971.
- Н. Ж. Ўзганова. Плавание. М., Издательство «ФиС» 1979, 1984 йй, (русча)
- Программа по плаванию и методика преподавания (русча). Москва. 1980, 1988 йй.
























1-расм. Сувдаги машқлар.













2-расм. Брасс усулида сузишда құл ғана оёқ ҳаракатлары тәжірибелі суга оид комплекс машқлар












3-расм. Күкракда ироль ва чалқанча ироль усулида құл әзакаты техникасыға оид машқлар түркүми.



4-расм. Чүкүвчнің қутқарының сувдан олиб чиқыш услублары.











5-расм. Юқори нафас йўлларини тозалаш ва сунъий нафас олдириш, юракни ташқи массаж қилиш.







6-расм. Сувга ботиш, қалқыб ётишлар.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Сузишнинг соғлиқ учун аҳамиятт	4
Сузиш ва учинг тарихи	7
Ўзбекистоц жумҳурятида сузиш спортишнг ривожланиши	10
Олимпиада ўйинлари	15
I Олимпиада. 1986 й. 11 апрель. Афина (Греция)	15
II Олимпиада. 1900 й. 20—27 июль. Париж (Франция)	17
III Олимпиада. 1904 й. 10—19 август. Сент-Луис (АҚШ)	18
IV Олимпиада. 1908 й. 15—26 июль. Лондон (Буюк Британия)	18
V Олимпиада. 1912 й. 9—18 июль. Стокгольм (Швеция)	19
VII Олимпиада. 1920 й. 19—26 август. Альтверцен (Бельгия)	19
VIII Олимпиада. 1924 й. 10—19 июль. Париж (Франция)	19
IX Олимпиада. 1928 й. 5—11 август. Амстердам (Голландия)	21
X Олимпиада. 1932 й. 5—13 август. Лос-Анжелес (АҚШ)	21
XI Олимпиада. 1936 й. 3—12 август. Берлин (Германия)	23
XIV Олимпиада. 1948 й. 31 июль—7 август. Лондон (Буюк Британия)	23
XV Олимпиада. 1952 й. 25 июль—2 август. Хельсинки (Финляндия)	24
XVI Олимпиада 1956 й. 29-ноябрь—7 декабрь. Мельбурн (Австралия)	25
XVII Олимпиада. 1960 й. 8 август—4 сентябрь. Рим (Италия)	26
XVIII Олимпиада. 1964 й. 10—19 октябрь. Токио (Япония)	26
XIX Олимпиада. 1968 й. 17—24 октябрь. Мехико (Мексика)	27
XX Олимпиада. 1972 й. 28 август—4 сентябрь. Мюнхен (ГФР)	28
XXI Олимпиада. 1976 й. 18—25 июль. Монреал (Канада)	29
XXII Олимпиада. 1980 й. 19—30 август. Москва	29
XXIII Олимпиада. 1984 й. 29 июль—12 август. Лос-Анжелес (АҚШ)	30
XXIV Олимпиада. 1988 й. 17 сентябрь—2 октябрь. Сеул (Жавубий Корея)	30
Сузувчи спортчиларнинг анатомик ва физиологик жиҳатлари	31
Одамнинг анатомик хусусиятлари билан физиологик имкониятларининг сузиш техникасига татъири	33
Сузиш техникасининг назарий асослари	38
Сувнивиг физик хоссалари	39
Статик сузиш	41
Динамик сузиш	43
Спортча сузиш усуллари	47
Кўкракда кроль усули	48

Чалқанча кроль усули	51
Дельфинча сузиш	54
Брасс усули	57
Енбопилаб сузиш	61
Стартлар	63
Сув ичиде старт олиш	66
Бурилиш техникаси	68
Кўкракда кроль усулида сузишда бурилиш . .	69
Чалқанча кроль усулида сузишдаги бурилиш	71
Брасс усулида сузишдаги бурилиш . .	73
Енбопилаб сузиш усулидаги бурилиш	74
Чалқанча сузиш усулидаги бурилиш	74
Сузиш бўйича дарс конспектини тузиш	75
Сузилил методикаси	78
Сув муҳити билан танишитирувчи машғулотлар	82
Сувда сирғаниш машқлари	83
Кўкракда ва чалқанча кроль усулида сузишларда	
оёқлар ҳаракати	83
Кўлларни ҳаракатлантириш ва вафас олиш	85
Амалий сузиш	89
Чўкаётган одамни қутқариш	89

**Ўқув нашири
ОИТОЖИ СОБИРОВА**

СУЗИШ

Иби Сино номидаги нациёнт-матбаа бирлашмаси, Тошкент,
Навоий кўчаси, 30.

**Учебное издание
ОИТОЖИ САБИРОВА**

ПЛАВАНИЕ

Издательско-полиграфическое объединение имени Ибн Сины,
Ташкент, Навои, 30.

Муҳарририят мудирлари Б. Мансуров, муҳаррир Д. Гуломова, бадийи муҳаррир М. Эргашева, техник муҳаррир В. Мешчериакова, мусаҳдиҳ X. Исматов.

ИБ № 1965

Босмахонага 26.01.93 да берилди. Босишга 21.06.93 да рухсат этилди.
Бичими 84×108^{1/2}. Офсет қозоги. Юқори босма. Оддий янги гарнитура.
Шартли босма табоқ 6,3. Шартли бўёқ-оттиски 6,51. Нашр босма табоқ
6,38. 44—92-рақамли шартнома. Жами 4000 нусха. 48-рақамли буюртма.
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Даълат матбуот қўмитаси, Тошкент Китоб журнал фабрикаси, Тошкент, 700194, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

